

# Абадият гүлшани



УАК 811215133-1  
КБК 84(2)е  
А-12

Амишер Навоий  
таваллудининг 575 йиллигига  
багишланади

ГУПИНАНИ  
211797

ANDIJON QISHLOQ  
XEZJALIGI INSTITUTI  
"AXBOROT-RESURS  
MARKAZI"

«SHARQ» НАШРИЁТ-МАТБАА  
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ  
БОШ ТАҲРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ — 2016

УЎК: 821.512.133-1  
КБК 84(5Ў)6  
A-12

Лойиҳа муаллифи

**Ўтқир Раҳматов**

*«Халқ сўзи» ва «Народное слово»  
газеталари бош муҳаррири*

Тўплаб нашрга тайёрловчилар

**А. Кутбиддинов, М. Жонихонов**

A-12

Абадият гулшани: II китоб: Алишер Навоий таваллудининг 575 йиллигига бағишиланади. Лойиҳа муаллифи Ў. Раҳматов. – Т.: «Sharq», 2016. – 192 б.

**ISBN 978-9943-26-444-1**

УЎК: 821.512.133-1  
КБК 84(5Ў)6

© «Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси  
Бош таҳтирияти, 2013, 2016.

# **АБАДИЯТ ГУЛШАНИ**

**II китоб**

**«Халқ сўзи» ва  
«Народное слово»  
газеталари таҳририяти  
кутубхонаси**

**«SHARQ» НАШРИЁТ-МАТБАА  
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ  
БОШ ТАҲРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ – 2016**


«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари таҳририяти ташаббуси билан тайёрланган ушбу мӯъжаз китоб Алишер Навоий таваллудининг қутлуг 575 йиллигига бағишиланади. Унда юртимизнинг таниқли навоийшунос олимлари, адабиётшунослар, шоир ва ёзувчиларнинг улуг шоиримиз асарлари талқини, тадқиқоти, таҳлилига асосланган мақолалари жамланган.

Улуг шоирнинг қалб ва тафаккури оламидаги жавоҳирларни кўриш, англаш ҳар биримизга чексиз севинчлар улашишига ишончимиз комил.



## **Ислом КАРИМОВ:**

Алишер Навоий халқимизнинг онг ва тафаккури, бадиий маданияти тарихида бутун бир даврни ташкил этадиган буюк шахс, миллий адабиётимизнинг тентсиз намояндаси, миллатимизнинг фуури, шаъну шарафини дунёга тараннум кылган ўлмас сўз санъаткоридир.



## Буюкликинг боқий овози

«Бугунги шиддатли даврда чинакам маънавиятли ва маърифатли одамтина инсон қадрини билиши, ўз милий қадриятларини, миллый ўзлигини англаши, эркин ва озод жамиятда яшаш, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносаб ўрин эгаллаши учун филоийлик билан кураша олиши мумкин.»

Бу теран фикрлар Президентимиз Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида акс этган.

Дарҳақиқат, бундан 25 йил муқаддам ўз қадр-қимматимизни, ўзлигимизни тупроқдан кўтардик, баҳти ва озод яшай олишимиз, буюк аждодлар вориси эканлигимиз, албатта, бизга улкан куч-куват, гайратшижоат, битмас-тутанмас илҳом баҳш этишини англаш, ҳис этишга чоғландик.

1991 йил Юртбошимиз ташабbusи билан «Алишер Навоий йили» деб номланиши ҳам айнан ушбу улуғвор саъй-ҳаракатларнинг маъно-мазмунини белгилаб берди. Чунки Алишер Навоий — бу она тилимиз, қалбимиз, эҳтиросларимиз, дарду ғамларимиз, қувончу шодликларимиз, орзу-умидларимиз куйчиси, халқимизни камолот сари, энг юксак инсоний мэрралар томон чорлаб келган даҳодир.

Унинг бутун ижоди асрлар силсиласида Ҳазрати инсонни авайлашга, асрашга, ҳимоя қилишга қаратилгани билан ниҳоятда аҳамиятли ва эътиборли бўлиб қолаверади. Негаки, Инсон адашса, ўзлигини унутса, кибр ва нафсга берилса, жамият хавф остида қолади. Ундан адолат қочади, разолат ҳукмига ўтади. Ботинидаги гавҳар — адабга доғ тушади. Тафаккуридаги эзгулик жавоҳирлари — тинчликка бўлган эъзоз, бағрикенгликка нисбатан эҳтиром,

огоҳликка асосланган ишонч илдизи курийди. Оқибатда маҳдудлик, ваҳший телбалик кишини хароб қиласади.

Шунинг учун Инсон ҳимояга муҳтоҷ. Уни кўз қорачигидек асрар, муносиб таълим-тарбия бериш, отонага, юртга чексиз муҳаббат ва садоқат туйғуларини сингдириш, янаши учун қулай турмуш мұхитини яратиш, аҳволидан хабардорлик, асло унутмаслик — Навоий фикрича, дүнёни жаҳолат ботқофига ботиб кетишдан асрайди.

Аммо, Одам, аввало, одамийлик рутбасига эришиши жоиз, акс ҳолда ўз улуғлигини инкор қилиши эҳтимолдан холи эмас. Демак, одам кўнглини обод қилиши даркор, ободлик эса маърифат дурдоналарини кўз билан илғаб, ақл тарозусида ўлчаб, руҳият чашмасида яна жилолантириб қабул қилишни тақозо этади.

Кўриниб турибдики, Навоий — одамийлик номайи аъмолига муносиб бўлишга интилишни ва бу интилиш то қазои муқарраргача, аниқроғи, ер юзининг интиҳосига қадар давом этиши лозимлигини уқтирган. Шундагина, башарият баҳт-неъматта эришади. Жаҳон балолар гирдобига тушмайди, фаровон ҳаёт, обод турмуш кафолатланади.

Таъкидлаш керакки, давлатимиз раҳбари Истиқдолнинг дастлабки кунларидан бошлаб ислоҳот ислоҳот учун эмас, аввало, инсон учун хизмат қилмоғи лозимлигини уқтириб, бу борада мислсиз эзгуликларни руёбга чиқаришда ҳам ташаббускор, ҳам бош-қош бўлди. Энг мұхими, баркамол авлод етуклиқ ва салоҳият касб этиб вояга етишларига қаратилган эътибор, ғамхўрлик, жаҳон миқёсида ибрат ҳамда намунага молик давлат дастурларининг муваффақиятлари нафақат мамлакатимизда, балки бутун дунёда ўз эътирофини топди. Айниқса, юксак маънавиятимиз, аждодларимизнинг нодир ижодини ўқиш, ўрганиш, тадқиқ қилиш, халқимиз, шунингдек, халқаро жамоатчиликка тарғиб-ташвиқ қилиш юқори даражага кўтарилди.

Албатта, буларнинг бари, аввало, ҳеч кимдан кам бўлмаган ва кам бўлмайдиган Ўзбекистон фуқаросининг маънавий оламини янада кудратли қилиш, таҳдидбардош, метин-мустаҳкам, одамийлик рутбасида сабит иродасини шакллантиришга қаратилган. Зоро, Алишер Навоий шу маънода бизга мададкор, панду насиҳатлари ила пиру комил, йўл-йўриклиари, ҳикматлари бирлан бобокалон, етти хазина соҳиби — маънавий чароғбонимиздир.

Мехру мурувват, хайру саховатда ўзи намуна бўлган Навоий ёзган асарлари орқали ҳам кишиларни яхшилик қилишга, бир-бирини қўллаб-қувватлашга чақирган. Чунончи, «Маҳбуб ул-қулуб» асарида саховат ва ҳиммат бобида алоҳида фикр юритиб, саховатни инсоният боғининг мевали дарахтига ўхшатади, одамийлик мамлакатининг мавжли уммонига, бу уммоннинг бебаҳо гавҳарига қиёс қиласди.

Алишер Навоийнинг хайру саховат, меҳру мурувват бобидаги фаолиятини таҳлил қилас эканмиз, уни хайру саховат тажассуми, меҳру муҳаббат тимсоли, ҳомийлар ҳомийси бўлган зот, дейиш мумкин. Саховатни бир боғ тарзида тасаввур этсак, Навоий бу боғнинг боғбони, бир мулк, деб билсак, Навоий унинг соҳиби, бир салтанат десак, Навоий бу салтанатнинг сultonни сифатида кўз ўнгимиизда гавдаланади.

Алишер Навоий «...умр бўйи етим-есир, бева-бечора, ногирон ва муҳтоҷларга мурувват қўрсатиб келган. Эл-юрт учун ўз ҳисобидан мактаб-мадрасалар, шифохона ва ҳаммомлар, йўл ва қўприклар, боғ-роғлар бунёд этган, илм-фан ва маданият аҳлининг чинакам ҳомийси бўлган бу беназир зотнинг мана ўнчай савобли ишларида ҳар биримиз учун ибрат ва сабоқлар бор эмасми?».

Президентимизнинг Навоий ҳазратлари ҳақида айтган бу гаплари барчамизга бирдек тааллуқлидир. Зоро, бугун мамлакатимизда олиб борилаётган улкан бунёдкорликлар, кундан-кун чирой очиб бораётган шаҳару қишлоқларимиз,

Энг муҳими, одамлар онгу тафаккуридаги ўзгаришлар улуг шоиримиз орзуларининг ушалаёттанидан даракдир. Элим, деб, юртим, деб ёниб яшаш — улуғвор мақсад. Шу маънода Алишер Навоийнинг мана бу мисралари ҳам айни дилимиздагини ифодалагани билан алоҳида қадрлидир:

*Ким қиласа иморатки, қадр топгай,  
Чун исми тарихларда боқий қолгай,  
Не чоққача ул биноки маъмур бўлиб,  
Ани исми эл тилига машхур бўлгай.*

«Халқ сўзи» таҳририяти ҳар йили назм заргарининг ижодини, фалсафасини, сатрларда акс этган бебаҳо санъат сиру асрорларини, тилаклари ва умидларини газета саҳифаларида замонамиз олимлари, адабиётшунослари, тадқиқотчилари, ижодкорлари ёрдамида баён этиб келмоқда.

Улуг мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 575 йиллиги муносабати билан биз ана шу баённомаларни, муносабатларни, тадқиқоту ҳайратларни китоб ҳолида жамладик. Шубҳасиз, «Абадият гулшани» деб номланган мазкур иккинчи мӯъжаз китоб мамлакатимизда қутлуг сана арафасида амалга оширилаётган хайрли ва эзгу ишлар мисолида дентиздан бир томчи, холос.

Ҳақиқат шуки, Алишер Навоий эъзози, эҳтироми биз учун абадий анъана, фарзандлик бурчи, авлоддан авлодга ўтгувчи муқаддас фарзимиз. Зотан, давлатимиз раҳбари айттанидек, шу юртда яшаётган ҳар қайси инсон ўзлигини англаши, қадимий тарихимиз ва бой маданиятимиз, улуг аждодларимизнинг меросини чуқурроқ ўзлаштириши, бугунги тез ўзгараётган ҳаёт воқелигига онгли қараб, мустақил фикрлаши ва диёримиздаги барча ўзгаришларга даҳлдорлик туйфуси билан яшashi зарур.

Ўткир РАҲМАТОВ,  
«Халқ сўзи» ва «Народное слово»  
газеталари бош муҳаррири.

Суйима ФАНИЕВА,

Ўзбекистон Қаҳрамони.

## «Ўз замонидан ҳозирга қадар маҳсус ва машхуд»

Олам ва одам, таълим ва тарбия, озодлигу ободлик — буларнинг барчаси буюк мутафаккир Мир Алишер Навоий асарларида муфассал таҳдил этилган. Шу боис, мана, неча асрдирки, ул зотнинг панду насиҳатлари, фикрлари асло эскирмаслиги, ҳамиша уларга эҳтиёж борлиги билан кишини ҳайратта солади. Балким шунинг учун бўлса керак, вақт ўтган сари ҳазратнинг асарлари, шахсиятига бўлган эътибор ва эҳтиром юксалиб бормоқда.

Бундай эъзозни кўплаб хорижий давлатларда Алишер Навоийга атаб ҳайкаллар қўйилаётгани, китоблар чоп этилаётганида ҳам яққол кўриш мумкин. Покистонлик олима — Исломобод университети ўқитувчиси Сурробону Шигуфтанинг Алишер Навоийга багишланган китоби ҳам шулар жумласидандир. Яқинда нашр қилинган мазкур асар билан танишиб чиқдим. 5 баҳш (бўлим), 12 фасл (боб)дан иборат ушбу тадқиқотда қадимги Ҳирот, ҳукмдорлар (жумладан, Ҳусайн Бойқаро), Ҳиротнинг сиёсий ва маърифий муҳити, Шоҳруҳ замонидаги Ҳирот, Бойсунқур Мирзо барпо этган кутубхона, Мирзо Улуғбекнинг Самарқанддаги расадхонаси, ўша давр шоирлари ҳақида тазкиралар, бошқа манбалар асосида маълумотлар берилган, иқтибослар келтирилган. Китобнинг илм, адабиётта оид фаслида Ҳиротда шоиру адиллар, орифу ҳакимлар, мунахжимлар, хаттоту наққошлар, ҳунармандлару санъаткорлар йигилгани ва уларга ҳомийлик қилиш кенг йўлга қўйилгани ҳақида сўз боради.

Муаллиф ўша даврда кўплаб мадрасалар барпо

этилганини ёзар экан, 25 та мадрасани номма-ном келтиради. Шоир ва орифлардан эса 41 нафари ёдга олинган. Яна «Мажолис ун-нафоис» асарига таянилиб, 81 нафар шоир ҳақида маълумотлар гоят қисқа тарзда келтирилган. Фазал, маснавий, қасида, рубоий, қытъа, таркибанд, таржеъбанд, мусаммот, мустазод, муаммо, таърих, луғзлар ёзган илми адаб жонкуярлари ва шеърий санъат йўналишлари санаб ўтилган.

«Шарҳи ҳоли Навоий (Фоний)» фасли ҳам, олима эътирофича, Хондамирнинг «Ҳабиб ус-сияр», Али Асқар Ҳикматнинг «Жомий» китоби (Техронда нашр қилинган), Алибек Озарнинг «Тазкираи сташкада» асари ва бошқа тадқиқотлар бўйича ёзилган. Шоирнинг таваллуди, отаси, тоғалари, у қачон шеър ёза бошлагани, лақаби, номи, Машҳадда, Самарқандда бўлиши, Астрободга юборилиши, укаси Дарвешали ва жияни Ҳайдар Сабуҳийлар тақдири муфассал ёритилган. Навоийнинг хасталиги, умрининг поёни Хондамир ёзганидек баён этилган ва Навоий вафотига Мавлоно Соҳибнинг марсия ёзгани қайд этилади. Суррохоним марсия 45 байтдан иборат эди, деб ёзади. (Аслида 40 байтдан иборат. Бу таърих марсиянинг ҳар байти биринчи мисрасида Навоийнинг туғилган йили — 844/1441, иккинчисида вафоти 906/1501 йили абжад ҳисобида чиқади. Марсиянинг мазмуни оғир жудолик азоби, марҳумнинг эътиқоди, фаолияти, унга таърифу мадҳлар — «шижоатда Алидек, мақсад йўлида Муҳаммаддек, инсонийликда Юсуфдек, билимдонлик ваadolатда Баҳман, Жамшид, Қубоддек эди», деб таърифланади. — С. F). Шунингдек, бу фаслда Амир Садруддин Аминий марсиясидан тўрт байт, Осафий марсиясидан бир байт, номаълум муаллифнинг шоир вафотига ёзган шеъри (2 байт) келтирилади.

Навоийнинг ахлоқи ва шахсияти ҳақида Жомий, Атоуллоҳ Рухий ақидаларида кўрсатилган ахлоқ матлаблари

қайд этилган. (Эътиқод, ростлик, эзгу амал, шижаат, ният ва ирода, Ватанин севиш, шафқатли бўлиш, адлу инсоф, ҳайратланиш ва ҳоказо). Мазкур сифатлар Навоийда мукаммал бўлгани тазкираларда айтилганлиги эътироф этилади.

Китобда шоирнинг шахсияти хусусида ҳам сўз боради ва унинг уйланмагани, бутун вақтини илм, адабиётга бағишилагани таъкидланади. Навоийнинг мазҳабий ақидалари ҳақида ёзар экан, у ҳазрати Алини фоят улуғлагани форсий шеърларидан маълум, дейди.

Асарда улуғ Навоийнинг «Девони Фоний» асаридан қаноат, ҳикмат, нафс иззати, фано, истигно, тавҳид фалсафаси, Худованд раҳмати, жабр ва ихтиёр, таслим ва ризо, поклик, таҳорат ва ботиний сафо, ҳақиқат ва маърифат, ҳайрат, ибрат, оқибатни ўйлаш, вақт қадри, дард, вафо камлиги, ёлғизлик, айбни яшириш, рашк, тил заҳми, инкор каби тушунчаларга оид байтлар ҳам берилган.

Муаллиф китобида «Сабъаи сайёр» — «Сабъаи сайёра» дейилган. Навоий мусиқага оид рисола ёзган ва «Камолият ул-муттақин» номли мажмуаси ҳам бор, Техрон миллий кутубхонасида сақланади, дейилади. Шунингдек, муаллиф ҳазратнинг «Рисолаи мусиқий» асари ҳақида шундай дейди: «Бу китобда муаллиф ўзининг илмий тажрибасида фойдаланган ва мусиқий билимга оид фикрларини баён қилган. Навоийнинг таъсири Марказий Осиёда, жумладан, Ўзбекистон ва Туркманистонда ўз замонидан ҳозирга қадар маҳсус ва машҳуд (кўзга кўринадиган — С. F.)».

Сурроҳоним китоб охирида икки фасл (13 ва 14) дан иборат 5-қисмни «Навоийнома» деб атаган. Унда Навоий ташвиқи билан шеър ёзган шоирлар рўйхати (57 нафар), ҳазратнинг уларга эътибори, ҳомийлик қилгани айтиб ўтилган. Алишер Навоий таклифи билан асар ёзган кишилар ҳам китобда баён этилган. Хусусан, Мирхонд («Равзат ус-



сафо»), Ҳусайн Воиз Кошифий («Анвори Суҳайлий», «Равзат уш-шуҳадо», «Ахлоқи Муҳсиний»), Хондамир («Ҳабиб ус-сияр», «Хулосат ул-ахбор», «Дастур ул-вузаро»), Давлатшоҳ Самарқандий («Тазкират уш-шуаро»), Муъинуддин Муҳаммад Замъи («Равзот ул-Ҳирот»), Зайнуддин Маҳмуд Восифий («Бадоеъ ул-вақоєъ»), Мавлонозода Абҳарий («Машкут») шулар жумласидандир.

Асарда Навоий барпо этган иншоотлар, улардаги тартибинтизом, шароит, имкониятлар, Ҳусайн Бойқаро ва Навоийнинг дўстона муносабатлари ҳам ёритилган. Хулоса ўрнида айтиш керакки, Сурробону Шигуфтанинг давр тазкиралари, вақтли матбуот мақолаларини яхши ўргангани асарда ўз ақсини топган. Умуман, ушбу асар Навоий даҳосига хорижий мамлакатларда ҳам юксак эҳтиром кўрсатилаётганидан дарак беради. Бу эса ҳар биримизга чексиз фахрур гурур баҳш этиши, шубҳасиз.

### **«Мажолис ун-нафоис»нинг икки таҳрири**

Алишер Навоий бу асари билан тазкирачиликда янги анъаналарга асос солган. Асар саккиз мажлис (қисм) дан иборат. Иккинчи мажлис сарлавҳасида шоир «... ситта ва тисъина ва самона миа таърихидаким, бу муҳтасар битиладур», деб ёзади (яни 860/1490-91 йилларда бу асар ёзилди). Бу тазкира ёзилган йили. Лекин асарнинг баязи қўлёзмаларида маълумотлар 1498 йилларда унинг иккинчи таҳрири яратилганидан далолат беради.

«Мажолис ун-нафоис»нинг биринчи таҳрири 1948 йилда, иккинчи таҳрир эса Навоийнинг 15 томлик асарларининг 12-томида (Тошкент, 1966 йил) ва 20 томлигининг 13-томида (Тошкент, 1997 йил) ҳамда 2011 йилда чоп этилган тўла асарлар тўпламиининг 9-жиллида нашр қилинди.

Биринчи таҳрирда шоирлар сони 345, иккинчи таҳрирда



эса 459 та деб кўрсатилган. Куйида икки таҳрирдаги асосий фарқлар хусусида тўхтalamиз.

Шоирлар ҳақидаги фикраларда айрим жумла, иборалар ўзгарган. Шунингдек, жойлар, шаҳарлар номида, тахаллусларда ҳам фарқ кўзга ташланади. Мавлоно Риёзий ҳақидаги фикрада шоирнинг етти қалам билан хатни яхши битиши, Куръони мажидни етти қироат билан ўзиши, илми мусиқий ва адвор, нужум ва истихрохи рамал (толедан хабар бериш, тафаккур матлабини юзага чиқариш – С. F.) тушиб қолган.

Мирзабек – Навоийга фарзанддек бўлган самарқандлик шоир. У биринчи таҳрирда Мирзо Алибек, деб берилган. Жомийга бағищланган фикрада Муҳаммад Таёбодий ҳақидаги охирги жумла ва бир байт тушиб қолган. Мавлоно Абдулоҳ ҳақидаги маълумотлар илк таҳрирда ғоят қисқа, «Зафарнома» маснавийси ёдга олинмаган, ундан келтирилган уч бети ҳам тушиб қолган. Хуррамий фикраси ҳам тўлиқ эмас. Мавлоно Бақоий – хоразмлик шоир Мавлоно Лиқоий, деб берилган...

Иккинчи таҳрирдаги эътиборли жиҳат ҳар бир мажлис сўнгига «Мажолис ун-нафоис» аввалги мажлиснинг итмоли,... иҳтимоли,... хатми, охири..., ғояти,... ниҳояти,... туганчисини ёзади ва уларни дуо ҳамда шоҳ мадҳидаги робоийлар билан яқунлайди.

Саккизинчи мажлис Ҳусайн Бойқаро таърифи ва маҳди билан биринчи таҳриргаидек берилади, биринчи таҳрирдаги Мавлоно Лутфийнинг «Устина» радифли матлаъига Ҳусайн Бойқаро жавоби ва улардаги тафовут ҳамда мувофиқлик кўрсатилади. Иккинчи таҳрирда эса таҳлиллар Ҳусайнин «Девони»дан ҳарфлар тартиби билан олинади.

Биринчи таҳрирда 82 байт, иккинчи таҳрирда 169 байт. Навоий маъно, тимсол, бадиий санъатлар, қоғия, радиф хусусида шоирнинг маҳоратини очиб беради.

Иккинчи таҳрир охирида «Хилват» деб аталган иккى лавҳа берилади. Ҳусайн Бойқаро иштирокида ўтадиган адабий анжуманларда (Навоий уларни «Олий мажлис» деб атайди) янги асарлар, шеърлар муҳокама қилинади. Биринчи лавҳада Ҳусрав Дехдавийнинг ҳинд тилидаги асаридан бир маъно — нозик ёр қалин ёмғирда тойиб кетиб йиқилгани, шунда ёғин риштасини ушлаб, унинг мадади билан ўнгланиб олгани айтилади. Бундан ҳайратланган Лутфий ўз таассуротини Навоийга айтиб беради. Бу ўшатиш мажлис аҳлига етказилгач, улар ҳам мақтайдилар. Навоий бу ҳақда Ҳусайн Бойқародан фикр сўраганда, у эътиroz билдириб, ёғин риштаси юқоридан қуига инади, йиқилаёттан одамга мадад бўла олмайди, дейди ва қуидаги матлаъни ўқиди:

*Заъфдин кулбамда қўймоқ истаса айлар мадад,  
Анкабуте ришта осқон бўлса ҳар деворға.*

Бу байт Навоий қаламига мансуб бўлиб, мантиқан асосли ва таъсирилдири.

Иккинчи лавҳада Қабулий деган ёш шоир «Олий мажлис»га киритиш мақсадида бир ғазалини Навоийга олиб келади ва бир байт қофияси яхши боғланмади, дейди. Навоий «ҳам бўлмади» қофиясини тузатиб, байт ёзив беради:

*Сарв мойил бўлдиким, ўпгай аёғинг туфроғин,  
Йўқса ҳар соат сабо таҳрикидин хам бўлмади.*

Бу ғазални ўқиган Ҳусайн Бойқаро Навоий битган байтни англайди ва шоир мажлисга келсин, мутояба қиласиз, дейди. Шоир қелади, бу ҳақда сўз очилмайди. Ҳамма тарқалгач, шоҳдан: «Унугилдими, мутояба қилмадилар», деб сўрашганида, у: «Унугилмади, тиламадукки, фариб йигит мажлисда уятлиғ бўлғай», деб жавоб беради. Навоий: «Бу раҳм ёлғиз анга воқеъ бўлмади,



манга даги бўлди», дейди. Бу лавҳа Ҳусайн Бойқаронинг Навоий шеърлари услубини фоят пухта билганини, шунингдек, ёш истеъоддларга марҳаматли бўлганини англатади.

«Мажолис ун-нафоис»нинг иккинчи таҳрири тазкирачиллик анъанасига Навоий киритган янгиликка далил ҳамдир. Унда ёш, адабиётта энди кириб келаётган шоирларни киритганлигидир.

Алоҳида аҳамиятли томони шундаки, Навоий «Мажолис ун-нафоис»ни ўз она тили (у вактда туркий дейиларди) да ёзди ва янги анъанага асос солди. Асарнинг икки таҳрири муқояса қилинганда, Навоийнинг шоирлар ижоди, адабий жараёнга, ёш истеъоддларга янгича муносабати намоён бўлади. Шунингдек, иккинчи таҳрирда асар тўлдирилди, охирги мажлис янгидан ёзилди.

«Мажолис ун-нафоис» беш марта (балки яна маълум бўлар) форс тилига таржима қилинган. Эрон, Афғонистон, Туркияда ҳам ушбу асар нашр этилган. Бу асар таъсирида тазкиралар яратилгани ҳам тарихдан маълум.

### Табаррук дастхат

Ўзбек халқининг буюк шоири ва мутафаккири Алишер Навоий ўлмас «Хамса» таркибидаги достонлари, бекиёс «Хазойин ул-маоний»ни ташкил этган шеърияти, 14 номдаги насрый асарлари билан адабиётимизни бойитган, уни жаҳон адабиёти юксаклигига кўтарган, башариятнинг маданият хазинасига улкан ҳисса кўшган ижодкордир.

Навоий асарлари бизгача моҳир хаттотлар ва ҳассос накқошлар томонидан китобат қилинган ҳолда етиб келган. Шунингдек, турли савиядаги котиблар ва китобат санъатига мансуб ижодкорлар ҳам шоир асарларини кўп марта кўчиришган. Султон Али Машҳадий, Муҳаммад Нур, Дарвеш Муҳаммад Тоқий, Султон Муҳаммад Хандон, Абдулжамил ва бошқа хаттотлар кўчирирган Навоий

қўлёзмалари жаҳоннинг кўп хазиналарида сақланади. Лекин шоирнинг ўз қўли билан ёзилган дастхати — автографи ҳақида яқин-яқинларгача ҳеч қандай маълумотга эга эмас эдик. 1957 йилдан буён ҳар йили Навоийнинг туғилган куни — 9 февралда ўтказилиб келинаётган илмий анъанавий конференцияларнинг бирида таниқли олим Ҳоди Зариф шоир томонидан чизилган, деб юритиладиган «Занжирбанд шер» расми остидаги «Амали Мир Алишер» (яъни, Мир Алишер иши) ёзувини Навоий дастхати — автографи эканлиги масаласини кўтариб чиқкан эди.

1979 йилда эса Андижонда ўтказилган Навоий конференциясида самарқандлик олим Ботирхон Валихўжаев Москвада Эрон каталогларидан бирида шоирнинг дастхат девони тавсифи юзасидан маълумот олганлиги ҳақида ўз маъruzасида ахборот берди. Кейинчалик олим бу ҳақда мақолалар ҳам эълон қилди.

1990 йили камина Техрондан Абулқосим Фирдавсий «Шоҳнома»сининг минг йилилигига бағишланган халқаро анжуманга таклиф этилдим. Сафар олдидан бир икки ташкилот ва китобхонларга дастхатга оид алоқа хатлари расмийлаштириб олган эдим. Шулар ёрдамида дастхат сақланаётган жойни аниқлаш ҳамда уни кўриш тараддуни кўрилди.

Ниҳоят 1991 йил 1 январь куни Эрондаги «Кохи Гулистон» номли музей фондига бордик. Музей қўлёзмалари бўлим мудири Оқойи Алонний Навоийнинг табаррук дастхатини келтириб қаршимга кўйди. Қўлёзма шарҳи орасида алоҳида саҳифада девондан бир бет намуна берилган.

Унда Навоийнинг икки газали тўла ва бир газал матлаи мавжуд:

1. Демангиз, аҳбобким, қилмасмусен бас йигламок

Ким, манга менгри насиб этмиш туганмас йигламок.


2. Кўнглум бўлур ғаминг туни ҳар лаҳза қайғулук,  
Чун шом бўлди, ҳар нафас ортар қоронгулиқ.
3. Бирор жисмига отса ул сийматан ўқ  
Менинг жонима сончилур юз туман ўқ.

Бу fazallar Навоий томонидан тузилган «Хазойин ул-маоний»га киритилган. Диққатга сазовори шуки, биринчи fazал биринчи девон — «Фаройиб ус-сигар»га, иккинчи fazал учинчи девон «Бадоеъ ул-васат»га ва учинчи fazал тўртингчи девон «Фавойид ул-кибар»га киритилган бўлиб, уччаласи уч девонда 320-чи ўринда келади. Бу ҳол Навоийнинг «Хазойин ул-маоний» устида нечоғли жиддий ишлаганидан далолат беради.

1991 йил 7 июнь куни Навоий дастхатининг микрофильми Тошкентта етиб келди. Муҳр катталаштирилгач, ундаги сўзларни аниқлаш имкони яралди ва қўйидагича ўқилди: «Кун фи-д-дунё кааннака гарибун ав обиру сабилун ал-фақир Алишер» (яъни, Сен дунёда гарибдек ёки мусофиридек яшагил, фақир Алишер).

Шундай қилиб, Навоийнинг юқоридаги эътирофлари ва уларни ўз муҳри билан тасдиқлаши, шоир асарларининг кўплаб қўлёзмаларини кўздан кечирган, синчиклаб ўрганган Маҳдийхон Астрободийнинг шаҳодати ва муҳрининг босилганлиги бу қўлёzmани Навоий дастхати эканлигига ёрқин далиллар. Ана шу мўътабар дастхатнинг топилиши, Алишер Навоийнинг шахсий муҳри аниқланиши ўзбек маданияти тарихида, хусусан, навоийшуносликда унутилмас воқеадир.


Алишер Навоийнинг табаррук дастхати унинг таваллудига 550 йил тўлиши муносабати билан нашр этилди. Дастхат микрофильмининг Тошкентта келтирилиши ва илмий жамоатчилик, кенг кўламдаги шоир муҳлисларига етказилишида муҳтарам Президентимиз Ислом Каримовнинг улкан кўмак ва хизматларини бениҳоя миннатдорлик билан эслаймиз, эътироф этамиз.



## «Хамса» тарихи

Алишер Навоий ўзининг «Хамса» — беш достондан иборат асарини 1483-1485 йилларда яратди.

«Хамса»нинг биринчи достони «Ҳайрат ул-аброр» («Яхши кишиларнинг ҳайратланиши») ни 1483 йилда ёзган. Кейин «Фарҳод ва Ширин» (1484), «Лайли ва Мажнун» (1484), «Сабъаи сайёр» («Етти сайёр») (1484) достонларини ёзган. 1485 йилда «Хамса»нинг охирги достони «Садди Искандарий»ни поёнига етказди. Шоир ўз «Хамса»сига киритилган достонларда ўша давр учун муҳим бўлган муаммоларни қўйди, мутафаккир сифатида илфор қарашларини илгари сурди, ўзбек тилининг қудратини оламга намойиш этди.



Мұхаммад АЛИ,  
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

### «Эл комин раво айла...»

Кўнгиллар ноласи зулфунг камандин ногаҳон кўргач,  
Этур андоқки, қушилар қичқиришақайлар йилон кўргач.  
Кўнгул чокин кўзумда ашик рангин элга фош этди,  
Балиғ захмини фаҳм айларлар эл дарёда қон кўргач.  
Кўзум қон ёш тўқар, нетиб кўнгил захмин яшурайким,  
Топарлар ерда захмин сайд қонидин нишон кўргач.  
Бўёлғон қон аро жон пардаси етгач ғами ҳажринг,  
Кўнгил боғида баргедурки ол ўлмиш ҳазон кўргач.  
Хадангинг захми ичинидин балоларни юғон ёшим  
Этур тифле ки, олғай қуш боласин ошён кўргач.  
Кўнгиллар нақдини торож этарга ёймогинг бурқаз  
Анингдекдурки, тоз боғлар қароқчи карвон кўргач.  
Юзин зулф ичра то кўрдим, ўлиб васлига етмасмен,  
Ғалат эрмииш юз урмоқ, кеча ўтни ҳар қаён кўргач.  
Эрун чун олам ичра жсоҳ фоний, яхши от боқий,  
Бас, эл комин раво айла, ўзингни комрон кўргач.  
Навоий, хурдаи назмингни андоқ айладинг таҳрир,  
Ки сочқай хурда бошинг узра шоҳи хурдадон кўргач.

Ўзбек мумтоз шеърияти сирларга тўла бир оламдир. Бу оламнинг тагига етдим, деган киши хатога йўл қўяди. Бу бепоён осмонни қучмоққа уриниш билан баробардир. Қолаверса, у ёки бу шоир ижодининг, айрим ғазалнинг талқини ҳамиша ҳам бир киши томонидан айтилган фикр, яъни хусусий фикр бўлиб қолаверади. У бизга ёқиши ҳам, ёқмаслиги ҳам мумкин. Умуман олганда эса, буюк шеъриятимиз, айниқса, Алишер Навоий ижодини ўрганишга интилмоқ зарур, мураккаб, аммо марғуб ишдир.

Алишер Навоий ғазалларида ҳамиша «коса, косанинг тагида нимкосалари» мавжуд бўлади. Биз, албатта, баҳоли кудрат, имкон етганча илғаймиз. «Кўнгиллар ноласи..» деб

бошлангувчи ғазал тепасига шоир: «Чим» ҳарфининг чобукларининг чехра күшойиши «Фаройиб дин» деган сўзларни ёзиб кўйган. Бу — ғазалнинг «Фаройиб ус-сигар» девонига мансублигини билдиради. Ҳазаж баҳри шульбасида ёзилган ушбу ғазал жуда кўп фазилатларга эга. У биринчи қараашда аниқ бир мавзуга бағишлимагандек туюлади. Аммо... Байтнинг биринчи мисраси илгари сурилган фикрнинг исботи учун иккинчи мисрада бир ажойиб образ келтирилади. Бу образ ўзининг мутаносиблиги билан кишини ҳайратда қолдиради, ҳар бир сўз, ташбех, ўхшатиш бир-бираига мос, мақбул... Биринчи байт, матлаъга эътибор беринг:

*Кўнгиллар ноласи зулфунг камандин ногаҳон кўргач,  
Этур андоқки, қушлар қичқиришқайлар илон кўргач.*

Мутаносибликлар: кўнгил — қуш, нола — қичқириқ, зулф — илон; кўнгил чиндан қушга ўхшайди, парвозни хуш кўради: нола аслан ҳам қичқириқдир, зулфнинг эса илонга ўхшашиблиги аён. Мумтоз шеъриятда бир сўз фақат бир маънони билдирамайди, балки ҳали айтганимиздай, тагида нимкосаси ҳам бўлади. Масалан, ушбу байтда «кўнгил — қуш» дедик, йўқ, у бу ерда инсонни билдиради, «зулф», тасаввуфга кўра, ўзгарувчан олам тимсоли, бекарорлик рамзи. Шу важдан ҳам у илонга ўхшатилмоқда, илон эса ҳамиша бекарордир, ҳамиша ўзгариб туради.

«Каманда» — тузоқ, кўнгилларни илинтирувчи тузоқ, банд, деганидир. Шуларга кўра, байтдаги «коса» ушбудир: кўнгиллар зулфинг ҳалқасини кўргаچ, бамисли илон олдида турган қушларнинг қичқирғанларидай нолалар айлайди. Биз илғаган «нимкоса»: киши бу оламнинг бекарорлигидан азоб торгади, унинг тузоқларида нола чекади. Иккинчи сатрдаги «куш» — энди қуш эмас, — одам, қичқириқ — оҳ-фарёдлир, илон эса бу оламнинг бало-қазолари тимсолидир.

Иккинчи байтда:

*Күнгил чокни күзумда ашкы рангин элга фош этди,  
Балиғ захмини фаҳм айларлар эл дарёда қон күргач*

— мисраларини ўқиймиз. Одатда, ҳар бир байтнинг ўз «умри», ўз «ташвиш»лари бор. Улар бир қараганда ўзаро боғланмагандек, лекин мазмунан муштарақлик бирлаштириб туради.

Фазални, таъбир жоиз бўлса, бир кичик қишлоққа ўхшатгим келади. Байтлар бамисоли уйлардек, дарвоқе, «байт» сўзининг бир маъноси уй ҳам демакдир. Бу ерда ҳам шундок. Ҳажрингда кўнглим чок-чокидан сўкилиб кетди, буни кўзимдан оқсан рангин ёшлирамдан ҳам билса бўлади — фош этиб турибди. Ахир дарё юзида қонли сувни кўрган кишилар, балиқнинг жароҳатланганлигини тез фаҳмлаб оладилар. Кўнгил — балиқ, чок — захм, иккиси ҳам кўздан ниҳонлиги билан ўхшаш; кўздаги ашк — дарёдаги қон, фош этмоқ — фаҳм айламоқ бир-бирларига мутаносиб тушунчалардир.

Учинчи байтда эса бунинг акси: кўзим-ку қонли ёш тўкмоқда, бас, кўнглимдаги жароҳатни яшириб ўлтиришга ҳожат бормикин? Ахир ерда сайд (ов қилинган қуш) қонини кўрганлар унинг ярадор бўлганлигини дарров англаб оладилар-да.

*Бўёлғон қон аро жон пардаси етгач ғами ҳажринг,  
Кўнгил богида баргедурки, ол ўлмиш ҳазон кўргач.*

... Ғами ҳажрингдан жон пардаси қонга чулғаниб бўлди, боғдаги барг ҳам ҳазон фасли етганда қизғиш тусга киради... Бу ерда ҳам мутобиқ (параллел) лар: жон пардаси — барг, ғами ҳажр — ҳазон фасли, бўлмоқ — ол ўлмоқ. «Кўнгил» сўзи эса бутун борлиқ маъносида келмоқда.

Бешинчи байт. Вужудимда ишқинг камони отган ўқдан пайдо бўлған захмларни, балоларни бетиним кўзёшларим юваётир, бу худди болаларнинг қуш уясини кўриб, полапонларни олишларига ўхшайди. Захм ичи — ошён, балолар — қуш болалари (тажнис кўриниши), кўзёшлар

— болалар мутобиқлари чиройли.

Олтинчи байтда ундан ҳам ёрқин, тиниқ манзара чизилади: күнгиллар нақдиди талон-торож этмоқ учун юзларингга бурқаъ (парда) ташлаб олибсан, ҳа-ҳа, қароқчи ҳам карвонга ташланиш олдидан юз-кўзларига ниқоб кийиб олади... Биринчи мисрадаги мавхум тасвир иккинчи мисрадаги ажойиб образ билан катта ҳәётий манзара касб этади.

*Юзин зулф ичра то кўрдим, ўлиб васлига етмасмен,*

*Ралат эрмиши юз урмоқ, кеча ўтни ҳар қаён кўргач.*

Шоҳ байтлардан бири! Байтдаги «коса»: зулфунг ичра юзингни кўриб қолдим, аммо ортиғи менга насиб эрмас... Агар кечаси ҳар қаёнда ўт ёниб турган бўлса, қай бирига юз уриб борурсан?

«Нимкоса» тасаввуфга кўра, юз — бу, ҳокими мутлақ, Ҳақ таоло тимсоли, зулф — беқарор ўзгарувчан олам, зулмат... Демак, зулматларга чўмилган беқарор олам ичра ул ёруғ сиймони (ҳақни) кўриб қолдим, аммо ўлсам ҳам васлига ета олмаслигим аён, чунки ловуллаб турган оловга юз уриб бормоқ кўрқинчли ва хатодир, қўйдириб кул қиласи: Байтда «Зулф — кеча» мутобиғи, «юзин — юз урмоқ» товуш уйғунлиги ҳам кузатилади.

Тўққиз байтнинг еттитаси таърифи шундайдир. Биз турли бир-бирига ўхшамаган манзараларни томоша айладик. Илонни кўрганда чирқиллашиб қичқирган қушлар, дарёда қони пайдо бўлганидан яралангани маълум балиқлар, ерда қони қолган сайдлар, куз фасли келганда боғлардаги баргларнинг қизара бошлиши, қуш уясидан полапонларни шафқатсизларча олаётган болалар, карвонни кўрганда юзини яшириб олган саҳрои қароқчилар, тун-кечада ҳар қаённи тутиб кетган тулхан, оловлар... Ранг-баранг лавҳалар, барчаси ҳаётдан олинган, биз уларни ҳар қадамда учратганмиз, шоҳиди бўлганмиз, завқланиб ҳайратга тушганмиз, таъсирланганмиз.

Улар таниш, аммо шоирнинг сехрли қалами остида бизга янги бўлиб туюлади. Юқоридаги тасвиirlардан ҳаёт, борлиқнинг кенг манзараси намоён бўлгач, шоир энди, ҳаёт ҳақида, шундай ҳаёт қўйнида яшаётган инсон умри, умр мазмуни ҳақида хуоса ясади:

*Эрур чун олам ичра жоҳ фоний, яхши боқий,  
Бас, эл комин раво айла, узунгни комрон кўргач.*

... Ўзинг баҳт-саодатга эришгач, элнинг ҳам мурод-мақсадга етишишига сайд-ҳаракат кўргиз; билгилким, бойлик, давлат ўткинчидир (фонийидир), яхши от эса боқийидир. Бас, яхши от қолдирмакка шошил... Бу ўзгарувчан оламда яшар экансан, бекарор оламда қарор топмоқчи бўлсанг, ана шуларни ёддан чиқарма, деган фикр ётибди тагматнда. Фазалдан кўзланган мақсадга, чамаси, энди етиб келдик...

Фазалга нуқта қўйишдан аввал, юқоридаги саккиз байтга кўз югутирган шоир равон оҳант, гўзал ташбеҳлар, шеърий санъатлар, сирлар пайдо бўлганини кўриб бир лаҳза гурурли хаёлга берилади, «катта кетади»:

*Навоий, хурда назмингни андоқ айладинг таҳрир,  
Ки сочқай хурда бошинг узра шоҳи хурдадон кўргач!*

... Эй, Навоий, сен шеърингта сирларни шундоқ жойлай олдингки, энди уни кўриб заковатли нозикфаҳмлар подшоси бошинг узра зарлар сочажак! Бу ерда тажнис санъати кўриниб турибди: хурда — сир, яширин сир; хурда — зар, олтин резалари; хурдадон — нозик нарсаларни билувчи, ўтириб заковатли киши маъносида англашилади. Шоирнинг «катта кетганича» ҳам бор. Биргина fazalдан етти хил образ ишлатиб, еттига бир-бирига ўхшамайдиган манзаралардан ҳаётнинг кенг тасвирини яратган, боқийлик ҳақида файласуфона фикр айтишда тазоду тажнис каби ва бошқа шеърий санъатлардан хўб фойдалана олган улуғ Алишернинг бошига ҳар қанча зар сочсалар арзиди.

**Муслиҳиддин МУҲИДДИНОВ,  
филология фанлари доктори, профессор**

### **Сўз фазилати**

Алишер Навоий сўз — биринчи қудрат турткиси, оламнинг яратилишига нидо — асос бўлган, деган фалсафий тушунчани илгари суриб келган. Гёё мутлақ илоҳ моддий оламни яратиш мақсадида «кун», «факона» — «ярал», «бўл», деб хитоб этган ва дунё яралган экан. Яъни, сўз — бирламчи (азалдан), амал иккиламчи, деган тушунча ҳам шундан келиб чиққан. Мутлақ илоҳ оламни яраттандан кейин сўзни инсонга бағишилади. Бинобарин, олам ҳам, одам ҳам сўз учун қолип — илоҳ руҳ манзилгоҳи.

Инсоннинг тириклиги, жони, ҳаёти сўз туфайли, зеро, одамийдан ўзга сўзловчи тирик вужуд йўқ. Ҳайвонлар тирик, юради, аммо нутқ нуқтаи назаридан улар тирик эмас.

Навоий: «Сўз гавҳарининг шарафи» юксаклиги унинг бутун олам қудрати тарафидан тухфа этилганида, дея таъкид этади. У «тўрт садаф гавҳарнинг дуржи» — яъни тўрт унсур (сув, ҳаво, ўт, тупроқ) дан ҳосил бўлган инсон зотининг бош хусусиятидир, инсоннинг нутқи барчадан устунлигини белгилайди. Сўз, нутқ — руҳ, қолип ичидаги жон, ҳаёт, ҳаракат демак, тил факат алоқа қуроли, бебаҳо неъматтингизни эмас, балки азоб-изтироблар манбаи ҳамдир. Тил эҳтиёти, одоби бузилса «ҳалок этади». Умуман, сўз бениҳоя улуғ, «каломи фасеҳ» (гўзал сўз) ўлганни тирилтириши ҳам мумкин. Масъулияти қанчалик баланд эканини, одамлар тақдири, кишиларнинг ҳаёти бир сўз билан ҳал этилиши — ё баҳтга муюссар, ё абадул-абад бадбаҳт бўлишини, сўз жонфидоликка, улуғ мақсадлар сари курашга сафарбар этишини қайд этган Навоий, айни вақтда унинг эстетик таъсир кучини кўрсатишни унутмаган.

Шоир қизиқ мисол келтиради: «Ғунча оғизлик санами нўшлаб» гўзални кўрсанг, унинг хуш сурати, зебо қадду қомати кишини лол қолдирса-да, зоҳирان чиройли суратдан фарқи йўқ. Лекин, агар шу чирой, ҳуснга яраша малоҳатли, жонситан нутқи ҳам бўлса, у:

*Солғуси жинси бани одамға ўт,  
Не бани одам, бари оламға ўт.  
Ҳар дам этиб эти ҳалок ўртагай,  
Балки башар хайлини пок ўртагай.*

Мана шу ерда Навоий бадиий адабиёт, яъни «фасоҳатли сўз»нинг сўзу гудозидан ҳикоя бошлаб, шеърий сўзининг кудратини усталик билан қайд этади. Бунда ҳам нозик йўл топилган: боя ўзи таъриф этган ўша гўзал сўзга чечанлиги билан олам аҳлини маству сархуш эта олади, аммо у Навоий ғазалини ўқиса-чи. Унда:

*Ким анга алфоз ўлуб оташ фишион,  
Берса улус кўнглига мунгдин нишон.  
Базмда ул лаҳза алонони кўр,  
Кўши харобот аро ғавғони кўр.  
Курки нечукдур яқо чок айламак,  
Ўзни фиғон бирла ҳалок айламак.*

Шоир умуман бадиий сўзнинг таъсир кучини, жумладан, ўз шеърларининг нақадар баланд қадрланиши, одамлар кўнглига фулгула солиб, ҳаяжон қўзғашини фаҳр билан тасвирлаган. Шу ерда Навоий бадиий сўзни иккига ажратади: наср ва назм. Анъянага мувофиқ назмни (шеър) насрдан устун қўяди. Чунки наср — сочма, назм эса тартибга туширилган сўз, шунга кўра, унинг таъсири ҳам ўзгача. Бу ақида Низомийда ҳам бор. Навоий бу ерда Низомий фикрини қувватлаган. Ҳусрав Дехлавийда сўзни бадиий ижод намунаси сифатида олиб қаравш йўқ. Шу боис насрну назм ҳусусидаги алоҳида мулоҳазалар мавжуд эмас.

Алишер Навоий «Маҳбуб ул-қулуб» асарида — Аттор, Румий, Ҳофиз, Жомий, Хусрав ҳақида, уларнинг қадри бекиёс шеърияти ҳақида тўхтаб, кейин «адно табақаси» (паст табақа) шоирларни санаб ўтади. Уларнинг «не шоирона таркиблари аҳсан ва не ошиқона сўзу дардлари шуълафкан, баъзисидан агар гоҳе бирор яхши байт воқеъ бўлур, аммо ўн онча ямон даъво зоҳир бўлурким, у ҳам зоеъ бўлур» деб ёзди. Навоий бундай «шоирталаб» сўзи ёлғон ўзи кибру ҳаволи кишилардан безор бўлганини «Ҳайрат ул-аброр» достонида ҳам сўз маъносига бағишланган бобда қайд этган. Турфа буким, деб нолийди улуғ шоир, улар менинг ўзимнинг шеъримни рангу рўйини ўзгартириб, тўғрироги, уни бузиб, яна олдимга олиб келадилар, «шеър»нинг ҳолига йиғлагинг келади:

*Зоҳир этиб йиғлагудек ҳол анга,  
Кийдуруборон эски қаро шол анга.  
Турфа буким шеър қўюб отини,  
Еткурборон қўкка мубоҳотини.*

Бундай ўгри «тақлидчилар», «билдирмасдан» ўзиники қилиб олиш аввалги замонларда ҳам, Навоий замонида ҳам кўп бўлган. Улар ҳозир ҳам бор. Ҳозир ҳам истеъодли шоирларнинг гоя ва иборалари, образларини ўзлаштирувчи, Навоий айтганидай, уялмай эълон қилдирувчи, тағин таҳсин кутадиган шоирнамолар кам дейсизми? «Англамайин сўзда туоқ баҳрини, қайси туоқ, балки қўшук баҳрини», «лафзи бемаза, таркиби суст» шоирлар таассуфки, кам эмас.

Навоий сўз зийнати ростлик, ростқавлилкка жуда катта аҳамият берган. Буни одамийлик, инсонийликнинг муҳим белгиси сифатида баҳолаган. У «Вужуд уйи ана шу туз (рост) сутун била барност» мазкур уйнинг чироги, баракати, кути ҳам ростлик, дейди. Улуғ шоир бошдан охиргача ростлик билан эгриликни қиёслаб боради,

ростлик одамни қандай улуглаши ва эгрилик, ёлғончилик қандай тубанликларни келтириб чиқаришини қатор мисоллар воситасида исботлашга интилади. Асосан, кишининг хулқи, тийнати билан боғлаб тушунтиради, одамнинг табиатидан келиб чиқадиган хислатлар сифатида олиб қарайди. Масалан, у ростлик ва эгриликни мана бундай қиёслаган:

*Росттур улким назари тўғридур,  
Ким илиги эгридур — ул ўғридур.  
Бўлса тик эгрилик ичра самар,  
Эл ани кесмакда туз этгай магар.  
Кўзки эрур эгри анинг хилқати,  
Бирни ики кўрмак эрур санъати.*

Яъни: назари тўғри бўлган одам ростқавл, рострав бўлади, қўли эгри бўлган киши — ўғридир. Кўл агар эгриликка одатланса, эл уни кесиб, тузата оладими (ёки эл уни кесиб туз сепади). Агар кўзнинг тузилиши эгри бўлса, биттани иккита қилиб кўрсатади — одамни алдайди.

Унинг таъкидига кўра, кизб (ёлғон), фирибгарлик билан ном қозонган одамнинг чин сўзига ҳам одамлар ишонмайдилар («чин деса ҳам халқ инонмас анга»), Бунинг исботига ёлғончи дуррож (қирғовул) ва шер ҳикоятини келтиради. Ўрмонда бир баҳайбат шер бор эди, болаларини жуда яхши кўрар, улар билан ўйнаб юрарди. Болаларини тишида олиб юрарди. Ўша ўрмонда бир қирғовул ҳам яшар, шер боласини тишлаб у жойдан бу жойга ўтганда пир этиб учар, шер эса ҳадиксираб тишини боласининг баданига ботирарди ва боласи ҳалок бўларди. Бу зам шерни эзарди. Бундан кутулиш учун шер дуррож билан дўстлашишга аҳд қиласди. Шер дуррожга: менинг сенга ҳеч бир қасдим йўқ, менга дўст бўлсанг, сени душманлардан халос этиб, химоямга оламан, дегач, дуррож

ҳам рози бўлади. Лекин дуррож шерни ёлғон нағмалар, сўзлар билан алдар эди. Шер унинг ёлғонларига кўнишиб қолган эди. Бир кун дуррож овчининг тузогига илиниб, ҳарчанд ёрдамга чақирса ҳам, шер ҳар галгидек алдаяпти деб, пинагини, бузмайди. Натижада дуррож ҳалок бўлади.

Бу ҳикоя орқали шоир ёлғончиликнинг охири ҳалокатли эканини кўрсатган. «Инсоннинг ҳамма гуфтори ҳам хуш эмас, қадрланадиган сўз хушдир».

Айтиш жоизки, шарқ мумтоз шоирлари орасида Навоийнинг сўз фазилати ҳақидаги фикрларида эҳтирос кучлироқ, танқид руҳи ўткир. Бундан ташқари, сўз бобида назм сultonни тилнинг имкониятлари хусусида гапириб, ўзи журъат билан бу тилда катта асар бошлаганини ҳам фурур билан баён этганки, бу ҳам унинг сўзга муносабати ўзига хослигини белгилайди.

Алишер Навоийнинг «Ҳайрат ул-аброр» достонида сўзга икки боб ажратилган, аммо сўз ҳақидаги бобларни «мақолатлар»га киритмайди, балки асарнинг биринчи қисмiga киритади. «Сўз таърифидаким, башар вужуди сипеҳрининг кавокиби жаҳонтоби ва инсон зоти маъданининг жавоҳири сероби дурур ва сайд кавкабларининг бир-бири бирла қирони яхши асар кўргузуридин ва самин жавҳарларининг бир-бирига иқтирони дилпазир кўринуридин, назм таркибин наср тартибига таржиҳ қўлмоқ».

Алишер Навоий ўз одатига кўра, бу ерда ҳам бобнинг наслий сарлавҳасида асосий «тезис»ларни қаторлаштириб кетади, яъни мақсад: 1) сўзнинг инсон моҳиятини белгилаши; 2) сўз инсоннинг ахлоқий сифатларини кўрсатиб туриши; 3) шеърий асарнинг насрдан афзаллиги ҳақида гапиришдир.

Боб шундай бошланади:

*Сүз гүхарига эрур онча шараф,  
Ким бўла олмас анга гавҳар садаф.  
Тўрт садаф гавҳарининг дурэси ул,  
Етти фалак ахтарининг буржси ул.*


«Ҳайрат ул-аброр»нинг ҳамма бобларида бўлганидай бу бобда Навоий ахлоқий томонга катта эътибор қаратади. Достоннинг аввалиги бобида Навоий инсон хилқати ҳақида гапириб, нутқ инсонни ҳайвондан ажратувчи белги, аммо гапиравчи ҳар бир кишини инсон, дея олмаймиз, инсонликнинг бош белгиси имондир, деган улуг бир фикрни баён этади. Навоий сўз ҳақидаги бобларда ҳам шу нуқтаи назарни изчил давом эттирган: сўзни фақат яхшиликка, яхши ишларга сарфлаш зарур, сўз ёвуз ниятда ишлатилса, фалокат келтиради ва бундай одам мусулмон эмас. Фитна, тухмат, ифво, ёлғон — бу нуқсонларнинг бари сўз орқали содир бўлади. Одамлар сўздан фойдаланиб, юз хил найрангни ишлатадилар: Сўз кишини ўлдиради ва тирилтиради, сўз мулкни обод этади ва вайрон қиласи, сўз улуг ишларни бунёд этади ва хунук воқеаларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади. Навоий бунинг қатор мисолларини чоғиштириб берган, чунончи:

*Фитна қилиб ваъдау пайғом ила,  
Ақлни маст атаса даишом ила.  
Кўргузубон лоба малоҳат уза,  
Лобаси туз сепса жароҳат уза.  
Ким экин ул шуълаға ёқилғучи,  
Ё бу жароҳатга даво қилғучи.*

Хуллас, сўз, нутқ инсонни ҳайвондан ажратувчи белги экан, сўзни қадрлаш, тилга эътибор қилиш лозимлигини ўқтириш Алишер Навоий ижодида бамисли гавҳардек товланиб туради. Зоро, насиҳат, фойдали гап айтиш, одамийлик хислатларини ҳимоя қилиш ижодкорнинг маънавий бурчидир. Сўз — инсон шарафи, бебаҳо фазилат,



ахлоқий камолот воситаси. Демак, мазкур қоидага амал қылмоқ ҳар жиҳатдан мақбул ва маъкул. Улуг шоир холосаси — ана шу.




## Навоийнинг насрий асарлари тарихи

Навоий ижодининг салмоқли қисмини унинг насрий асарлари ташкил қилади. Яна шуниси эътиборни ўзига тортадики, улуг адид уларни (1481-82 йилларда яратилган «Вақфия»ни истисно қилганда) умрининг сўнгти йилларида яратган. Даврининг буюк шоири ва мутафаккири сифатида Навоий насрнинг ўзига хос хусусиятларини яхши билгани, унинг имкониятлари шеъриятга нисбатан кенгроқ эканлигини тушунгандиги учун маълум маънода, маълум мақсадлар билан насрга мурожаат қилган, албатта. Бу мақсадларнинг қандай эканлиги ҳар бир насрий асарнинг ёзилиш сабаблари ва унда қўйилган масалаларнинг моҳиятини очиш чофида ойдинлашади.

Навоий насрий асарларидан «Хамсат ул-мутаҳайирин», «Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер» «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад» муаллиф замонасида маданий ҳаётда улкан роль ўйнаган машхур фан ва маданият арбоблари — Абдураҳмон Жомий, Сайид Ҳасан Ардашер ва Паҳлавон Муҳаммаднинг ижодий таржимаи ҳолини яратиш билан боғлиқ бўлиб, муаллиф улар билан ўзининг ҳар соҳадаги ҳамкорлиги, мулоқотлари ҳақида қизиқарли, ҳаётий

лавҳалар орқали сўз юритади. Бу учала асар ўзбек тилида яратилган ёднома руҳидаги наср намунаси сифатида ғоят аҳамиятлидир. Уларда бадиий насрнинг илк унсурлари мавжуд бўлиб, бу ҳол, айниқса, Навоийнинг портрет яратиш маҳоратида ёрқин намоён бўлади.

Навоийнинг бу асарларини бирлаштириб турадиган, улар учун умумий бўлган муҳим бир хусусият бор. У ҳам бўлса мазкур асарларнинг шарқ ренессанси руҳида ёзилганидир. Зеро, уларда инсонга, шахсга ҳурмат ва самимият билан қараш, ундаги гўзал фазилат ва юксак интилишлар ардоқланади.



**Иброҳим ҲАҚҚУЛ,  
филология фанлари доктори**

### **«Мени мен истаган ...»**

*Мени мен истаган ўз сұхбатига аржуманд этмас,  
Мени истар кишининг сұхбатин күнглум писанд этмас.  
Не баҳра топқамен андинки, мендин истагай баҳра,  
Чу улким, баҳраи андин тилармен, баҳраманд этмас.  
Нетай жүру пари базминки, қаттим ё ҳаётимға,  
Аён ул заҳр чашм айлаб ниҳон, бу нұшханд этмас.  
Керакмас ой ила кун шакликим, ҳусну малоҳатдин,  
Ичим ул чок-чок этмас, таним бу банд-банд этмас.  
Керак ўз чобуки қотилваши мажнуншиоримким,  
Бузуғ күнглумдин ўзга ерда жавлони саманд этмас.  
Күнгүл уз ҷархи золидин, фирибин емаким, охир  
Ажал сарриштасидин ўзга бўйнунгга каманд этмас.  
Ул ой ўтлуғ юзин очса, Навоий, тегмасин деб кўз,  
Мухаббат тухмидин ўзга ул ўт узра сипанд этмас.*

Навоий мазкур ғазалда сұхбат ва «сұхбатсиз»лик, интилиш ва қочиш (ёки рад айлаш) хусусида баҳс юритган:

*Мени мен истаган ўз сұхбатига аржуманд этмас,  
Мени истар кишининг сұхбатин күнглум писанд этмас.*

Нечун бундай? Шеър қаҳрамонини сұхбатида эъзозга лойиқ кўрмаган киму, унинг кўнглига йўл топишга номуносиб кимса ким?

Бу саволларга ҳар ким ҳар хил жавоб топиши мумкин. Албатта, доно нодон сұхбатидан қочганидек, жоҳилнинг гап-сўзларини оқил назарга илмайди. Ва бу табиий ҳол. Шу маънода Навоий:

*Не баҳра топқамен андинки, мендин истагай баҳра,  
Чу улким, баҳраи андин тилармен, баҳраманд этмас,  
— деганда тұла ҳақдир.*

Халқымизда «Бүйімдек бүй топдым, күнглимдек күнгил топмадим», деган бир гап бор. Дархақықат, тил ошнолиги осон, дил ошнолиги қийин. Моддий дунё талаб ва манфаатлари атрофидә одамлар тез бирлашишади. Рұхоният, Маңғавият, Маърифат ва Маслак «майдон»ларидачи? Шарқ мутафаккирлари аҳли дил — маъно әрлариннинг ҳаётта қараши, дунёни идрок этиш тарзى аҳли сувратта нисбатан буткул ўзгача ва оғирроқ кечишини көнг изоҳлаб беришган. Айрим улуг алломалар бу масалага шу қадар теран назар ташлашғанки, гоҳо фикр ва ҳукмларида кескинлик зохир бўлишидан ҳам чўчишмаган. Масалан, комил инсон табиати ва ҳақиқатларини бениҳоя чуқур тадқиқ қилган Азизиддин Насафий бир ўринда ёзади: «Қатъий ўлароқ шуни билгинки, инсонларнинг кўпчилигида инсонлик қиёфаси бўлган билан инсонийлик маъноси йўқдир... Бунга мутлақо ажабланма. Ҳар бир шаҳарда ҳам жисман, ҳам маънан инсонлик шарафига лойиқ саноқли кишилар бордир. Қолганларида суврат бўлган билан улар маънидан маҳрумлирлар». Авомлик тўлқини донолик ҳаракатига қараганда қамрови көнг ва «юпатувчи»дир.

Яна ғазалга қайтсак:

*Нетай хуру пари базминки, қатлим ё ҳаётимға,  
Аён ул заҳр чаим айлаб ниҳон, бу нўшханд этмас.*

Бу сўзларни ўқитган шеърхон «суҳбат» билан «базм» ўртасида бир яқинлик топади. Ва ўз-ўзидан, «Олдинги байтлардаги фикр ҳам ошиқ ва маъшуқа муносабатларига тегишлидир», деган холосага келади. Умуман олганда, бу холосага эътиroz билдириласлик керак. Чунки севганни севмаслик, севмаганга содиқ қолишга уриниш муҳаббат дунёсидаги гаройиб ҳодисаларданadir. Қолаверса, ошиқнинг



«хуру пари базми»дан ўз маъшуқасининг сұхбат мажлисини устун қўяётганлиги шундоқ сезилиб турибди. Лекин ғазалнинг дастлабки байтлари ошиқдан кўра ориф ва маломатмашраб кишиларни ортикроқ завқлантиради.

Навоий ғазалида ёр севгиси комил инсон ишқи билан уйғунликда талқин этилган бўлиб, қуидаги инкор сўзлари ҳам шу мақсадга хизмат қиласди:

*Керакмас ой ила кун шакликим, ҳусну малоҳатдин,  
Ичим ул чок-чок этмас, таним бу банд-банд этмас.*

Кейинги байт маъшуқа васфига бағишлиланган: у «чобуки қотилваш»гина эмас, «мажнуншиоримким», ошиқ бўлиш учун жунун йўлини танлаш ва жунун майдан масти бўлмоқ лозим. Зоро, у «бузуҳ қўнгул»дан ўзга ҳеч жойда жамол кўрсатмаганидек, «жавлони саманд» ҳам этмайди:

*Керак ўз чобуки қотилваши мажнуншиоримким,  
Бузуг кўнглумдин ўзга ерда жавлони саманд этмас.*

«Бузуг кўнглим»га ҳокими мутлақ маъшуқа бўлгач, бошқа ҳеч нарса ундан ўрин топмайди. Ва у маккор даҳр — «Чарҳи зол»нинг фириб ва найрангларига алданмайдиган дараражада комиллашади. «Чарҳи зол»нинг эса охир-оқибатда инсонни ўлим тузогига илинтиришдан ортиқ мақсади йўқдир:

*Кўнгул уз чарҳи золидин, фирибин емаким, охир  
Ажал сарриштасидин ўзга бўйнунгга каманд этмас.*

Бу ҳукм — кўнгул ҳукми. Муҳаббат қуч-кувватига суюнган кўнгул ҳикмати эрур. Сўнгти байтда бу ҳақиқатнинг гёй исботи талқин этилган,

Халқимизда «кўз тегмасин» дея ёки «кўз тегиши»нинг олдини олиш учун исириқ тутатиш удуми бор. Шу удумга асосланиб шоир ёзади:

*Ул ой ўтлуғ юзин очса, Навоий, тегмасин деб күз,  
Мұхаббат тухмидин ўзга ул ўт узра сипанд этмас.*

Тасаввур этингки, моҳчехра малак ошиққа юзини күрсатди. Ёр гүзаллиги ошиқни шу даражада ҳайратта солғанки, унинг хаёлига келган биринчи иш исириқ тутатиши бўлган. Чунки, маъшуқага кўз тегмаслиги керак. Бунда ўт ёқишига ҳам ҳожат йўқ: ёрнинг юзида олов порлайди. Фақат «ул ўт узра» ташланадиган нарса сипанд эмас, муҳаббат тухмидир.

Хўш, нима у муҳаббат тухми? Ҳужвирийнинг шарҳлашича, муҳаббат «ҳибба» сўзидан олинган бўлиб, лугавий маъноси устига тупроқ тортилган уруғ, демакдир. Ҳаётнинг асли ва асоси ана шу уруғда яширинганидек, инсоннинг диний, маънавий, руҳий, ахлоқий ҳаётининг илдизи ва туб моҳияти ҳам муҳаббатдадир. Навоийнинг «Мұхаббат тухмидин ўзга ул ўт узра сипанд этмас» деб уқтиргани сабаби ҳам шунда.

## «Мұхқамат үл-лугатайн» тарихи

Навоий ўзининг роят серқирра ва мазмундор ижодини қадимги ўзбек ва форсий тилида яратилған адабиётлардаги бой анъаналар заминида юзага келганини қайта-қайта таъкидлаб ўтади. «Мұхқамат үл-лугатайн»да ана шу масала юзасидан билдирилған муҳим қайдлар мавжуддир.

Навоий асарда форсийда яратилған адабиётнинг машхур намояндаларини ҳурмат билан тилга олади. Бу адабиётта эришилған ютуқларни улкан адабиёт тарихчиси ва танқидчиси сифатида ҳаққоний баҳолаб ўтади. Жумладан, у Амир Хусрав Дехлавийнинг лирик шеърияты ҳақида ёзади: «Амир Хусрав Дехлавий девониким, ошиқликда дарду ниёз ва сўзу гудоз тариқин ул мунташир қилди ва онинг ишқи машъалидин бу партав олам тийра хокдонига ёйилди».

«Мұхқамат үл-лугатайн»да Навоий ўзи ҳақида, ижодининг мамлакат маданий ҳаёти тарихидаги роли ҳақида ҳам жуда мароқли маълумотларни баён этадики, бу ҳам асарнинг адабиёт тарихи учун аҳамиятли бўлган яна бир фазилатидан далолат беради. Шунингдек, «Мұхқамат үл-лугатайн» Навоий ижодидаги илмий насрнинг гўзал намунаси сифатида ҳам қимматли ёдгорликдир.

**Шухрат СИРОЖИДДИНОВ,  
филология фанлари доктори, профессор**

**«Кимки инсондур, анинг маҳбуби  
ҳам инсон керак»**

Алишер Навоий дўстликни ниҳоятда қадрлаган. Дўст, унинг наздига, биринчи навбатда, суюнчиқ, меҳрибон устоз, самимий маслаҳатчи ва жонкуяр ҳамдарддир. Шунинг учун бўлса қерак, шоир асарларида содик дўстлар ҳақидаги нақл ва ривоятлар, дўстликни улуғловчи мисралар кўплаб учрайди. Уларда инсон инсонни яхши кўриши, уни ардоклаши зарур, деган фоя илгари сурилади. «Кимки инсондур, анинг маҳбуби ҳам инсон керак», дейди бир ўринда.

Навоий дўстликдек бебаҳо неъматни асрар-авайлашга чақиради. Унинг Абдураҳмон Жомий, Сайид Ҳасан Ардашер ва Паҳлавон Муҳаммадга бағишлиб ёзган асарлари шунчаки хотиралар мажмуи эмас, балки уларда дўстлик аталмиш олий қадриятнинг мазмун-моҳиятини очиб бериш, инсонларни уни қадрлашга даъват қилиш мақсади ётади.

Алишер Навоий ўз дўстлари ҳақида ёзганда, уларни юksақ эҳтиром билан васф этади. Масалан, Абдураҳмон Жомий Навоийга устоз мақомида бўлган дўст эди. Уларнинг дўстлиги шу қадар буюк, мусаффо, самимий эдики, буни таърифлашга сўз ожиздир. Уларнинг яқинлиги шу даражада эдики, дунёқарашлари, фикр-мулоҳазалари, интилиш ва ўй-хаёллари бир хил бўлиб кетганди.

Ҳазрат Навоий дўстларидан кўпдан-кўп эзгу фазилатларни ўзлаштирди, ўз ҳаётида улардан ибрат олди. Навоийга устоз мақомидаги зотлардан яна бири Сайид Ҳасан Ардашердир. Навоий ўзининг «Холоти Сайид Ҳасан Ардашер» асарида бу инсоннинг ибратли фазилатларига қайта-қайта тўхталади.

Маълумки, Саййид Ҳасан Навоийдан ёш жиҳатидан анча улуғ бўлган. У Бойсунқур Мирзонинг ўғиллари Алоуддавла, Султон Муҳаммад, Абулқосим Бобур биринкетин тахтга ўтирган йиллар уларнинг ҳамсуҳбати бўлган аллома эди. Ўзининг оддийлиги, камсукумлиги ва хушмуомалалитиги билан каттаю кичикнинг меҳрини қозонгани боис жуда кўп ёшлар сухбат қуриш учун унинг ҳузурига боришига иштиёқманд бўлган. Навоийнинг ёзишича, ҳар ким унинг уйига келар бўлса, «Бизга лутф айлаб, кулбамизга қадамранжида қилсангиз, биз сизнинг хизматингизда бўлурмиз», деб катталарга қандай ҳурмат кўрсатса, ёшларга ҳам шундай мурожаат қилас экан.

Саййид Ҳасан шундай инсон эдики, дейди Навоий, ипак билан намат ўртасида тафовут кўрмайдиган даражада нафсини маҳкам жиловлаган эди. Ҳар қанча изтироб юзланмасин, сабр билан енгарди. Саййид Ҳасан Ардашер Навоийни фарзандим, деб алқашини шоир фаҳр билан таъкидлайди.

Саййид Ҳасан Ардашер мансабпастликни қаттиқ қоралаган. У айтади: «Мансабпастлик мастилик кабидир. Аммо у чоғир мастилигидан фарқ қиласди. Чоғир ичиб масти бўлган киши қилган иши ва сўзини назорат қила олмайди. Оқибатда одамларга озор бериши, нотўғри хатти-ҳаракатлар қилиб қўйиши мумкин. Сархуш бўлгандан кейин ўзишидан пушаймон қиласди. Аммо бундай сархушлик бир кун давом этади. Мансаб мастилиги эса, токи инсон мансабдор экан, давом этади. Инсон мансабда бўлгач, ўзини идора қилса, яхши, аммо оёғи ердан узилиб, нафса берилса, кўп хатоликлар қиласди».

Навоий, шунингдек, улуғ мансабларни эгаллаганда ҳам ҳамиша давлат ва ҳалқ манфаатини биринчи ўринга қўйган. Ўз вазифасини ҳалол бажарган. Саййид Ҳасан Ардашер айтар экан: «Тошқозон ва лаъл тош ҳар иккаласи тошдир. Тошқозонда лаззатли таомлар пиширилади ва ундан

одамларга наф бордир. Ләйл эса қимматбаҳо бўлгани билан ундан одамларга фақат зарар етади. Агар халққа манфаати бўлмаса, ундаи қимматбаҳо тошдан не наф?»

Сайид Ҳасаннинг ўйтлари Навоий учун ҳаётий сабоқ бўлганига шубҳа йўқ.

Паҳлавон Муҳаммад Навоийнинг ёшлиқдан бирга ўсиб-улгайган дўстларидан биридир. Навоий уни қирқ йиллик қадрдоним, «маҳрами сирри ниҳоний», деб атайди.

Бундан чиқадики, уларнинг ўртасида яширин сир бўлмаган. Паҳлавон Муҳаммад курашларда кураги ерга тегмаган полвон бўлиш билан бирга, мусиқа илмида замонасининг машҳурларидан, тибиёт, шеърият, фалсафани чуқур тушунган. Хотираси жуда ўткир, яхшигина ҳофизи Куръон бўлган.

Паҳлавон Муҳаммад Навоийни жуда эъзозлаган. Ҳамиша ҳамдард бўлиш, яхши-ёмон кунларида ёнида туришга ҳаракат қилган. Алишер Навоийнинг қайд этишича, ўигитлик айёмида давр ва замон балолари бошига ёғилиб, Машҳадга боргандা, оғир хасталикка чалинади. Табиб уни муолажага буюради. Бу ишни паҳлавон ўз зиммасига олади.

Шундай муолажа пайтида Паҳлавон Навоийнинг чўнтағида қовоз борлигини кўриб қолади. Аста олиб қараса, янги ёзилган етти байтли ғазал экан. Ёнига қўйиб, дарҳол ёдлаб олади. Сўнг билинтиrmай шоирнинг чўнтағига қайтадан солиб қўяди.

Муолажадан сўнг ўртада суҳбат бошланади. Паҳлавон «Сен ўз шеърларинг билан анча машҳур бўлиб қолдинг, шеър фарқлашга тажрибанг етади, айт-чи, туркигўй шоирларнинг қайси бирини афзал биласан?» дейди. Навоий Лутфийни кўрсатади. Паҳлавон эътиroz билдириб, «Нега Сайид Насими турганда Лутфийни маъқул кўрасан?», дейди. Навоий «Насими ботиний маънодаги шеърлар ёзади, сенинг сўрашингдан мақсад зоҳирий маънода ёзгувчи шоир эмасмиди?», дейди.

Паҳлавон Насимийнинг шеърлари ботиний бўлса ҳам, зоҳирий талқин қилиш мумкинлигини айтиб, «Мана бу шеърни эшит», дейди ҳамда Навоийнинг янги ёзган шеърини ўқиб беради. Навоий ҳайрон бўлади ва чўнтағига қўлини солиб кўрса, қофоз турибди. «Бу шеърни қачондан бери биласан?», деса, Паҳлавон «Ўн икки йил олдин Абулқосим Бобурнинг бир ўтиришида шу шеър ўқилганди, менга ёқиб қолиб, ёдлаб олгандим», дейди. Навоий баттар таажжубланади.

Паҳлавон эрталаб келганда, Навоий яна ўша шеър ҳақида сўз очиб, ҳақиқатан ҳам, ўша пайтда шу шеърни эшитганми-йўқми, билишга қизиқаверибди. Шунда Паҳлавон ўша пайтларда мен билан бирга бўлган бошқа полвонлар ҳам шу шеърни ёдлаб олгандилар, деб ўзи билан олиб келган 3-4 қурашчидан ҳам шеърни ўқиб беришларини сўрабди. Улар ҳам унинг фикрини маъқуллаб, газални бирин-кетин ўқиб беришибди. Навоий гоятда ажабланибди. Хултас, маълум бўлишича, Паҳлавон мазкур газални бошқа полвонларга ҳам ёд олдириб келган экан.

Паҳлавон Муҳаммад дўстининг руҳан эзилаётганини кўриб, унинг бир оз чалғиши, дардини унутиши учун шу усулни ўйлаб топганлигини Навоий ўзига хос миннатдорлик ва завқ билан эслайди.

Дўст садоқати, вафоси, мушфиқу ҳамдамлиги инсонга оғир қийинчиликларни мардонавор енгигб ўтишда ёрдам берувчи улкан кувват. Навоий ана шундай манбани дўсти Паҳлавон Муҳаммадда кўради.

**Ҳасан ҚУДРАТУЛЛАЕВ,  
филология фанлари доктори, профессор**

**«... Хизматим бўстони сидқ  
ва сафо саҳобидин сероб»**

Хар сафар Алишер Навоий асарларини мутолаа қилганда, бу даҳонинг юзларча адибларга устозлик вазифасини бажариб, улар шахс сифатида камол топишларига кўрсатган бекёёс хизматлари, беҳисоб «бинои хайр»лар барпо эттанилигига амин бўламиз. Навоий умр маъмуни ва ҳаётининг борини ҳалққа баҳшида қилган зотдир. Унинг Фарҳод, Ширин, Искандар, Паҳлавон Муҳаммад, Сайид Ҳасан Ардашер шахсиятлари, салафларига бўлган муносабатида жамиятдаги яратувчалик гояси алоҳида меҳр билан куйлангани кўз ўнгимиизда гавдаланади.

Навоийнинг бу фазилати ҳали у ҳаёт бўлган пайтидаёқ замондошлари томонидан алоҳида таъкидланган. Айниқса, Бобурнинг «Бобурнома», Фиёсиддин Хондамирнинг «Хulosat ул-ахбор», «Ҳабиб ус-сияр», Зайниддин Восифийнинг «Бадоэъ ул-вақоэъ», Муҳаммад Ҳайдарнинг «Тарихи Рашидий» ва бошқа асарларида Навоий курдирган жуда кўп бинолар ҳақида қимматли маълумотлар берилган.

Хусусан, Заҳириддин Бобур Навоийнинг бунёдкорлик хислатини «Бобурнома» асарида алоҳида меҳр билан таъкидлайди. У Навоийнинг бунёдкорлик ишларини номманином санаб ўтмаса ҳам, унинг Хурросон султони Ҳусайн Бойқарога, ҳатто, моддий ёрдам берганлигини таъкидлайди. «Мирзодин нима олмас, балки йилда мирзога куллий маблағлар пешкаш қилур эди», дер экан, унинг моддий имконияти нақадар юксак бўлгани ва қурдирган барча бинолари ўзининг маблағи билан бунёд этилганлигига ишора қиласди. Шу қатори, Бобур Навоийнинг хизматини, энг аввало, ўша давр адабий, маданий ҳаётидаги улкан улушида, деб билади ва қуидагича таърифлайди: «Аҳли фазл ва аҳли ҳунарға Алишербекча мураббий ва муқаввий маълум эмаским, ҳаргиз пайдо бўлмиш бўлгай. Устоз

Қулмуҳаммад ва Шайхи Нойи ва Ҳусайн Удийким, созда саромад эдилар, бекнинг тарбият ва тақвияти била мунча тараққий ва шуҳрат қилидилар. Устоз Беҳзод ва Шоҳ Музаффар тасвирида бекнинг савъ ва эҳтимоми била мундоқ машҳур ва маъруф бўлдилар. Мунча бинойи хайрким, ул қилди, кам киши мундоққа муваффақ бўлмиш бўлғай». Бобурнинг таърифида Навоийнинг юқоридаги Ҳирот маданий ҳаётининг гултожлари бўлган санъаткорлар, машҳур шахсларни тарбиялаб камолга етказиши унинг хайрли ишларни кўзлаб қурган бинолари қатори ижодкорлик, яратувчалик сирасига киритилган.

Хондамир «Хулосат ул-ахбор» асарида ёзиича, у Марҳани деган жойда ариқ қазиш, зовурларни тозалаш, кичик бинолар қуриши билан эзгу ишларга бош-қош бўлган бўлса, кейинчалик бу каби хайрли юмушлар кўлами кенгайиб борган. Навоий йигирмага яқин ҳовуз қаздирган, 16 кўпприк ва 2 тўғон ҳам бунёд этганки, бу иншоотларнинг барчаси, энг аввало, оддий ҳалқ манфаатига хизмат қилган.

Алишер Навоий қурдирган иншоотларни санаб адогига етмайсан, киши. Ўзининг таъкидлашича, бу даврда у «фуқаро ва дарвешларнинг фаровонлиги, гарид ва мусофиirlарнинг фарогати учун» ушбу иншоотларни қурдиради. Улардан бири машҳур «Ихлосия» мадрасаси бўлиб, Навоий бу мадрасага юксак ихлос билан қараган, мадраса ва хонақоҳларда истиқомат қилувчи аҳли илмга моддий ёрдам берган.

Алишер Навоий «Вақфия» асарида бир умр ижодкорлик, яратувчилик иши билан шуғулланганлигини, бу иш унинг умр мазмунига айланганлигини қўйидаги нозик ва айни пайтда бадиий жило билан оро берилган сатрларда баён этади: «Агарчи дарёға қатра мададкорлигидин суде ва яди байзога зарра ҳаводорлигидин мақсуде мумкин ва мутасаввар эрмас, аммо ул қадар хизматдаким, хастага қувват эрди ва ул миқдор мулозаматдаким, бу шикастаға тенгри тоқат берди, жонсипорлиқ расмин унутмадим ва эҳтимол ва тасоҳул раво тутмадим. Чун ниятим гулистонида

зарқ ва риёх хошоки ноёб эрди ва хизматим бўстони сидқ ва сафо саҳобидин сероб».

Албатта, муҳтарам ўқувчимиизда «Алишер Навоий бунчалик хайрия ишларини қайси даромад асосида амалга ошириди экан?» деган ҳақли савол туғилиши аниқ. Шуни айтиш мумкинки, Навоий ўз даврининг катта даромадга эга шахсларидан бири бўлган. Лекин гап кишининг бойбадавлат бўлишидан кўра, уни ҳалқ манфаатига, ночор кишиларнинг мушкулини енгиллаштиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир, Бинобарин, Навоий шахсияти ана шу жиҳати билан ибрат, ҳам намуна, десак муболага эмас.

Муҳаммад Ҳайдарнинг «Тарихи Рашидий» асарида Навоийнинг хайру саховати, шогирдпешалиги, илм, адабиёт, санъат аҳлига кўрсатган ҳомийлигига оид нодир маълумотларга дуч келамиз. «Шундай қилиб, ўша замонда ҳалқнинг турли тоифалари ичидан фозил, беназир инсонлар чиққани унинг (Навоийнинг) саъй-ҳаракатлари туфайлидир. У Мир сифатида шундай жидду жаҳд кўрсатдики, натижада катта бойлик тўпланди, дехқончиликдан ва бошқа тарафлардан тушган кунлик даромад ўн саккиз минг шоҳруҳийни ташкил этган, ўз амирлик мансабининг барча жиҳатларини — хизматкорларни, мулозимларни, ҳазинани, сайисхонани, подшоҳлик иморатларини у Султон Ҳусайн мирзонинг ноиби амир Бобо Алига топширган, бу ўша даврнинг буюк сипоҳларидан эди. У қудрати етгунча унга ёрдам сўраб мурожаат қилган муҳтоҷларга, олиму фозилларга ҳомийлик қилди. Ўз мулкидан тушган барча даромадни эл-юрт фаровонлиги учун хайрия ишларига сарфлади».

Биз Алишер Навоийнинг бундан қарийб олти аср олдинги ишлари ҳақида сўз юритдик. Улуг шоирнинг бу фазилати кишиларни эзгулик сари тарбиялашга, илм ва таълимга юксак ихлос билан қарашга, инсонда фақат яхши хислатларни шакллантиришга қаратилганлиги ва буларнинг барчаси кўз ўнгимизда буюк Навоий шахсиятини яна бир карра улуғлаши билан қадрлидир.

**Нурбай ЖАББОРОВ,**

**филология фанлари доктори, профессор.**

### **Боқий ҳикматлар қудрати**

Одамзоднинг табиати қизиқ. Бутун онгу шуурини эгаллаб олган лоқайдлиги бепарволик уни мудом таъқиб этади. Ақлу тафаккурини аксар ҳолларда кеч ишлатади. Бой берилган имконият, исроф қилингандык вақт олдида күпинча ожиз қолади. Акс ҳолда бугун дүнёнинг турли бурчакларida кечаётган нотинчлигү одамқушлик рүй бермас эди. Терроризм балосидан ҳеч ким жабр чекмас, экстремизм вабо сингари күткү сололмаган бўлар эди...

Тинчлик ва осойишталик шундай бир неъматки, одамзод унинг қадрини күпинча бой берилгандагина англайди. Ҳолбуки, уни ўз вақтида қадрламоқ керак. Улуғ мутафаккир ҳазрат Алишер Навоий бундан қарийб олти юз йил нарида туриб, кўнгилларни ана шу ҳақиқат нури билан ёритиб турибди:

*Уйки, адно тебранур сокинга хотир жамъ эмас,  
Не ажаб, гар амн йўқтур гунбади гардон аро.*

Байдаги «адно» — «озгина», «сокин» — «яшовчи» маъносида келган. Иккинчи мисрадаги «амн» — «тинчлик», «гунбади гардон» — «айланиб турувчи фалак» демакдир. Модомики, уй озгина тебранар экан, унда яшаётган одам хотиржам бўла олмайди. Шундай экан, мудом айланиб турувчи фалак ичра осойишталик йўқлиги асло ажабланарли эмас, дейди буюк мутафаккир тинчликка, хотиржамликка эришмоқ осон эмаслиги ифодаланган ушбу байтда.

«Бадоев ул-васат» девонидаги мана бу байдада юқоридаги фикрнинг мантиқий давомини кузатиш мумкин. Жаҳон осойишига эришмоқ осон эмаслиги аён. Бироқ ҳаммаси ниятта яраша бўлади. Агар инсон ўзини ўзи мушкулотга

дучор құлмаса, осойишишга осонроқ ҳам эришмоқ мүмкін:

*Жаҳон осойишин олингда мушкул құлмаким, бордур  
Тутай мушкул десанғ — мушкул ва гар осон десанғ — осон.*


Ҳазрат Алишер Навоий ўғитлари инсониятни баҳту саодатта әлтүвчи йўлчи юлдуз. Дарҳақиқат, осонлик ҳам, мушкулот ҳам инсоннинг ўзига: хулқига, ниятига, амалига боғлиқ. Бу ўғитга амал қылған одам ҳеч қачон осонни мушкулга айлантиrmайди. Аксинча, мушкулни осон қилиш йўлини тутади.

«Умрни ғанимат бил, сиҳҳат ва амниятқа шукр қил». Буюк адабнинг «Маҳбуб ул-қулуб» асаридан олинган бу сўзлари нечоғлик ҳаётий ва кўнгилга яқин-а! Яъни ҳаётингнинг ҳар бир дақиқасини огоҳлик билан ўтказ, нима учун яратилганингни, зиммангда қандай масъулият борлигини ёдингдан чиқарма, демоқчи шоир. «Сиҳҳат ва амниятқа шукр қил!» Қадим тарихга ва беқиёс маданиятта эга ҳалқимиз дуо қиласар экан, Яратгандан икки неъматни сўрайди: соғлик ва тинчлик. Ана шу неъматлар учун шукронга билдириш ҳам миллатимизнинг асл табиатига хос. Улуғ мутафаккир асарлари ана шу асл моҳиятни ифодалагани жиҳатидан ҳам ҳеч бир замонда эскирмайди. Авлодлар қалбини маърифат зиёси билан мудом ёритиб келаётгани сабаби шунда.

Буюк мутафаккир «Тарихи анбиё ва ҳукамо» асарида Луқмони ҳаким тилидан мана бу эътирофни ёзади: «... борча юкни торттим, бурчдин оғирроқ юк кўрмадим ва борча лаззатни тоттим, оғиятдин чучукрок шарбат тотмадим». Яъни инсон зиммасидаги бурчни унтишга ҳаққи йўқ. Дунёдаги энг тотли неъмат эса, тинчлик ва осойишталик. Бу неъматта эришганлар чин маънода баҳтиёрдирлар.

Алишер Навоий ижодини ўрганган канадалик олим Гарри Дик мана бундай ёзади: «Биз миллатимизни

тарбиялаш учун чин санъаткорларга муҳтоjmиз... Ҳақиқий тараққиёт ташқарида эмас, инсоннинг юрагида содир бўлиши керак. Биз Навоийдек шоирларнинг ўз тилимизда кўпроқ сўзлашлари ва кишиларнинг улардан кўп нарсаларни ўрганишларига муҳтоjmиз». Бу эътироф замирида чуқур маъно бор. Буюк бобокалонимизнинг тинчлик ва осойишталикка давлати ўлароқ битилган ҳикматлари ҳам буни тасдиқлади. Улар худди бутунги кун учун ёзилгандек. Инсоният чин маънода саодатта эришмоқ учун ана шу ҳикматлар магзини чақмоғи, уларга амал қўлмоғи зарур.



**Олимжон ЖҮРАЕВ,  
филология фанлари доктори, профессор.  
«Ажаб саодат эрур...»**

Алишер Навоий «Мұхокамат ул-лугатайн» асарида «...умидим улдурки ва ҳәёлимға андоғ келурким, сүзүм мартабаси авждин қуи инмагай ва бу тартибим кавқабаси аъло даражадин ўзга ерни беганмагай», деган эди.

Улуг бобомизнинг бундай деб айтишларига асослар кўп. У умр бўйи ўз ижодини инсониятнинг баҳту саодати учун курашга, ҳалқнинг осойишталигига, ободончилик ишларига, илм-фан, санъат ва адабиётнинг тараққиётига бағишилади. Айниқса, илм-фан, санъат ва адабиёт аҳлига ҳомийлик қилиб, юзлаб олиму шоирларнинг камол топшишига ёрдам берган.

Навоий даврига қадар туркий-ўзбек тилини қолоқ тил, бу тилда бадиий, илмий асар ёзиш мумкин эмас, деган қарашлар мавжуд эди. У туркий тилнинг камситилишини ҳимоя қилиб, «Мұхокамат ул-лугатайн» асарида тилимизнинг нечоғлиқ гўзал, жилвали эканини исбот этди. Масалан, туркий тилдаги «ўт» сўзининг 26 хил маъноси борлигини, қушлар, паррандаларнинг юзлаб номлари мавжудлигини ҳамда бу сўзлар орқали шеъриятнинг рангранг товланишларини ўз асарлари орқали кўрсатиб берган.

Шоир ўткинчи дунёда кишиларни бир-бирига яхшилик қилишга, ўзидан яхши ном қолдиришга чақирад экан, шундай ёзади:

*Бу гулшан иҷраки йўқтур бақо гулига сабот,  
Ажаб саодат эрур қолса яхшилиқ била от.*

Алишер Навоий ҳамсачиликда ҳам устозлар изидан бориб, улар бошлиган ишни юксакларга кўтарди. Унинг «Ҳамса»си жаҳон илм аҳлини ҳамон ҳайратга солиб келмоқда. Устоз Абдураҳмон Жомий Навоийнинг

«Хамса»сини ўқиб, ўз ҳайратини шундай ифода этган эди:

... Сўзамоллик майдонига сен сурдинг от,  
Қайта бошдан сўзниң юзи порлади бот,  
Сенинг ақлу фикринг билан сафо топди,  
Эй Навоий, лутфинг билан наво топди.

Ҳазрат Алишер Навоий «Лисон ут-тайр» достонида олам гўзаллигини қушлар номи билан тараннум этган бўлса, «Маҳбуб ул-кулуб» асарида кишиларнинг феъл-атвори, одобу ахлоқи қандай бўлиши лозимлиги ҳақида сўз юритади. Шу билан бирга, юзлаб халқ мақолларини асарига олиб киради ва уларнинг абадийлигини таъминлайди. Жумладан, «Саховатсиз киши — ёғинсиз абура баҳор», «Тилга ихтиёrsиз — элга эътиборсиз» каби мақолларни ишлатганки, булар Навоий асарларининг гўзал ва таъсирчан чиқишида бир восита бўлиш баробарида, Навоийнинг халқ ҳаёти билан нақадар яқинлигини ҳам кўрсатади.

Алишер Навоий «Мажолис ун-нафоис» тазкирасида бадиий адабиёт билан шугулланган 459 нафар турли қасб эгалари ижоди ҳақида сўз юритган, улар томонидан яратилган асарларнинг ютуғидан қувонган, камчилигини тузатган. Шуниси эътиборлики, устоз Алишер Навоий ёшлар тарбиясига ҳам катта эътибор берган. У ўз маблағи ҳисобидан юзлаб ёшларнинг камол топишида беназир хизмат қилган.

Навоий тарихчи олим сифатида «Тарихи мулуки ажам» ва бошқа асарларни ёзган. «Насоим ул-муҳаббат», «Вақфия», «Қирқ ҳадис», «Муншаот» ва бошқа асарларида ижтимоий-сиёсий масалаларнинг турли соҳаси ҳақида сўз юритилади.

Мустақиллик туфайли бобокалонларимиз мероси жаҳонда бекиёс эканлигига яна бир карра амин бўлдик. Шундай экан, биз бундан фаҳрланиш билан бирга, уларнинг муборак номларини асрлар оша олиб ўтиш учун курашмоғимиз айни муддаодир.

## «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад» асари тарихи

Тарихий ва адабий манбаларнинг хабар беришича, Паҳлавон Муҳаммад ўз даврининг машҳур билимдони, энг маданиятли ҳамда гўзал инсоний фазилатларни ўзида мужассам этган нодир шахсларидан бири бўлган.

Алишер бу мўътабар зот билан 40 йил мобайнида яқин дўст бўлган. Бу нарса Паҳлавон Муҳаммаднинг улуғвор ва нуроний сиймо эканлигидан далолат берувчи foят муҳим омиллардандир. Навоийнинг таъкидлашича, Паҳлавон Муҳаммад ўз даврининг иирик қомусий билимга эга бўлган фозилларидан эди. Фаннинг бирон соҳаси йўқки, ундан Паҳлавон Муҳаммад бехабар бўлсин. У астрономия ва математикада, кимё ва фалсафада, адабиётшунослик ва санъатшуносликда, ҳуқуқшунослик ва бошқа билимларда ном чиқарган эди. Навоий бу ҳақда шундай деб ёзди: «Чун қобилияти баланд тушгандур ва мулоямати табъи барча фунунга муносиб ва баҳраманд воқиъ бўлгандур. Кўп фазойил ва камолот ҳам касб қўйғондурким, замон аҳли борчада Паҳлавонни мусаллам тутар эрдилар...»

Навоийнинг айтишича, Паҳлавон Муҳаммад бадиий ижоднинг, айниқса, муаммо, таърих турларида катта маҳорат кўрсатган. «Жамъики муаммо айтурлар, басе заҳмат била бир байтдин ё бир рубоидин бир исм хосил қилурлар. Паҳлавон устод абъётидинким, қойил муаммо қасди қилмамиш бўлғай, табъи ўзи била исмлар пайдо қилиб эрди», деб таъкидлайди Навоий.

**Санобар НИШОНОВА,  
педагогика фанлари доктори, профессор**

### **«Макорим ул-ахлоқ» сабоги**

Хондамир бевосита Алишер Навоийнинг фамхўрлигига вояга етган, унинг ҳомийлигига катта ижодий иш олиб борган, «Макорим ул-ахлоқ» асарида буюк Навоийнинг маънавий юксак инсон сифатидаги фаолияти ҳақида тўлиқ маълумот беради.

Алишер Навоий таржимаи ҳоли ва унинг фазилатлари ҳақида мактаб хрестоматиялари ва дарсликларида ҳам кўплаб лавҳалар келтирилган, илмий ишлар яратилган. Буларнинг барчасига Хондамирнинг «Макорим ул-ахлоқ» китобида келтирилган материаллар ҳам асос бўлганлигига шубҳа йўқ.

У болалик давридан бошлаб илм олишга ҳаракат қиласиди. Йигитлик даврида олим ва фозиллар йигинларида иштирок этади. Мустақил ҳолда китоб мутолааси билан шуғулланади. Самарқандда Ҳожа Фазлуллоҳ Абулрайсийдан сабоқ олади.

Ҳиротда шоирнинг дўсти Ҳусайн Бойқаро ҳокимиётни кўлга олгач, Навоий Ҳиротга қайтади ва «Бунда энг юқори мансаб — амирлик даражасига кўтарилади. Ҳукумат арбобларининг раҳбарлигини, бутун ҳалқ ва ҳукумат мақсадларини ҳал қилишни, мамлакат ва миллат ишларини тартибга солишни, дин ва давлат аҳволини интизомга қўйишни ўз устига олиш билан бирга, бутун вақтини китоб иборатларини тузатиш, маъноларини текшириш, далиллар билан исбот этиш, масалаларни ҳал қилиш, нақлий (эшитиш орқали билинган, ўзлаштирилган билим) илмларнинг сирларини ва ақлий фанларнинг нозик нуқталарини топишга ҳаракат қилди».

Амирлик лавозимидағи Навоий атоқли олимлар, санъат аҳлларини ҳам маънавий, ҳам моддий томондан қўллаб-

куватлайди, талабаларга нафақалар белгилаб, чукур ва мустаҳкам билим олишлари учун мадрасалар қурдиради. «Халосия» хонақохи, «Ихлосия», «Шифоия», «Низомия», «Хусравия» мадрасалари шулар жумласидан бўлиб, бу ўкув даргоҳларида замонасининг иирик олимлари сабоқ беради. Фуқаро ва дарвешлар учун саҳоват ишларини бошлаб юборади. Масалан, «Халосия» хонақоҳида у ҳар куни мингдан ортиқ мискинларни зиёфат қилиб, лазиз таомлар тарқатади. Ҳар йили муҳтожларга 2000га яқин пўстин, чакмон, кўйлак-иштон, тақия (дўппи) ва кавш улашади.

У қурдирган работлар, ҳовузлар, кўприклар, ҳаммомларнинг сон-саноги йўқ эди. Бузилган обидалар, масжидлар унинг раҳнамолигида қайта таъмиранади. Алишер Навоий қобилияти ва зеҳнининг ўткирлиги туфайли ҳар иккى тилда — туркий ва форсийда баб-баравар бадиий юксак шеърлар ёзади.

Унинг туркий тилда Низомийнинг «Панж ганж»и — муқобилида яратилган беш достондан иборат «Хамса» асари, 25 минг байтни ўз ичига сидирган туркий ғазаллардан тузилган туркий девони — «Хазойин улмаоний»га болалик, йигитлик, ўрта ёш ва, ниҳоят, кексалик даврида ёзилган ғазаллари тартиб берилган.

Навоийнинг яна бир буюк асари «Мезон ул-авzon» рисоласи ҳам туркий тилда аruz вазни ҳақида ёзилган бўлиб, шоирнинг шеър санъати борасида юксак маҳоратга ҳамда чукур билимга эгалигидан далолат беради.

Алишер Навоий форсий тилда яратган қасида ва ғазаллар ҳам олти минг байтни ташкил этади.

Хондамир шоир асарларининг шуҳрати ҳақида шундай ёзади: «Фоятда очиқ ва енгиллиги, ажойиб маънолар билан безалиши, сўз бойлиги ва бетакаллуфлиги, зўракиликнинг йўқлиги орқасида, оз муддатда бу бадиий байтлар ва тўла зийнатли назмларнинг латифлик ва нозиклик шуҳрати шундай даражага етдики, дунё

теварагидаги мамлакатларнинг подшоҳлари атайлаб Ҳирот пойтахтига сухандон элчилар юбориб, санъатнинг нишонли кулиётларини талаб қиласидар.

Юқоридаги асарлар билан бирга, шоирнинг «Мажолис ун-нафоис» асарида Шоҳруҳ мирзо подшоҳлиги давридан ўз замонасига қадар етакчи шоирлар ва олимларнинг сифатлари тавсифланган. Шу билан бирга, иккита қисқача тарих китоби: «Тарихи анбиё ва ҳукамо», «Тарихи мулуки ажам» асарларини ҳам ёзганки, бу китобларга улар ҳақида ҳикоялар, ривоятлар ҳам киритилган.

Алломанинг яна бир асари «Хамсат ул-мутаҳайирин» китоби бўлиб, унда «Насрларининг ёрқинлиги ва назмларининг нозиклиги»дан барча ҳайратта тушган. Мазкур асарда Жомий ва Навоийнинг ўзаро муносабатлари баён этилган. Бундан ташқари, шоирнинг турли одамларга туркий тилда ёзган мактублари ҳам рисола шаклида тўплланган.

Навоийнинг яна иккита «Ҳолоти Сайд Ҳасан Ардашер», «Ҳолоти Паҳлавон Мұҳаммад» асарлари ҳам туркий тилда тартиб берилган.

Ҳаётининг сўнгти йилларида яратган «Маҳбуб ул-қулуб» асари эса соғ таълимий-ахлоқий асар бўлиб, турли табақадаги кишиларнинг одоб-ахлоқига бағишиланган. Ҳозирги даврда ҳам педагогик дарслик сифатида катта аҳамиятта эга.

Навоий Ҳусайн Бойқаронинг хизматида — амирлик лавозимида турганида ҳам ҳокимиятни адолат ва инсоғ билан бошқаришда подшоҳга маслаҳаттўй бўлди. Лекин амирлик мансабидан истеъро бериб, ўз умрини ижодий иш ва халқ фаровонлиги йўлида хизмат қилишга бағишилашга бел боғлади. Ҳусайн Бойқаро Астрободга ҳоким қилиб юборганда ҳам бу ерни бир йил давомида обод этиб, адолат билан иш юритади. Лекин икки йилдан сўнг ҳукумат ишларидан «етак йиғиштириб», яна Ҳиротга

қайтади. Энди у фақат ижод ва хайрия ишлари билан шуғулланиб, «Насойим ул-муҳаббат», «Лисон ут-тайр» асарларини яратади.


Алишер Навоий табиатан меҳр ва марҳаматда, карам ва саҳоватда, камтарликда тенги йўқ инсон эди. Бу борада «Макорим ул-ахлоқ»да қатор ҳикоятлар келтирилади. Масалан, унинг уруща асир тушган кишиларга марҳамати, Ҳирот халқини Хоразм вилоятига қўчиришни қисқартиришга эришиши, сафарда чодирига ин қурган күшнинг тухум очиб, болаларини учирма қилгунига қадар чодирни қўмирлатмаслиги, кийимига илашган чумолини уясига олиб бориб қўйиши, юксак лавозимга эришганда ҳам «ўзини туфроқ билан тенг тутиш»га доир ўтитлари, амирлик лавозимига тайин этилганда муҳр босиш маросимида энг қўйига — ундан пастга ҳеч ким муҳр босолмайдиган жойга муҳр босиши, буларнинг барчаси унинг инсонийлиги намунасиdir.

«Макорим ул-ахлоқ»да буюк аллома ҳақидаги латифа ва мутойибалар ҳам берилиб, уларда Навоийнинг нақадар зукко, ҳозиржавоб ва катта ақл эгаси, шу билан бирга, юксак маънавият соҳиби эканлиги кўриниб туради.

Асарда инсонни тўлқинлантирадиган воқеалардан энг муҳими — шоҳ ва амир ўртасидаги дўстликдир. Шунинг учун ҳам Навоийнинг вафоти Ҳусайн Бойқарони жуда катта қайфуга солади. «Султони соҳибқирон уч кунгача ул аҳли диллар бошлигининг уйида турди. Худойи ва хатм буорди. Шунинг билан нур сочувчи зотнинг мозори бошига бориб зиёрат шартларини бажо келтириди. Бироқ саодатли соҳибқироннинг катта бир чақириқ ўтказиш унинг равшан хотиридан ўтди... Мазкур ойнинг 23-чисида панҷшанба куни улуғ машойихлар, баланд даражали сайдлар, олимлар, фозиллар, бошлиқлар, катталар ва ҳукумат кишилари ва бошқаларни Сарихиёбон (катта ва кўпчилик зиёфати учун қурилган подшоҳлик боғи) даласига чакирди

ва буюк аллома хотирасига багишлаб маросим ўтказди».

Асрлар оша Навоий сиймоси катта ва кичикнинг хотирида бир умрга сақланиб қолмоқда. «Макорим ул-ахлоқ»ни қайта-қайта ўқир эканмиз, бу буюк зотнинг ҳақиқий маънавий юксак инсон — «авлиёлар авлиёси» эканлитига яна ва яна иқрор бўлаверамиз.



Поён РАВШАНОВ,  
Ўзбекистон Республикасида  
хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси

**Садоқат тимсоли**

Давр ва шахс боғлиқлиги ҳамиша қизиқишишларга сабаб бўлиб келган. Хусусан, Темурийлар ва Алишер Навоий муносабатларини билишга бўлган интилишлар улуғ шоир ҳаётлиги пайтларидан бошланган эди.

Алишер Навоийнинг ўзи «ота-онадан етти пуштгача» Ҳусайн Бойқаро хонадонининг самимий хизматчиси эканлигини таъкидлаб, «шу остананинг хокбези» — яни отаси, «шу саро бўстон канизи» — онаси янглиғ, гар булбул, гар зор бўлсин, ўзи ҳам шу гулшану боғда мақом топишини айтади.

Алишер Навоий ҳазратлари ота-онаси, қариндошлари ва ўзи ҳақида асарларида деярли маълумот бермайди. Унга замондош бўлган муаррихлар Темурийлар ва Алишер Навоий хонадонининг яқинлик даражасини, эътибор берилса, айтиб ўтганлар. Масалан, Мирхонд «Равзат уссафо» китобида «Амирнинг (Алишер Навоий) улуғ ва саховатли бобоси аввал замон тақозосига кўра, Амир Темур Кўрагоннинг ўғли Мирзо Умаршайх баҳодирнинг хос мулозимлари қаторидан жой олиб, эътибор қаламини унинг бисот лавҳига кўкалтошлиқ даражасини ёзган эди», деб қайд этади.

Тарихий маълумотлар Алишер Навоий аждодларининг Темурийларга яқинлик даражасини кўкалдош (кўкалгош, эмукдош, кўкракдош) нисбаси билан боғлайди. Бир онани эмиш, бир кўкрак сутидан баҳраманд бўлиш — сут қариндошлиқ ҳисобланади. Сут қариндошлиқнинг ибтидоси Амир Темур ҳазратларининг тўнғич ўғли, 1354 йилда Кеш — Шаҳрисабзда таваллуд топган Умаршайх Мирзо билан боғланади.

Темурбек 18 ёшга тұлғанда Умаршайх Мирзо туғилған. Унинг онаси амир Жоку Барлоснинг қизи Нурмиш Оғо әди. Амир Жоку Барлос шажараси ҳам Темурбекнинг улуғ бобокалони Қорачор нүёнгә бориб тақалади. Жоку авлоди Қашқа воҳасининг қуий қисмини идора этиб келған. «Малфузоти Темурий»да Темурбек томонидан «Амир Жокуи Барлоснинг қизини отам манга номзод қылды. Чун ул ҳам оламдин риҳлат қылды», дейилади. Англашиладики, Нурмиш Оғо Умаршайх Мирзони дунёга келтириб, бу ёруғ оламни тарк этган. Ёш гүдак тарбияси билан ким шугулланған бўлиши мумкин? Умаршайх Мирзо туғилған вақтда мўғулларга қарши кураш давом этаётган, Темурбек ҳам ватанпарварлар сафида, уларнинг етакчиларидан бирига айланған әди. Чақалоқни боқиши Темурбекка ёки Нурмиш Оғога яқин қариндош бўлған эмизикли аёлга топширилған. Биз исми шарифасини билмайдиганимиз бу аёл Алишер Навоийнинг момоси әди. У ўз ўғли билан бир қаторда Умаршайх Мирзони ҳам эмдирған, улгайтирган.

Умуман, Темурийлар ва Навоийлар хонадонлари ўртасида бир ярим аср давом этган яқин алоқалар, қариндошлиқ даражасига кўтарилған муносабатлар, ҳақиқатан, ҳайратомуздир. Бу яқинлик пойdevori садоқатдан тикланған әди. Ота-боболари қатори шоирнинг тоғалари, амакилари ҳам улуғ салтанат сиймоларига хизмат қилғанлар. Шоирнинг ўзи болалик дўсти, ҳамсабоги Султон Ҳусайн Бойқаро тожу тахти пойдорлиги, равнақи йўлида силқидилдан кўмак йўлини тутган.

Хондамир бу ҳақда «хеч бир ишга давлатли амирнинг (Алишер Навоий) фикрисиз ва маслаҳатисиз дахл қилмас эдилар», деб ёзади.

Бундай мисолларни истаганча келтириш мумкин. Булардан кўринадики, улуғ шоир сўнгти нафасига қадар болалик дўсти Султон Ҳусайн Мирзога содиқ қолади. Қаттиқ ва мушкул синовлардан ўтган бу дўстлик ҳар қандай қариндошлиқдан устун турар әди.

Салима МИРЗАЕВА,  
филология фанлари доктори, профессор

## Истеъдодлар ҳомийси

Навоийдаги зийраклик, хушёрлик каби фазилатлар барча замондошлари учун ибрат бўлгулилк эди. Унинг энг юксак фазилатларидан бири адолат билан иш кўриши, доим ҳақиқат ва эзгулик учун курашиши эди. Айниқса, шоирнинг ободончилик, илм-фан ривожи борасида олиб борган ишларининг қиёси йўқ.

Алишер Навоий китобни жуда қадрлаган. Буни унинг Хиротда солдирган «Унсия» биноси мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Бу бинода Навоий ўзи яшаган ҳамда мукаммал кутубхона барпо эттирган. Ундан барча илм ва санъат аҳли фойдаланарди. Мирхонд ва Хондамир каби тарихчилар ўз асарларини шу кутубхонада ёзганлар.

Энг муҳими, Алишер Навоий қўплаб истеъдодли ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратди. Машхур тарихчи Хондамир, хаттот Султон Али, мусаввир Беҳзод ва бошқалар Алишер Навоий ҳомийлигига камолга етдилар.

Зайниддин Восифий «Бадоеъ ул-вақое» асарида: «Султон Ҳусайн кўнгилхушлиги учун сехрофарин мусаввирлар ва услуби гўзал нақошларни аъло даражада пойтахтида сақлаб, уларга зўр илтифот кўргузди», деб ёzáди. Улар орасида Шоҳ Музаффар, Қосим Али, Мавлоно Ҳаким Муҳаммад каби истеъдодли мусаввирлар бўлган.

Беҳзоднинг Саъдийнинг «Бўстон» асарига ишлаган миниатюраси, Низомий Ганжавийнинг «Хамса»сидаги «Лайли ва Мажнун», Хисрав Декъавийнинг «Мажнун ва Лайли» асарларига ишланган миниатюралари унинг ниҳоятда моҳир мусаввир эканлигидан далолат беради. Бу асарлар ниҳоятда мукаммал, нафис ва нозик, ранглари


ёрқин, жозибадор, композицияси мураккаб ва эркин, манзара ишонарли ҳамда таъсирчан.

Ўз замонаси ва ундан кейинги даврларда яшаган тарихчи, шоир, мусаввир ҳамда бошқа санъат муҳлислари Беҳзод ижодига катта баҳо берганлар. Тарихчи Хондамир «Ҳабиб ус-сияр» асарида бундай деб ёзган: «Камолиддин Беҳзод ажойиб ва гаройиб суратларни зоҳир қилувчи, ҳунар нодирликларини бунёд этувчи, Моний каби сурат чизувчи, мўйқаламли, олам мусаввирлари асарларини йўққа чиқарувчи ва мисли йўқ бармоқлари билан одам ҳунармандлари тасвиirlарини маҳ қилувчиidir...»

Ғарб олимлари Беҳзодни Уйғониш даврининг буюк санъаткорларидан бири Рафаэлга тенглаштирадилар. Бу бежиз эмас, албатта. Боиси, Беҳзод асарлари, яъни унинг мўйқалам билан яратилган миниатюралари жаҳоннинг буюк рассомлари асарлари билан бир қаторда туради. Зеро, кўп кишилик саҳна манзараларининг ниҳоятда ёрқинлиги, ҳаракатчанлик, жўшқинлиги билан Беҳзод ижоди Европадаги манаман деган буюк рассомларнинг ижодий анъаналарига ҳамоҳангидир. Албатта, бунда, шубҳасиз, Алишер Навоийнинг хизматлари жуда катта. Агар Навоий ҳазратларининг эътибори бу ўсмирга тушмагандა, балки у жаҳонга машҳур Беҳзод бўлолмасми?

Алишер Навоий умрининг охиригача сермаҳсул ижод қилиш билан бирга, қатор мадраса, кутубхона, шифохона, ҳаммом ва шунга ўхшаш бинолар солдирди. Кўплаб ободончилик ишларига бош-қош бўлди. Олимлар, шоирлар, тарихчи ва мусаввирларни катта-катта асарлар яратишга даъват этди, уларга ҳар томонлама ёрдам берди. Ўзи ҳам бу борада алоҳида ибрат кўрсатди. Шунинг учун ҳам Бобур Мирзо ўзининг «Бобурнома» асарида: «Аҳли фазл ва аҳли ҳунарга Алишербекча мураббий ва муҳаввий маълум эмаским, ҳаргиз пайдо бўлмиш бўлгай», деб ёзган эди.

Хуллас, буюк мутафаккир, серқирра истеъдод соҳиби Навоийнинг юксак фазилатлари биз учун бугунги кунда ҳам барча соҳада ҳаёт мактаби бўлиб хизмат қилиши, ўлмас, бетакрор асарлари эса озод ва обод Ватанимизда ноёб истеъдод соҳибларини тарбиялашда муҳим омил вазифасини ўташи, шубҳасиз.



Сайдбек ҲАСАНОВ,

филология фанлари доктори, профессор

### «Сабъаи сайёр»да ранглар жилоси

Сўз санъатида турли рангларни эстетик мақсадларда ифода қилиш шоирдан алоҳида истеъод ва катта маҳорат талаб этади. Шу жиҳатдан Алишер Навоийнинг шеърияти, хусусан, унинг «Сабъаи сайёр» достони ўзбек адабиётида муҳим ўрин эгаллайди.

«Сабъаи сайёр» достонида ранглар тимсоли Баҳром, Дилором ва етти ҳикояга кирган образларни яратища мұхим бадиий воситалардан бири вазифасини бажарган ва асар мазмунини янада чуқурроқ ифодалаш учун хизмат қиласи. Рангларнинг жилолари, айниқса, достонга кирган етти ҳикояда ўзининг сезиларли ўрнини эгаллаган.

«Сабъаи сайёр»нинг ҳикоялар қисмидаги биринчи иқлимдан келган дарвеш Қора қасрда шанба куни Баҳромга Ахий билан Фаррух ҳақидаги афсонани гапириб беради. Қора ранг билан шанба куни ва Зуҳал (ёки Кайвон, Сатурн) сайёраси боғланиб, қасрнинг ранги, Баҳромнинг юриш-туриши ва ўша кунги барча воқеалар қора ранг билан тасвириланади.

Бу ҳикояда шоир чукур қайғудаги Баҳромнинг руҳий ҳолатини тасвирилаш учун ҳамма воқеа ва ҳодисаларни қора рангга бўяйди...

*Бошиға солиб ул қора гесу,  
Ҳар туки сою бир қора қайғу.*

Хатто шеъриятда ижобий маънода қўлланиб келинадиган «Қора гесу» (қора соч) каби сўз бирикмалари ҳам салбий мазмунда ишлатилиади.

Алишер Навоийнинг «Сабъаи сайёр» достонида якшанба

кун воқеаларидә ҳаммаёқ сариқ либосга бурканганлиги таъкидланмоқда. Сариқ рангнинг олтин билан ҳамоҳанг бўлиб товланиши бир неча марта алоҳида қайд этилган. Бунинг асосий сабаби, Баҳромга сўзланган иккинчи ҳикоянинг мазмуни олтин билан боғлиқдир.

Олтин ранг Навоий талқинида тиниқдик, хурсандчилек ва олижаноблик рамзиdir. Олтин рангининг, бир оз бўлсада, ўзгариши унинг олижаноблик мазмунини бузади, шармандалик ва нафрат уйғотувчи рангта айлантиради. Олтиннинг шундай мазмунда ишлатилганлигини Зайд Заҳобнинг фирибгарликларидан яққол кўрамиз.

«Сабъай сайёр» достонининг учинчи куни, яъни душанба куни.

Бу ерда энди ҳамма нарса яшил рангда ифодаланган. Баҳромнинг қадамранжида қылган жойи Яшил қаср. Учинчи иқлим шоҳи томонидан қурилган. Бу иқлим ҳомийиси яшилранг нур таратувчи ойдир. Душанба куни ҳам унинг номи билан боғлиқ. Қасрдаги маликанинг кўриниши, кийган либослари яшилдир. Унинг қомати ҳам сарв дараҳти сингари яшил.

Баҳром ҳам яшил рангта кирган. Шароб бадиий восита орқали яшил рангга ўхшатилган. У яшилранг билан жилоланадиган зилол сувга қиёсланади. Жом ҳам яшил, зумрад рангиди. У Хизр ичган ҳаёт булоғига ўхшатилади.

Баҳром сешанба куни тўртинчи қасрда вақтини ўтказади.

Бу ерда ҳамма нарса қизил ранг орқали ифодаланган, қизил рангта хос бўлмаган сўзлар ҳам қизилга мослаб тасвиirlанган. Баҳром дам оладиган жой — Қизил қаср. Тўртинчи иқлим шоҳи томонидан қурилган. Бу иқлим қизил рангли сайёра Баҳромга мансуб. Марс сешанба куннинг ҳомийиси ҳисобланади.

Алишер Навоий «Сабъай сайёр» достонининг кейинги ҳикояси чоршанба куни билан боғланган.

Бу ўринда шоир ҳамма воқеа ва ҳодисаларни қўқ ранг

билан безайди. Қаср кўк, унинг тумбази ҳам мовий. Бешинчи иқлиминг ҳомийси Меркурий сайёраси бўлганлиги учун у ҳам кўк. Чоршанба кунининг рамзий ранги кўк. Баҳром кўк қасрга мовий ранг либос кийиб киради. Унинг атрофидаги ҳамма нарсалар ҳам кўк рангда. Кейинги кун ҳикоясини Навоий сандал қасрида гапиради:

«Пайшанба куни Баҳромнинг сандал осо хильята билан гулшани сандал бўйда ором тутуб сарви сандал насим билан бодаи сандали шамим ичмак ва ул сандаллар лахлахасидан димоги муаттар бўлуб кўзи уйқу майли қўлмоқ».

Сандал ҳиди таралиб турувчи гулшан олтинчи иқлим шоҳи томонидан қурилган Сандал қасрдир. Бу иқлиминг ҳомийси Юпитер сайёрасидир. У пайшанба куни билан боғланган. Баҳром ҳам мана шу сандал рангига мослашиб кийинган. Ҳатто Баҳромнинг руҳий ҳолати ва воқеаларнинг кечиши ҳам сандал рангига ҳамоҳангдир.

Еттинчи — оқ рангта бағишланган бобнинг сарлавҳаси қуидагича ифодаланган:

«Одина куни Баҳромнинг кофурний асвоб била зулфи кофурний либос била таҳти тож узра жоми биллуридан бодаи кофур мижоз ошом қилғони ва ул кофур корликдин ҳижрони ўти таскин топиб ўз физолай мушкбуйидин хабар топқони».

Алишер Навоий оқ ранг орқали Дилоромнинг Баҳромга бўлган пок севгисини тасвиirlайди.

Хулоса ўрнида айтганда, ранглар тимсоли асарнинг бошланишидан то охиригача маълум эстетик тартибда баён этилиб, мақсад бадиий воситалар орқали янада чукур қилиб ўқувчига тақдим этилган.

## «Маҳбуб ул-кулуб» тариҳи

Бу асар Алишер Навоийнинг умри охирида (1500-1501 йилларда) ёзилган. У муаллифнинг ғоят мазмуни ва сермашаққат ҳаёти давомида тўплаган бой тажрибаси ва хулосаларининг йиғиндисидир.

Навоий мазкур асарни яратишда кўзланган мақсади ҳақида асар муқаддимасида шундай ёзади: «... болаликдан то қарилликка қадар кўхна даврон воқеаларидан, айланувчи осмон ҳодисаларидан, фитна кўзговчи дунё буқаламунлигидан — товламачилигидан замонанинг ранг сингари гуногунлигидан кўп вақт ва узоқ муддат ҳар хил хаёл ва тараддуллар билан дайлиб юрдим, ҳар товур ва равишида бўлдим ва турли йўлларга кирдим, яхши-ёмоннинг хизматини қилдим, катта-кичикнинг сухбатида бўлдим, гоҳ хорлик ва қийинчилик вайронасида нола қилдим, гоҳо иззат ва маъмурлик бўстонида мажлис курдим... Йўқсуллик ва камбағаллик пайтларимда, фалокатли замонларда ва ноумид юрган пайтларимда баъзан илм-фан мадрасаларида куйи сафлардан жой олдим ва олимлар мажлисида илм нуридан кўнглимни ёритдим... Мақсадим шуки, ҳар йўлда юрдим, оламда бўлмиш ҳар навъ одам билан кўришдим, катта-кичикнинг феълу

авторини ўргандим, яхши-ёмоннинг хислатларини тажрибадан ўтказдим, яхшилик ва ёмонликларнинг шарбатини ичib, захрини тотиб кўрдим. Бахил ва пасткашларнинг захмини, саховатли кишиларнинг малҳамини кўнглим дарҳол сезадиган бўлиб қолдим. Шу жиҳатдан, ҳамсуҳбатларни ва дўст-ёронларни бу ҳоллардан огоҳ ва хабардор қилимоқ вожиб кўринидики, токи уларда ҳам ҳар тоифанинг хислати ҳақида билимлар ва ҳар бир табақанинг аҳволи ҳақида тушунчалари бўлгай...».

Кўринадики, Навоий бу асарида ҳам инсон ҳақида қайфуради. Унинг дардини чекади, инсонийликка ярашадиган фазилатларни мадҳ этади, унга зид бўлган иллатлардан нафратланади. Бинобарин, инсонпарварлик, халқпарварлик бу асарнинг асосий гоясиидир.

Сулаймон ИНОЯТОВ,  
филология фанлари доктори, профессор

### Бебаҳо ҳазина

Президентимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида маънавиятни шакллантирадиган мезонлар ҳақида шундай дейилган: «Ўзбек ҳалқи маънавий дунёсининг шаклланишига ғоят кучли ва самарали таъсир кўрсатган улуг зотлардан яна бири — бу Алишер Навоий бобомиздир. Биз унинг мўътабар номи, ижодий меросининг боқийлиги, бадиий даҳоси замон ва макон чегараларини билмаслиги ҳақида доимо фахрланиб сўз юритамиз».

Чиндан ҳам, Навоийнинг қайси бир асарини мутолаа қилсан, бебаҳо битикларда инсоний туйғулар, эзгу фазилатлар, ободончилик ва бунёдкорлик ҳақидаги фикрлар мужассамлашганини англаймиз.

Ҳазрат Навоий юрт тинчлиги, Ватан ободлиги, ҳалқ фаровонлиги учун ёшларни билим олишга, меҳнат қилишни ўрганишга даяват этиб, бу комилликка элтувчи куч эканини уқтиради. Улуг мураббий барча асарида ёшларни баркамолликка эришиш ва бунинг учун илм олишга чорлайди:

*Йигитликда ўиф илмнинг маҳзани,  
Қаралиф ҷори сарф қилғил ани.*

Ёшлиқда эгалланган билим тошга ўйилган нақш каби мустаҳкам бўлиши — бу ҳаётий ҳақиқат эканлиги барчага маълум.

Алишер Навоий фарзанд тарбиясида, келажакни давом эттиришда ота-онанинг ўрни бекиёс эканлитини алоҳида таъкидлаб, ота ва онани ой билан куёшта ўхшатади, уларнинг хизматини қилиб, иззат-хурматини жойига қўйган фарзанд баҳтли-саодатли бўлишига ишора қиласди. Бу хусусда «Хайрат ул-аброр»да қўйидаги сатрларни битали:

*Бошини фидо айла ато қошиға,  
Жисмни қил садқа ано бошиға.  
Икки жаҳонингга тиларсан фазо —  
Ҳосил эт ушбу икисидин ризо.  
Тун-кунунгға айлагали нурфош,  
Бирисин ой англа, бирисин қуёш.*

Алишер Навоий «Ҳайрат ул-аброр» достонида отонанинг фарзанд олдидаги бурч ва вазифалари хусусида тўхталиб, аввало, фарзанд дунёга келгач, ота-она унга муносиб ном кўйиши керак, дейди. Қолаверса, таълимтарбия бериш учун муаллим чақириши, шунингдек, болага меҳр кўрсатиши лозим. Ота-оналар фарзанд тарбияси учун масъулдирлар ва азалдан улар ўз бурчларини амалда бажариб келганлар. Ота-она фарзанд дунёга келган кундан бошлаб уни меҳр билан парвариш қилиб, илмли, маърифатли қилишга интилади. Бор кучкүвватини, қудратини — борини фарзандининг Инсон бўлиши учун сарфлайди, дея изоҳлайди.

Айтиш жоизки, Алишер Навоий қаҳрамонлари ёш авлодга барча соҳада ибрат мактабидир. Айниқса, шоир номини улуғлаб келаётган, мустақиллик фарзанди бўлган вилоятимиз йигит-қизлари бир пайтлар күш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган Қизилкум саҳросини обод воҳага айлантиришта муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Мухтасар айтганда, Навоийнинг эзгу истаклари мустақиллик туфайли рӯёбга чиқди. Бугун ҳазрат асарларига тамомила бошқача меҳр-муҳаббат, ҳурмат-эҳтиром билан қаралмоқда. Ўзбек халқининг ҳар бир фарзанди, республикамиз фуқаролари унинг асарларини севиб ўқиб-ўрганмоқда, улардан таълим-тарбия оляяпти. Зотан, ул табаррук зотнинг битиклари ёшларимиз учун бебаҳо хазинадир.

**Дилором САЛОХИЙ,  
филология фанлари доктори, профессор**

## **Навоий ва Самарқанд**

Рубъи маскуннинг сайқали, дея таърифланмиш азим шаҳар Самарқанд тарихимиизда ўтган кўпгина мутафаккирлар тақдиррида ёрқин из қолдирган. Қадимул айёмдан, милоддан аввалти VIII асрлардан бўён бу муқаддас юртга қараб йўл олган илм ва маърифатталабларнинг, устоз ва муршидталабларнинг қадамлари тингани йўқ. Шеърият мулкининг соҳибқирони Амир Низомиддин Алишер Навоийни ҳам ҳаётининг энг масъулиятли даврларида шу шаҳар меҳр билан ўз бағрига олган эди. Бунинг натижаси сифатида эса Самарқанд бир умр шоир қалбидаги нодир инжудек таассурот қолдирди, дилбар инсонларининг сиймоси эса ширин хотира бўлиб муҳрланиб қолди.

Алишер Навоий Мовароуннахрнинг маркази бўлмиш Самарқандни жаннатларга тенглаштириб «Самарқанди фирдавсмонанд» деб атайди. Унинг тасаввурида Самарқанд — жаннат, атрофидаги ариқлар ҳам жаннат ариқлари. Руди Кўҳак (Зарафшон дарёсининг) суви асал билан тенгдир. Бу сув беморни даволайди. Ундан бутун Самарқанд водийиси баҳраманд бўлади. Самарқанддаги Кўҳак (Чўпон ота тепалиги) жаҳон хазинасининг тилсимогидир. Ундаги ҳатто «ушоқ тошлар» ҳам «лаълу инжу» билан тенгдир, ўт-ўланларнинг ям-яшил ранги мовий осмонни эслатади.

Ҳазрат Навоийнинг 24-25 ёшларида Самарқандга қилган сафарлари, бу ерда кечирган ҳаётлари, бу сермашаққат, аммо фараҳли йилларнинг шоир кейинги ижодларига таъсири масалалари самарқандлик олимлар томонидан анча муфассал тадқиқ этилган. Ўтган асрнинг ўрталарида академик Воҳид Абдуллаев улуғ шоиримизнинг

Самарқанддаги ҳаётлари ва фаолиятлари ҳақида фундаментал тадқиқот яратди. Бу тадқиқот бугунги қунга қадар ҳам ўзининг юксак илмий қимматини йўқотгани йўқ. Унинг навоийшуносликдаги аҳамияти шундан иборатки, буюк шоир ҳаёти даврининг Машҳад, Ҳирот (Самарқандга келгунга қадар), Астробод тафсилотлари муфассал ёритилмаган. Фанимиз бу соҳада умумий маълумотлар билан кифояланмоқда. Бунинг ўзига хос сабаблари ҳам бор, албатта. Навоий Машҳадда жуда ёшлик даврларида бўлган. Унинг бу ердаги фаолияти асосан ўқиш-ўрганишдан иборат бўлиб, уни қуршаган адабий-маърифий мухит ҳақида ўз асарларида маълумотлар қолдирган. Астрободда эса шоир бор-йўғи бир йил бўлган. Щунинг учун унинг бу давр ҳаёти тафсилотларини ёритишининг мушкуллик жиҳатлари бор. Самарқандда эса шоир онгли ҳаётининг энг жўшқин даври кечди. У бу ерга машхур шоир сифатида келади. Самарқанд ҳокими Аҳмад Ҳожибек Вафой уни ўз мартабасига муносаб тарзда иззат-икром қиласи, самарқандлик йирик олимлар унга дарс берганларида алоҳида эътибор билан муносабат кўрсатардилар. Аммо, энг мухим ва жиддий бир масала борки, бу Самарқанднинг ҳазрат Навоийнинг Машҳадда шайх Камол Турбатий, Паҳлавон Муҳаммадлар воситасида шакллана бошлаган фалсафий-маърифий, диний-тасаввуфий қизиқишилари бир ўзанга тушишига йўл очтан, бу соҳадаги дунёқарashi шаклланишига имкон яратган шаҳарлардан биридир. Академик Ботирхон Валихўжаевнинг илмий асосланган мантиқий хуносаларига кўра, ҳазрат Навоий Ҳиротдан чиқиб кетишини ният қиласи эканлар, қайси шаҳарни танлаш ўзларининг ихтиёрларида эди. Ул зот Камоли Турбатийдек, Паҳлавон Муҳаммаддек дўсту ёрлари бор бўлган ер Машҳадни танлашлари ҳам мумкин эди. Бунинг устига, шоир Ҳиротдан кетишини ният қилган пайтлари устозлари Сайидид Ҳасан Ардашер ҳам Машҳадда эди. Аммо,

Навоий Самарқандни танлайди. Чунки, бу ерда ақли камолга етган, қаламининг шуҳрати кенг ёйилган ёш шоирни меҳригиё сингари ўзига тортиб турған янги илм — илми ирфон дарғаси, муршиди комил Ҳазрати Носуриддин Хожа Убайдуллоҳ Ахорори Вали бор эди. Навоийнинг Самарқанддаги таҳсил йиллари, ул зотни курмаънавий, адабий муҳит, шоир ва Абуллайсийлар хонадони, шоирнинг машғулотлари ва билим доираси, адабий фаолияти, унинг Ҳиротга қайтиши ва Самарқанд билан доимий муносабатда бўлиши, Навоийнинг самарқандлик издошлари каби мавзулар академик В. Абдулаев илмий тадқиқоти ва «Навоий Самарқандда» деб номланган монографиясида кенг таҳсил этилган бўлса, кейинги йирик навоийшунос олим Б. Валихўжаев шоир фаолиятининг янги тафсилотларига аҳли илм эътиборини тортиди. Олим Навоийнинг шайх Хожа Ахорори Вали назарига тушиши, унинг илтифотларига мушарраф бўлиши, йирик фақих Хожа Фазлуллоҳ Абуллайс Самарқандий ва унинг оиласи билан муносабатлари, Самарқандда яратилган ёки бу шаҳар билан боғлиқ асарлари хусусида фикр юритади. У ўзигача яратилган тадқиқотларни тўлдиришга, янги илмий фактлар билан бойитишга интилар экан, шоирнинг нақшбандия тариқатига расман кириши ҳам Самарқанд билан бевосита боғлиқ эди, деган фикрни ўртага ташлайди. Унинг кузатувларига кўра, шоир ўзининг пири, шайх Нуриддин Абдураҳмон Жомий билан ҳам Самарқанд сафарида, карвон йўлларида учрашган эди. Олим Навоийнинг самарқандлик ёру биродарлари, энг қадрли ҳамсабақ дўстлари билан муносабатларини ҳам назардан қочирмайди, Навоийнинг Самарқандда ёзилган

Кўкрагимдур субҳанинг пироҳанидин чокрок,  
Кипригим шабнам тўкилган сабзадин намнокрок.

Матлаи билан бошланувчи ажойиб дилтортар ғазали ҳақида қизиқарли маълумотлар келтиради.

Шоирнинг зулқофиятайн санъати билан дарж этилган, ўткир фаҳм-фаросати билан «саромади замона» саналган дўсти Мирзобек хотирасига ёзиб тутатилган

*Кўзунг не бало қаро бўлубтур,*

*Ким жонга қаро бало бўлубтур*

деб бошланувчи ғазали ҳам Самарқанддаги ижодиёти намуналаридан биридир. У дўсти қалами натижаси бўлган мазкур матлаъни унинг хотирасини абадийлаштириш учун тўлиқ ғазал ҳолига келтирганлиги ҳақида «Мажолис уннафоис» тазкирасида маълумот беради.

Навоийнинг Самарқанддаги абадий-илмий фаолияти ҳали жуда кўп тадқиқотлар мавзуси бўлиши мумкин. Навоийшунослик соҳасида изланишлар олиб борувчилар шоирнинг бу ерда аниқ ва табиий фанларни ўрганиш бўйича қўлган саъй-ҳаракатлари, қизиқишилари доираси ҳақида чуқурроқ фикр юритмоқлари, унинг мактуботи (ёзишмалари) даги Самарқанд билан боғлиқ тафсилотларга аниқлик киритишлари, Самарқанддаги қадамжолари харитаси хусусида ўйлаб кўрмоқлари лозим кўринади. Шоир шеъриятида осмон жисмлари, сайдералар билан боғлиқ чуқур илмий мулоҳазалар кўзга ташланади. Бу унинг Мирзо Улугбек расадхонасида олган таълими самаралари эмасмикин? Шоир асарларида қимматбаҳо тошлар, жавоҳирлар ҳақида ҳам теран илмий тушунчалар, ташбеҳлар, бадиий лавҳалар учрайди. Бу бевосита Навоийнинг бирор жавҳаршунос устози ҳам бўлгандир, деган тасаввур уйғотади.

Бу каби қатор саволларга жавоб топиш учун ҳали самарқандлик толиби илимлар ихлос билан жуда кўп изланишлар олиб боришлари лозим.

Алишер Навоий Самарқандни ўзи учун камолот даргоҳи, деб билди. У Самарқандда бўлганидан фаҳранар ва жону

дили билан севган бу шаҳар анъаналарини умр бўйи ҳамма ерда топишни орзу қилас эди. В. Абдуллаев қайта-қайта таъкидлаганидек, «унинг онгида умр бўйи хаёлдан учмайдиган бир муборак ният пайдо бўлди, у шундан иборат эдики, Самарқанд ўз салобати билан ҳунармандчилик, меъморчиликнинг бебаҳо санъат ажойиботлари мужассамланган шаҳар экан, бу шаҳарнинг хуснига дод туширмаслик, уни янада обод этиш, иложи бўлса, бу ўлканинг ҳам, Хуросоннинг ҳам шаҳарларини яна шу шаҳарга ўхшатиб безатиш, обод этиш мақсади эди».

Самарқанд ҳам башарнинг покиза фарзанди Алишер Навоийни навқирон йигитлигига қанчалик катта меҳр билан ўз бағрига олган бўлса, унга, унинг ҳалқпарвар ижодига боқий ихлос ва садоқат кўрсатиб келди. XX аср бошларида йўлга чиққан «Самарқанд навоийшунослик мактаби» деб номланмиш зўр нурли карвон зам-зама билан йўлида давом этмоқда. Унга йил сайин умидли янги кучлар, ёрқин истеъодлар кўшилмокда. Қадимий маърифат бешиги, қарийб тўрт юз йиллик мустаҳкам пойdevорга эга бўлган Самарқанд давлат университети буюк мутафаккир номини муборак муҳрига туфро қилгандир. Унинг энг кичик талабасидан тортиб мўйсафид профессорига қадар Ҳазрат Навоий номларини эҳтиром билан тилга оладилар. Эзгуликнинг боқийлигига бир мисол шу эмасми?!

Шундай экан, Навоий ва Самарқанд мавзуси ҳам боқий бўлиб қолаверади, унинг бебаҳо ижодиёти хазинаси дурдоналари у севган ва ардоқлаган юрт фарзандлари томонидан каашф этилаверади.

**Акмал САИДОВ,  
юридик фанлар доктори,  
профессор**

### **Адолат тушунчаси — Алишер Навоий талқинида**

Мустақиллик туфайли мамлакатимизда буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий ижодий меросини ўрганишнинг кенг уфқлари очилди. Бугунги кунда Юртбошимиз ташаббуси ва раҳбарлигига улуғ аждодимиз хотирасини юксак даражада эъзозлашга ва маънавий-маърифий меросини теран тарғиб этишга катта эътибор қаратилмоқда.

Ўз навбатида, янги давр воқелиги Алишер Навоийнинг халқимиз ва жаҳон маданияти, илм-фани ривожига қўшган улкан ҳиссасини янада кенг тарғиб этиш, ул зотнинг ижоди ва маънавий ҳаёти, давлат арбоби сифатидаги фаолияти ва адабий асарларини аслича, моҳиятини теран тушунган ҳолда тадқиқ, талқин ва ташвиқ этиш борасида юзага келган имкониятлардан самарали фойдаланишни тақозо этмоқда.

### **Навоий ва фикҳ илми**

Ҳозирги кунда биз Мир Алишер Навоийни улуғ шоир ва мутафаккир, давлат арбоби, илм-фан ва маданият, она тилимиз ва адабиётимиз ҳомийси, саховатпеша зот, авлиёлар авлиёси сифатида яхши биламиз ҳамда юксак қадрлаймиз. Ҳазрат ҳаёти ва фаолиятининг айни шу жиҳатларини атрофлича чуқур ўрганаётганимиз ҳам бежиз эмас.

Навоий серқирра ҳаётининг яна бир муҳим жиҳати борки, бу ҳам бўлса, ул зотнинг фақиҳлиги, яъни фикҳ илми билимдони эканидир. Тарихий манбаларга қараганда,

Алишер Навоий Самарқандда машҳур олим Ҳожа Фазлуллоҳ Абулрайс ҳузурида фикҳ илмидан сабоқ олган. Бу ҳақда шоирнинг ўзи «Мажолис ун-нафоис» асарида шундай ёзади: «Фақир икки йил аларниң қошида сабақ ўкуб эрдим, анча илтифотлари бор эрдиким, «фарзанд» дер эрдилар».

Мана бу байт Навоийнинг мазкур соҳага муносабатини, айтиши мумкинки, ғоят талабчан ва холис ёндашувини ўзида акс эттирган:

*Фиқҳро чун иллати макру ҳиял созад фақиҳ,*

*Не фақиҳ аст он, ки ҳарфи иллати фиқҳ андар аст.*

Мазмуни: агар фақиҳ (яъни, ҳуқуқшунос) фиқҳ (ҳуқуқшунослик фани) ни макру ҳийла қуроли қилиб олса, у фақиҳ эмас, балки фиқҳ касалига мубтало бўлган кишиидир.

Алишер Навоий фиқҳ бобидаги билим ва тажрибасини нафақат асарларида, балки давлат арбоби сифатида амалий фаолиятида ҳам изчил қўллаган.

Бир мисол. Навоийнинг ҳасби ҳолига оид маълумотлардан маълумки, у зот 1487-1488 йилларда Астрободда ҳокимлик қилган. Таниқли муаррих Мирхондинг ёзишича, «Астробод гулшани адолат хислатлик амирнинг келиши билан Эрам гулистонининг файратини келтирадиган бўлиб, Журжоннинг саййидлари, уламоси, эътиборли кишилари, фозиллари ул мақтовга муносиб сифатли амирнинг лутфу марҳаматлари билан фахр ва қувонч топдилар. Яна раъияти унинг адолату инсофининг баракоти билан зулму бедодлик зулматидан најот топиб, тинчлик ва омонлик, фарогат ва осудаликка эришдилар».

Шу маънода, Навоийнинг фиқҳ илмидан, адлу адолат, одиллик, ҳалқпарварлик, бугунги давр тили билан айтганда, ҳуқуқшунослик, қонунчилик, одил судлов соҳаларидан чуқур хабардор бўлгани, бу борадаги ҳуқукий

билим ва тажрибасидан ижод ҳамда амалиётда атрофлича фойдалангани айни чоғда бир қадар эътиборимиздан четда қолаётгандек, назаримизда.

### «Адл айлаки...»

Истиқлол туфайли шавкатли саркарда ва давлат арбоби — Соҳибқирон Амир Темурнинг «Куч — адолатда» деган ҳикматли сўзлари бизга ўзининг бутун мазмун-моҳиятини кенг очди. Президентимиз бу пурмаъно нақлни янада ривожлантириб, «Адолат — қонун устуворлигига», деб таъкидлар экан, худди шу ҳаётий тамойилга қатъий амал қилиб яшашимиз зарурлигини алоҳида уқтиради.

Айни вақтда эл-юртимиз демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидан босқичма-босқич, қатъий ҳамда изчил одимламоқда. Ҳар биримиз бу эзгу янгиланиш жараёнларининг қайсирид жиҳатдан бевосита иштирокчилари ҳисобланамиз. Зотан, Юртбошимиз таъкидлаганидек, «уз ҳаётимизни Ватан истиқболи, фаровон келажаги учун бағишлаб яшаш инсоний ва фуқаролик бурчимиздир».

Хўш, Алишер Навоий «адолат», «адл» тушунчалари ҳақида, демакки, «хуқуқий давлат», «адолатли жамият», «фуқаронинг ҳуқуқ ва бурчлари» хусусида нималар деган? Навоий асарларини мутолаа қилиш асносида, фикҳий атамалар улуғ шоир томонидан жуда кенг маъноларда, айни вақтда, ниҳоятда аниқ ва жуда нуктадонлик билан қўлланганини кўриш мумкин.

Масалан, Навоий «адл» сўзини адолат, одиллик, ҳақлик, тўғрилик, ҳаққонийлик, инсоф тушунчаларини англатиш учун ишлатса, ўз навбатида, «адолат» сўзини ҳаққоният, инсофлилик, шафқатлилик, одиллик маъноларида қўллаган. Эътибор қилинг, ушбу тушунчалар бугунги кунда адолат ва юксак инсонпарварлик негизида тубдан ислоҳ этилаётган мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизими

фаолиятиниң асосий мазмун-моҳияти билан том маънода уйғун ва ҳамоҳанг эзгу тамойиллардир!

Президентимизнинг шундай сўзлари бор: «Виждони уйғоқ одам ён-атрофида бўлаётган воқеаларга, ёрдам ва кўмакка муҳтож инсонларнинг муаммоларига, адолатнинг топталишига бефарқ қарай олмайди». Алишер Навоийнинг қуидаги рубоийсини ўқиб, бундан қарийб олти юз ийл илгари буюк бобокалонимиз ҳам айни шундай фикр юритганига гувоҳ бўламиз:

*Адл айлаки, ул халқ ҳаёти бўлмиш,  
Хуш ул киши ким, адл сифоти бўлмиш,  
Ҳам мулк била адл жиҳоти бўлмиш,  
Ҳам адл била мулк саботи бўлмиш.*

Мазмуни: Адолат айлаки, ул халқ ҳаёти шу асосга қурилган. Яхши киши адолатни касб қилиб олади. Ҳукмронлик адолат билан мустаҳкам бўлади, бинобарин, ҳукмронлик ва адолатни бирга олиб борган маъқул.

Навоий ҳазратларининг мана бу ҳикмати, фикримизча, юқоридаги мулоҳазаларни яна бор тасдиқлайди:

*Адолат қилурнинг тониб ҳолатин, Фузун қилсун элга адув олатин.*

Мазмуни: Мамлакатда адолат ўрнатмоқчи бўлган киши халқнинг душманга қарши мудофаа қуролини кучайтирсин.

Шу ўринда давлатимиз раҳбарининг «Инсон табиати ноҳақлик, зулмни қабул қилмайди», деган фикрини эсга олсак, бу ҳикматнинг асл моҳияти янада яққол намоён бўлади, деб ўйлаймиз.

Алишер Навоийнинг «Хазойин ул-маоний» асарида, бошқа асарларидаги қаби, «адл» сўзи ишлатилган мисралар кўп. Мана, шулардан бири:

*Мулку кишвар элига дод айла,  
Адл ила иккисини обод айла.*

Худди шу мазмундаги бошқа бир ҳикмат:

*Шоҳки, иши адл ила бунёд этар,  
Адли бузук мулкни обод этар.*

Бу мисралар мазмунини Юртбошимиз сўзлари билан мухтасар талқин этадиган бўлсак, «Халқ очликка, йўқчиликка, ҳамма нарсага чидаши мумкин, аммо адолатсизликка чидай олмайди».

### «Адл қасри»дан — «адл бўстони»гача

Алишер Навоийнинг қуйидаги байтда қўллаган «адл қасри» бирикмасига алоҳида эътибор қаратиш лозим:

*Зинҳорки, зулм ришиласини уз,  
Инсоф ила адл қасрини туз.*

Улуғ шоир асарларида «адл» сўзи иштирокида тузилган бундай ҳамоҳант сўз бирикмалари кўплаб қўлланилган.

Хусусан, «адл уйи» (адолат, ҳаққонийлик ўрнига қўйилган жой), «адл бўстони» (адолат боғи, адолатнинг гуллаб-яшнаши), «адл эшиги» (адолат, мурувват қилишга киришиш), «адл қуёши» (одиллик, адолатпешаликнинг порлоқ анъанаси), «адл қонуни» (адолат кўрсатмалари), «адл тариқи» (адолат йўл-йўриги), «адл занжири» (адолат силсиласи), «адл аёфи» (мурувват жоми; яхшилик; марҳамат, ҳаққонийлик нашъаси), «адл авзони» (ҳақиқат ўлчови, мезони), «адл жўйбори» (адолат қарор топиши, инсоф билан иш тутилиши), «адл бунёди» (адолатни тиклаш, ҳаққонийликни таъминлаш, одилона иш тутиш), «адл бозуси» (адолат қўли, ирода), «адл амри» (одиллик йўл-йўриги; одиллик кўрсатмаси), «анжоми адл» (адолат натижаси), «адл аҳли» (адолатлилар, одиллар) иборалари шулар жумласидандир.

## «Лисон ут-тайр» тарихи

Навоий «Лисон ут-тайр» достонини «Хамса»дан 14 йил кейин яратган. Бу асарини шоир «Фоний» тахаллуси билан ёзган. Чунки бу даврда унинг ҳаёти кексаликка юз ўтирган, аникроғи, бу дунёсидан кўпроқ у дунёсини ўйлай бошлаган эди. Ушбу асар болалигига севиб ўқигани — Фаридиддин Атторнинг «Мантиқ ут-тайр» («Кушлар тили») достонига жавоб тарзида, шоирнинг ўз таъбири билан айтганда, «таржима расми била» юзага келтирган шеърий мўъжизаси эди.

«Лисон ут-тайр» достони 100 минг байтдан иборат.

Нодира АФОҚОВА,  
филология фанлари доктори.

### «Жондин сени кўп севармен, эй, умри азиз...»

Ҳазрат Навоийнинг «Жондин сени кўп севармен, эй, умри азиз» деб бошланувчи рубоийси барчамизга ўқувчилик давримизданоқ яхши таниш. Унда шоир азиз умрни ҳаддан ортиқ («сондин сени кўп севармен...»), жондан ҳам, инсон севиши мумкин бўлган нарса-ҳодисаларнинг барчасидан ҳам кўпроқ севишини эътироф этади.

Албатта, ҳар қандай инсон учун энг олий қадрият — бу ҳаётдир. Мазкур шеърда ифода этилган эътироф, энг аввало, берилган умр учун шукроналик туйгуси, фурсатнинг ғаниматлигидан огоҳлантириш даъвати билан йўғрилган. Чунки инсоннинг асл фитрати ҳаётни севиши, ҳаётпарастлик билан зийнатланган.

Аммо ҳазрат Навоийдек комил шахс томонидан бу дунёда берилган ҳаётнинг ҳамма нарсадан баланд тургувчи қадрият сифатида баҳоланишида янаем чуқурроқ мазмун бор. Зеро, бизга берилган умр, тириклик — хайрли амаллар қилиш, жамиятга манфаат келтириш, эзгулик тарғиби, йўл қўйган хатоларни тузатиш, тавба қўлмоқ ва шукrona келтирмоқнинг биринчи шартидир. Бошқача айтганда, умр — бизга берилган имконият. Инсон ҳаётлигидагина дунёни яхшилик томонга ўзгартиришга қодир бўлади.

Орадан беш юз йилдан ортиқ вақт ўтганига қарамасдан, бу рубоий замонларда ўлчанмайдиган ўткир ҳақиқати билан қалбимизни чароғон этиб турибди. Зеро, ўзгалар учун қилинадиган ҳар қандай эзгу амал жамиятта фойда келтириш, ўз умрини қадрлашдан бошланади. Халқимиз шунинг учун ҳам «Ўз қадрини билмаган ўзга қадрини не билсин?» дейди.

Истиқтолга эришганимизга бу йил йигирма беш йил тұлади. Ифтихор этамизки, истиқтол азиз умримизни янада азиз құлди. Умр шаклида табиат берган имкониятта истиқтол берган имконияттар ҳам құшилди. Бутуннинг вазифаси — мамлакатимиз тараққиётини умумисоният тараққиётининг ажralmas бир бұлаги сифатида идрок этган ҳолда, манфаатларни, имконияттарни үйғуналаشتirmоқ, келажак наслларга озод ва обод Ватан қолдириш учун курашмоқдир. Бу эса, шубҳасиз, умри азизни қадрлашдан бошланади. Ҳазрат Навоий асарларида акс этган даъват ва ибратлар истиқтол ғалабаларини мустаҳкамлашда биз билан бир сафдадир.

### «... Тили поку сўзи поку ўзи пок»

Кўнгил, қалб, дил, ибрат назари, тақдир қаби тушунчалар ҳазрат Алишер Навоий талқинида ўзининг тўлиқ ва муқаммал ифодасини топган. Улуғ шоир кўнгил васфида бани башарнинг, жумлаи оламнинг кўнглини назарда тутади.

Халқимизда «кўнгилдагидек бўлди» деган ибора бор. Чунончи, бирор-бир ишимиз кўнгилдаги хоҳиш-истагимизга мос тарзда амалга ошса, шукrona айтамиз, миннатдор бўламиз. Бу ҳолатта эришмоқ йўлига ишора этиб, Навоий «Лайли ва Мажнун» достонининг 37-бобида шундай панду насиҳатларни баён қиласи:

Ҳар фисқ ҳаёли құлса хотир,  
Тенгрини бошингдә англа ҳозир.  
То борча ишиң дегандек ўлгай,  
Кўнглинг нечук истагандек ўлгай.

Яъни, ҳар қандай ёмонликлар хотирангта келса, Тангрини эсла, ёдингда тут, шунда барча ишларинг рисоладагидек — кўнгилдагидек бўлади. Навоийнинг бу ўтитика ўз даврида замондошлари қанчалик эҳтиёж сезган

бўлсалар, биз ҳам, қолаверса, келажак авлодлар ҳам бирдек эҳтиёж сезамиз. Чунки ўзининг, ўзгаларнинг кўнглини топиш, кўнгилдагидек ишлаш ва яшаш ҳар бир инсондан иймон-эътиқодли бўлишни, эзгу ишларга камарбасталикни талаб қиласи.

Навоий «Ҳайрат ул-аброр» достонининг «Кўнгул таърифидаким» номли бобида кўнгил ҳақидаги фалсафий, ҳаётий, диний, дунёвий, ақлий, нақлий фикрларни маснавий шаклида баён этади. Аслида ушбу достоннинг барча боблари муайян маънода инсон кўнглига қаратилганки, уларни ўқиб кўнглимиизга файзу илҳом, нур ва ғайрат, куч-куват инади. Қувонарли жиҳати шундаки, улуғ шоир ҳар бир бобда инсон қалбига йўл излайди, «ўз ва ўзганинг кўнглини асра, авайла», дея кўнгилга фараҳбахш лаҳзалар бағишлайдиган лирик лавҳаларни туҳфа қиласи. Кўнгил қўзини ножоиз хаёллардан, хатарлардан сақлашта ўргатади.

Кўнгил образига нисбатан шоир «сирлар бўстони», «жаннат иси», «илоҳий жилва чирогининг нури», «энг катта олам», «энг баланд осмон» каби ташбеҳлар қўллайди. Бу ташбеҳлар орасида, айниқса, «кўнгил — энг баланд осмон» ташбеҳи қадимдан мавжуд ва мақбул «Кўнгил қаноти — осмондан катта» ҳалқ мақолига жуда уйғун ва ҳамоҳангидир.

Кўнгилни Навоий Каъбанинг қадри-қиммати даражасидан юқори қўяди, зеро, Каъба саждагоҳ бўлса, кўнгил Оллоҳнинг жилваси зуҳурланадиган маскан эканлигини қуйидагича изоҳлади:

Айни назоҳатда бу аъзами жаҳон,  
Борча жаҳон аҳли кўзидин ниҳон.  
Каъбаки, оламнинг ўлуб қибласи,  
Қадри йўқ, андоқки, кўнгил каъбаси.  
Ким бу халойиққа эрур саждагоҳ,  
Ул бири Холикқа эрур жилвагоҳ.

Баъзи ўринларда Навоий бир кўнгилни ранжитмоқ Каъбани вайрон қўлмоқ билан баробардир, деган фикрни олға суради. Ўзи яратган образлари тасвирида кўнгил билан боғлиқ фазилатларни алоҳида изоҳларкан, Фарҳод образи тасвирида буни теран ифодалайди:

*Демонким, кўнгли поку ҳам кўзи пок,*

*Тили поку сўзи поку ўзи пок.*

*Мунингетек тийнати покига лойиқ,*

*Дуосин айтибон поки ҳалойиқ.*

«Насойим ул-муҳаббат» асаридаги Шайх Мўмин Шерозий ҳикоятида кўнгил билан боғлиқ бетакрор ҳайратга гувоҳ бўламиз. Шайх «бошяланг, оёқяланг ва зоду ҳамроҳсиз қўлган эллик ҳаж» савобини бир она кўнгли шодлигига бағишлайди. Бунда буюк ибрат намунаси мужассамдир. Биз ҳам бу ҳолат ҳайрат ва моҳиятидан маънавий таъсир олиб, ота-онамизнинг, яқинларимизнинг, дўсту биродарларимизнинг кўнглини шод этишга ҳар сония ўзимида журъат, вақт тополсак, не ажаб! Навоийнинг Искандари вақтида она кўнглини шод этмагани боис ўзини «озурдае» деб атайди, ўлими олдидан онасига ёзган васиятномасида «Ризонг ўлмаса кўнглума ғамзудой» дея армон қиласи.

Улуғ шоирнинг кўнгил борасидаги таъриф-тавсифлари кўнглимиз кўзини очса, демак, турмушимиизга янада кутбарака, ободлик, фаровонлик, нур инади. Бир-биримизни қулоқ билан эмас, кўнгил билан эшилсан, қайсири даражада нуқсонларимиздан ҳалос бўламиз, соғ кўнгилли инсонлар қаторидан жой оламиз, ҳаётимиз кўнгилдагидек кечади. Дарҳақиқат, ҳазрат Алишер Навоий асарлари мутолааси кўнгилни ўстиради, поклайди ва чароғон қиласи.

**Равшанбек МАҲМУДОВ,  
фалсафа фанлари номзоди.**

### **Устозлик рутбаси**

Навоий эпик ва лирик, илмий ва тарихий асарлар ижодкори бўлибгина қолмай, буюк тазкиранавис ҳамдир. Ҳусусан, ҳазратнинг «Мажолис ун-нафоис» асари бизга номаълум кўплаб шоирлар ижоди ҳақида қимматли маълумотлар беради. Бундан ташқари, унда буюк мутафаккирнинг моддий ва маънавий ёрдами билан вояга етган, унинг ижод мактабидан сабоқ олган шоиру фозилларга баҳо берилганини ҳам кўрамиз.

Алишер Навоий, аввало, ҳар бир ижодкорнинг истеъодига, инсоний хислатларига, ахлоқига, иқтидорига, фикрлаш қобилиятига диққат қиласди ва қайси фанлар билан шуғулланганини ҳам кўрсатиб ўтади. Ўша пайтда Навоий назарига тушиш, эътиборини жалб қилиш, шогирди бўлиш ҳам, турган гапки, осон бўлмаган. Алишер Навоий шогирларига нисбатан қаттиққўл устоз эди.

Навоий «Мажолис ун-нафоис» асарининг тўртинчи мажлисида Воиз Кошифий ҳақида шундай ёзади: «Мавлоно Ҳусайн Воиз Кошифий тахаллус қилур, Сабзворликдир. Йигирма йилга яқин борким, шаҳрдадур ва Мавлоно зуфунун ва рангин ва пуркор воқеъ бўлубтур. Оз фан бўлғайким, дахли бўлмагай. Ҳусусан ваъз, иншо ва нужумки, анинг ҳаққидур ва ҳар қайсида мутааййин ва машҳур ишлари бор...» Хўш, Кошифий ким?

Хондамир «Хулосат ул-ахбор» асарида бу икки мутафаккир ўргасида яқин дўстлик, ҳамкорлик муносабати бўлганлиги тўгрисида гапиради ҳамда Воиз Кошифийга шундай деб баҳо беради:

«Маъқул ва маҳсус илмларнинг барчасидан тўла нафланган ва баҳраманддир. Ҳозирги вақтда Шарқда — Ҳурросон диёрида ул жанобга тенг келадиган киши топилмайди... Ул жаноб нужум илмида ҳам зўр маҳоратга

эга эди, чунончи, унинг таъбирлари қазо ўқи сингари бехато бўларди. Унинг балоратоётгик ҳамда фасоҳатсифатлик китоблари кўп ва беҳисоб бўлиб, уларнинг кўпи олимақом амир Алишернинг атоқли номи билан зийнатланган. Амир Алишернинг иноят ва илтифоти ул жанобнинг ҳол саҳифасига ҳамма вақт тушиб туради...»

Кўриниб турибдики, Алишер Навоий Воиз Кошифийдан моддий ва маънавий ёрдамини аямаган, ҳар вақт уни қўллаб турган.

Умуман, Кошифийнинг «Ахлоқи Мұҳсиний» ҳамда Алишер Навоийнинг «Маҳбуб ул-кулуб» асарлариидаги бу сингари ҳалқ мақолига айланиб кетган ҳикматларини кўплаб келтириш мумкин. Кошифий соғдиллик, ростгўйлик, саҳијлик, қатъиятлилик каби фазилатлар инсонларда бўлиши шарт, деб билади. Аммо хасислик, тамагирлик, очкўзлик, дилозорлик, пасткашлик, туҳматчи, хоин, сотқин, ёлғончи, лақма кишиларни ахлоқсиз кишилар, деб ҳисоблади.

Бундан ташқари, Воиз Кошифий инсондаги, айниқса, ростгўйлик ва меҳнатсеварлик хислатларига кенг тўхталади. Мутафаккирнинг таъкидлашича, киши хулқини улуғловчи жиҳатлардан бири, бу — ростгўйлик бўлса, яна бири одамийликдир. Шунингдек, унинг дўстлик ҳақидаги мулоҳазаси ҳам жуда ибратлидир: «Дўстлари бирор нарсага муҳтож бўлиб қолсалар, уларга ёрдам қўлини узатиши, ҳеч нарсасини дўстларидан аямаслиги керак». Унинг бунга ўхшаш кўплаб фикрлари ҳар бир давр учун ҳам зарурий ҳолдир. Чунки инсон энг буюк мавжудотдир. Уни эъзозлаш, бир-бири билан ҳамкорлик қилиш, бошқача айтганда, ҳамжиҳатлик туйгуси айни кунларда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Воиз Кошифийнинг инсоний бурч — ота-она қадр-қиммати ҳақидаги фикрлари ҳам салмоқлидир. Кошифий асарларининг ҳалқ оммасига кенг тарқалишида, бир неча фанлар бўйича дарсликлар яратишида Алишер Навоийнинг катта таъсири бўлгани эса, шубҳасиз.

**Исҳоқ НОСИРОВ,**

**филология фанлари номзоди.**

## **Маъно ва ҳайрат**

Алишер Навоий асарлари мундарижасига сингдирилган умумбашарий ахлоқий, маънавий, инсонпарварлик каби foялар Ҳазрати инсонни шарафлаш, ардоқлаш, камолга етказиш асосига қурилган. Шоир шеърияти руҳи фалсафий жиҳатдан ўта нозик ва мураккаб. Уни таъриф, таҳдил, тавсиф, тафсир этиш, шарҳлаш тадқиқотчилардан балогат, фасоҳат, шеърият, қалом илми, шунингдек, форс, араб тилларидан хабардор бўлишни, сўзнинг зоҳирий, ботиний, мажозий, киноявий, кўчма, матн ости маъно хусусиятларини билиш салоҳиятини тақозо этади.

Шеърият — муаттар ифорни ҳис этиш, ундан завқданиш, завқу шавқ ўтида парвонадек қўйиш, шамдек эриш, илоҳий гўзалликнинг зухурланишини басират кўзи билан эмас, қалб кўзи билан идрок қилишидир.

Мир Алишер Навоийнинг ҳар бир асари ул зотнинг тафаккур хазинаси нақадар улкан ва сермаъно эканлиги, ижодий серқирралигини кўз-кўз этиб туради. Масалан, ул зотнинг «Ҳайрат ул-аброр» достони — ҳайрат ичра йўғрилган уммон, унинг ҳар бир байти — бир асар. Достоннинг ҳукми — беспоён, жавоҳирлар маскани. Жумладан, достоннинг XIV бобида: «Сўз таърифидаким, башар вужуди сипеҳрининг кавкаби жаҳонтоби ва инсон зоти маъданининг жавҳари сероби дурур...» (Сўз таърифидаким, одамизод жисми фалакнинг юлдузи нурафшони ва инсон зоти кони, маҳзанининг яшноқ гавҳаридир...) — деб, боб дебочасида назм силкига тортилган мавзунинг мақсад ва матлабига эътибор қаратилган. Мазкур бобда сўз қиймати, даражаси тенгсиз, Яратувчи томонидан бани одам фарзандига берилган

илохий неъматлар ичдиа энг ноёби ва шарафлиси, деб таърифланади. Дарҳақиқат, сўз — лисони файб. Шунинг учун Алишер Навоий барча назмий, насрий асарларида сўз таърифи ва унинг илохий мўъжиза эканлигини бот-бот қаламга олган. Хусусан, шоир сўзниң шарафини кўйидаги байтларида моҳирона улуғлаган:

Сўз гуҳарига эрур онча шараф,  
Ким бўла олмас анга гавҳар садаф.  
Тўрт садаф гавҳарининг дуржи ул,  
Етти фалак ахтарининг буржи ул.  
Боғчай даҳрки юз тоза гул —  
Топти қаёнким назар этти кўнгул.  
Катми адам гулшани ичра нуҳуфт,  
Фунчалар эрди бориси ношукуфт.  
Чун бу насл эсти азал тоғидин,  
Мунча гул очилди жаҳон боғидин.  
Қайси насим улки гулфиишон,  
Барги гулу настаран андин нишон.  
Бу икки яфрогни қачон зуғунун,  
Бир-бираға қўйса, бўлур «кофу нун».  
Даҳр муқайяд билга озодаси,  
Барча эрур «коф» ила «нун» зодаси.

Ушбу шеърий парчани шартли тарзда қўйидагича талқин қилиш мумкин. Сўз гавҳарига шараф бўлсинким, унинг таърифида садаф, гавҳар ҳам камлик қиласи. Чунки сўз — тўрт садаф (унсур): тупроқ, сув, ўт (олов), ҳавонинг зарқутиси, сандифи; етти фалак юлдузи: Қуёш, Ой, Аторуд, Зухра, Миррих, Муштарий, Зуҳал сайёralарининг буржи (яни, юлдузлар қанча улкан ва ёрқин бўлмасин, улар фақат сўз билан номланади, таърифланади). Боғчай даҳр — жаҳон боғининг юз тоза гули бор, унга қачон назар солсанг, кўнглинг шунча завқقا тўлади. Лекин у (сўз) мавжудлигига бу тоза гуллар (борлик) катми адам

— йўқлик оламида эди. Шунда азал тоғи (Одам а. с. ва Момо Ҳаво учрашган тоққа ишора) дан ажаб бир насим — шамол эсдики, жаҳон боғида шунчалик кўп гул очилди ва олам гулистанга айланди, безалди. Бу қандай насимки, унинг қудрати бунчалик улуғ бўлмаса (бу ўринда гул сўзининг бош ҳарфи «коф», настаран сўзининг бош ҳарфи «нун»га ишора қилинган). Ҳунар — илм соҳиби, яъни Аллоҳ «коф» ва «нун» (арабча «Кун!») — «Бўл!» дейиши билан борлиқ вужудга келди.

Навоий шеърияти поэтик қурилиши жиҳатидан бутун бир қолипга бўйсундирилган сўзлар силсиласидан ташкил топган ва бадиий стилистик жиҳатдан нутқий мутаносиблиги, оҳангдорлиги, жозибадорлиги, нозиклиги, фикрий уйғунлiği, маъновий бутунлiği, шунингдек, сиржумбоқлиги билан ўқувчини гайб оламига бошлайди. Бу кашфу каромат, ҳайрат шоир маънавий оламининг нечоғли юксак эканлигидан далолат беради.

*Субҳи азал қилди чу дехқони сунъ,*

*Одами хокийни гулистанни сунъ.*


(«Ҳайрат ул-абор», XVII боб)

Байтда қўлланган сўзларнинг поэтик маъно хусусияти бир-бирига мукаммал узвий bogланган, яхлит умумий маъно қобигига эга. Субҳ сўзи тонг; ҳар бир воқеликнинг бошланиши, ибтиносини билдирса, субҳи азал изофали бирикма сифатида азалий тонг, азал тонги, азалий ибтидо каби маъноларни англатади. Дехқон — экин экиб ўстирувчи, парвариш этувчи, ижодкор; кўчма маънода Яратувчига ишора. Сунъ — иход қилиш, яратиш, яратқи. Одами хокий — тупроқдан пайдо бўлган, яратилган; инсоннинг яратилиш мабдаи (манбаи) га ишора. Гулистанни сунъ — инсон яшайдиган манзил, жой, макон, Ер сайёрасига ишора.

Демак, юқоридаги байтдан Яратувчи азал тонгидан, азал субҳидан ўз нафаси орқали одами хокий — Ер

мулкини яратди ҳамда одамга рұх ато қилиб, Ерни инсон билан гулистонға айлантириди, деган маъно англашилади.

Хар бир ўқувчи шоир маънавий дунёсини тафаккури доираси ва тушуниш даражасига мувофиқ ўзига берилган күвваи ҳофиза миқдорicha тушунади, ҳис этади ҳамда таҳлил қиласи. Шу боис Алишер Навоий шеъриятининг дақиқ нуқталари асрлар оша қалбимизни завқса, рухимизни шуурга, тафаккуримизни нурга тұлдириб, илохий ҳайратта чорлаб келмоқда.



**Юсуф ЭШОНҚУЛОВ,  
филология фанлари номзоди.**

### **Фозиллар мададкори**

Навоийнинг ибратомуз ҳаёти ва фаолияти ҳар қандай инсонни ҳайратга соловчи, лолу ҳайрон қолдирувчи воқеаларга, таҳсин, таъриф-тавсиф ва эътирофларга бойлиги билан алоҳида эътиборга лойиқдир. Бундай тарихий далил ва маълумотлар, аввало, буюк мутафаккирнинг ўз асарларида, шунингдек, бир талай ишончли манбаларда келтириб ўтилганлиги билан ҳам диққатга сазовордир. Шоирнинг хотирлашича, «уч ёш билан тўрт ёшнинг орасида азизлар таклифи билан» хуросонлик шоир Амир Қосим Анварнинг форсча бир газалининг биринчи байтини ёддан айтиб, улуғларнинг «ҳайрат изҳори»га эришган. Айни чорда ушбу байт шоирнинг илк бора ўргангандан назми ҳам бўлган. («Мажолис ун-нафоис»)

Бундан ташқари, тўрт яшар Алишернинг ўткир зеҳни, фаҳм-идроқи билан ўзидан катта ёшлаги мактабдошлиридан ажralиб турганлиги, беш-олти ёшида Фаридиддин Атторнинг гаройиб ҳикоялардан таркиб топган «Мантиқ ут-тайр» достонини тўлиқ ёдлаб, ҳаммани ҳайратга солганлиги ҳам айни ҳақиқатдир.

Бундай саъй-ҳаракат ва интилишлар, шоирнинг ўзи эътироф этганидек, шеърият мактаби вазифасини ўтайди:

*Кўнгилда не маъни ўлса эрди пайдо,  
Тил айлар эрди назм либосига адо.*

Шоир бир шеърида Низомий, Дехлавий, Аттор каби улуғ салафлар ўз ашъорлари орқали мурғак қалбига «буюк муддао» — туркий тилда йирик асарлар бунёд этиш ишқини жойлаганликларини баён этади:

*Кичик эрканимда бўлиб қошима,  
Буюк муддао солдингиз бошима.*

Навоийнинг ҳаёти ва фаолиятини мукаммал ўрганган ўқувчи шунга тўла амин бўладики, шоир умр бўйи ана шу буюк мақсад йўлида тинмай, оғишмай фаол ҳаракат қилди; зўр иштиёқ, машаққат, матонат ва фидойилик билан ижод этиб, ноёб маънавий жасорат намунасини кўрсатди. Охир-оқибат, кейинчалик шоирнинг ўзи зўр ифтихор билан ифодалаганидек, то шу дамгача ҳеч кимга мұяссар бўлмаган улкан ижодий ютуқларга эришди:

*Турк назмида чу мен тортиб алам,*

*Айладим ул мамлакатни яққалам.*

*Тўрт девон бирла назми панж ганж,*

*Даст берди чекмайин андуҳу ранж.*

*Олибмен таҳти фармонимға осон,*

*Черик чекмай Хитодин то Хурисон.*

*Хурисон демаким, Шерозу Табриз*

*Ки, қилмишдур наий қилким шакаррез.*

*Кўнгул бермиш сўзумга туркжон ҳам,*

*Не ёлғиз турк, балким туркмон ҳам...*

Шу аснода устозлари, замонду сафдошлари, шогирдлари ва ҳалафларининг Навоий асарлари ҳақидаги олқишу таҳсинлари, таърифу тавсифлари бошланиб, бир-бирига уланиб кетди.

Ўз вақтида ёш Алишер Абулқосим Бобур кўмагида қомусий аллома Сайд Ҳасан Ардашерни таълимидан баҳраманд бўлади. Шоирнинг хотирлашича, «иккаласи тил била» (форсий ва туркийда) гоҳи назм айтuvчи устоди умрининг охиригача шоирга ҳар тарафлама ғамхўрлик қилиш баробарида ижодини ҳам ардоқлаб, рагбатлантириб туради.

Навоий ижодининг илк муҳлислари, тарғиботчи ва тадқиқотчилари қаторида, шубҳасиз, шоирнинг мактабдош мусоҳиби, дўсти ва ҳамкори нозиктаъб шоир Ҳусайн Бойқаро алоҳида ўрин тутади. Шоирнинг айтишича,

У Навоийнинг ўспирийлик чогида ёзган шеърларини мароқ билан ўқиб, улардаги нафислик ва маҳоратни юқори баҳолаган. 1485 йилда ёзган «Рисола» номли насрий асарининг салмоқли қисмини қадрдан дўстининг ноёб ижодий даҳоси тавсифига бағишиланган. Унинг назм йўлининг барча соҳасида мислсиз маҳорат кўрсатиб, баракали ижод қилганини мамнуният билан қайд этган.

Навоийнинг фавқулодда ноёб истеъдод соҳиби эканлигини машҳур жаҳон шоирлари билан таққослаб далиллайди. Шунга кўра, Фирдавсий «Шоҳнома»сини 30 йилда, Низомий ҳам озар «Ҳамса»сини 30 йилда, Хусрав Дехлавий ўз «Ҳамса»сини 6-7 йилда ёзиб тутатган бўлса, фасоҳат мулкининг ҳақиқий шеъри ва пахлавони Навоий ноёб «Ҳамса»сини икки йилга қолмай бунёд этган. Хусайн Бойқаронинг гувоҳлик беришича, Навоийнинг бевосита ушбу шоҳона асарни яратишга сарфлаган вакти аслида олти ойга ҳам бормайди.

Бойқаро Навоийни она тилининг мартабасини юксалтириш йўлидаги кўп йиллик машаққатли, буок хизматлари эвазига шеърият устунларининг қаҳрамони, назм мамлакатини заубт этган соҳибқирон атаб, қўйидаги тўртлигини илова қиласди:

Эрур сўз мулкининг кишиварситони,  
Қайу кишиварситон Ҳусравнишони.  
Дема Ҳусравнишонким, қаҳрамони,  
Эрур гар чин дессанг соҳибқирони.

Айтиш жоизки, Навоийни ва унинг асарларини ардоқлаган кўплаб замондошлари уни беназир улуғ инсон, донишманд давлат арбоби, заковатли шоир ва олим, чинакам авлиё сифатида тасаввур қилганлар. Шу брис аллома Фасиҳиддин Муҳаммад Низомий шоирнинг вафотига бағишилаган марсиясида уни «авлиёлар йўлбошчиси» (кутиб актоб)» деба улуғлайди.

Хондамир, Восифий каби шогирдлари, Мирзо Бобур, Ҳайдар Мирзо сингари халафлари ўз хотираларида Навоийнинг улуғ инсоний фазилатлари, ноёб истеъоди, заковати ҳамда илм-хунар ва маданият аҳлиниң беназир ҳомийиси экани ҳақида бир-бирини тўлдирувчи таъриifu тасвифлар ва гаройиб маълумотлар келтирадилар. Хусусан, Хондамирнинг «Макорим ул-ахлоқ», «Ҳабиб ус-сияр», «Худосат ул-ахбор» каби асарларида Навоийнинг қарийб 30 йил давомида беҳисоб бунёдкорлик, ободончилик, илмий ва маданий-маърифий ишларга фидойилик билан раҳнамолик ҳамда ҳомийлик қилганлиги батафсил ёритилган.

Хуллас, бутун умрини, ижодини умумбашарий тоялар тарғиботига, дунёни янада гўзал ва обод қилишга қодир комил инсонлар тарбиясига баҳшида этган бобокалонимизнинг маънавий жасорати абадий ибрат бўлиб қолгусидир.

Гуллар, бутун умрини, ижодини умумбашарий тоялар тарғиботига, дунёни янада гўзал ва обод қилишга қодир комил инсонлар тарбиясига баҳшида этган бобокалонимизнинг маънавий жасорати абадий ибрат бўлиб қолгусидир.

Гуллар, бутун умрини, ижодини умумбашарий тоялар тарғиботига, дунёни янада гўзал ва обод қилишга қодир комил инсонлар тарбиясига баҳшида этган бобокалонимизнинг маънавий жасорати абадий ибрат бўлиб қолгусидир.

Акрамжон ДЕҲҚОНОВ,

филология фанлари номзоди.

### «Садди Искандарий» ибрати

Инсоният бадиий тафаккурининг ноёб обидаларидан бўлган Алишер Навоийнинг «Хамса» асари беш достондан иборат бўлиб, «Садди Искандарий» мазкур обиданинг бешинчи — охирги достонидир. Искандар Зулқарнайнинг зафарли юришлари, бутун дунёни ўзига бўйсундидиб ер юзида адолатни жорий қилганини тараннум этувчи ушбу достоннинг айрим боблари Искандарнинг Арастуга саволи ва унинг ҳикматли жавобларидан иборат бўлса, айрим боблари бу афсонавий ҳукмдорнинг бошқа подшолар билан қилган жангу жадаллари тасвирига бағишиланган. Достондаги энг таъсирии лавҳалардан бири Искандарнинг Эрон шоҳи Доро билан қилган жангини ёритувчи йигирма еттинчи бобидир.

Икки буюк ҳукмдорнинг элчилар мақомидаги учрашув — музокараларидан наф чиқмагач, иш охирги чора — курол ва лашкарни жанг майдонига солишга етиб келади. Доро ўзига тобе мамлакатлардан ҳадду ҳисобсиз аскар йигади. Доронинг ўз салтанати худудларидаги лашкарни жам қилиши учун икки йил вақт кетганининг ўзидан бу буюк муҳорабанинг кўламини тасаввур қилиш мумкин.

Искандар ҳам Доронинг қилаётган ҳар бир ҳаракатидан айғоқчилари орқали хабар топиб туради, лекин у охирги дақиқаларгача сулҳ-музокара билан мақсадга эришишга ҳаракат қиласди:

... Ва лекин шиори мадоро бўлуб,  
Таҳуттук иўқ андоқки Доро бўлуб.  
Чу Доро ҳадиси анга бўлди туз,  
Ки олам сипоҳин йигиб қўйди юз...

Доронинг жанг қилишга узил-кесил қарор қилганини билиб, Искандар ҳам лашкар йигишига фармон беради.

Икки лашкар бир-бирига яқинлашиб, тўхтайди. Уларни

ўргада фақат битта тоғ ажратиб туради. Тогнинг икки ёни бепоён дашт бўлиб, икки лашкар икки томондаги даштга жойлашади.

Искандар ўз қўшинидаги лашкарбоши ва паҳлавонлардан бир нечтасини танлаб олиб, улар билан бирга икки лашкарни ажратиб турган тоғ тепасига чиқади. Тоғ устида туриб Доро қўшинининг ўз қўшинидан анча кўп эканини кўриб, кўнглига хавотир тушади. Озгина лашкар билан кўп лашкарга қарши жанг қилиш ақдга мувофиқ иш эмаслигини мулоҳаза қилиб, орқага қайтишнинг ҳам иложксиз эканини ўйлаб изтиробга тушади.

Искандар мана шундай ташвишли ўй билан тоғ устида ўйланиб турган пайтда унинг яқинидаги бир тош устига бири бакувват ва йирик, иккинчиси эса кичик ва заифроқ кабутар қўниб, бир-бири билан уруша бошлайди.

Искандар бу икки қушнинг урушини томоша қилиб, уларни ўзи билан Дорога қиёслаб, Дорони йирик қуш, ўзини эса кичкина-заиф қушга нисбат бериб ўйланиб туриб қолади.

Шу пайтбаногоҳ осмондан бир бургут ерга ўнгниб, урушаётган кабутарлардан йирикроини чангалига олиб, ҳавога кўтарилади. Заиф кабутар эса голиб сифатида тош устида бир ўзи қолади.

Искандар бу ишдан яхши фол олиб, кўнгли кўтарилади ва Доронинг маҳв этилишини, лекин бу иш ўзи тарафидан амалта ошмаслигини, балки бошқа бировнинг қўли билан амалта ошажагини қалбидаги валоят нури билан сезади. Файб пардаси остида ўзи учун хайрли бир воқеа ёттанини англайди.

Жанг бўладиган куни кечаси Доронинг энг яқин одамларидан иккитаси ўз подшосига хиёнат қилиб, Искандарга ўз хизматларини таклиб этиб, хат ёзиб яширинча бир элчи жўнатишади. Хатда эртаси жанг бошланиши билан икковлари ўз ҳукмдорлари Дорога ҳужум қилиб, уни ўлдиришларини айттан эдилар.

Искандар бу номани ўқиб, ўйланиб қолади. Вазиятни

мулоҳаза қилиб кўриб, бу мактубга ҳеч қандай жавоб ёзмасликни маъқул кўради:

*Дедиким: «Мунга ҳеч янглиғ жавоб»*

*Демакда эмас эмди ройи савоб...*

Улуғлар айтганидек: «Баъзан ҳаракатсизлик энг яхши ҳаракат бўлади».

Эртаси тонгда жанг бошланади. Файб пардаси кўтарилиб, бўладиган ишлар юз беради. Искандарга мактуб ёзган икки хиёнаткор Дорога икки ёндан ҳужум қилиб, уни қаттиқ жароҳатгайдилар. Шоҳга сунқасд қилингач, унинг кўшини пароканда бўлиб енгилади. Воқеадан хабардор бўлган Искандар қонга беланиб ётган буюк қисматдошининг ёнига келиб, унинг бошини қўйнига олиб, кўнгли юмшаб аччиқ-аччиқ кўзёш тўқади.

Ярадор Доро кўзини очиб ўз тепасида буюк ёш жаҳонгир турганини фаҳмлайди. Доро ундан агар ўлдиromoқчи бўлса, икки-уч калима сўз айтишга ижозат сўрайди. Искандар унинг аҳволини кўриб, юз берган фитнага ўзининг алоқадор эмаслигини зор-зор йиглаб айтади:

*Манга етти бир нома ҳам бир замон,*

*Ўқуб ташладим бўйла қилмай гумон.*

*Кетурганга гарчи сазо бермадим,*

*Ва лекин бу шига ризо бермадим...*

Шундан сўнг Доро ундан уч нарсани ўтинади:

1. Ўзига қасд қилган икки хиёнаткорни ўлдиришни. «Бу ишдан менга ҳеч қандай фойда бўлмаса ҳам, — дейди Доро — сен учун фойдаси бор. Токи сенинг қўл остингда ўз подшосига хиёнат қилган одам хизмат қилмасин. Бир подшога хиёнат қилган одам иккинчи подшога ҳам хиёнат қилиш эҳтимоли бор».

2. Ўзининг қавму қариндошларини қатл этмасликни сўрайди. «Чунки уларнинг ичида, — дейди у — сенга қарши чиқишига журъат ва жасорати бор бирор киши йўқ. Мен ўз қавмимнинг вакилларини бошқалардан кўра яхшироқ

билиман. Агар афв ва карам қилсанг улар сенинг содиқ хизматкоринг бўладилар».

3. Доронинг учинчи васияти у Искандардан ўз қизи Равшанакка уйланишни сўрайди. Токи ўз насли Искандар насли билан қўшилиб янада шараф ва иззат топсин.

Искандар унинг бу уч васиятини қабул қилганини эшишиб Доро дунёдан кўз юмади.

Искандар Доронинг бутун қўшини ичра жар солдириб, икки хиёнаткордан бошқа барчанинг, шоҳнинг қавм-қариндошининг ҳам қонидан кечганлигини эълон қиласди.

Бу буюк воқеадаги бир нуқта алоҳида эътиборга лойик. Ўз ҳукмдорига хиёнат қилган кишининг ҳеч қачон рўшнолик кўрмаслигини Навоий алоҳида таъкидлаган. Зеро, дунёning тинчлиги ва барқарорлиги раиятнинг, сипоҳнинг садоқати ва вафосига, ҳукмдорнинг адолати ва оқилона сиёсатига чамбарчас боғлиқдир.

Садақатті мураббаби қарбла мисоли тарзидан оғизи  
сепармада баргузар биностроғи мисоли тарзидан оғизи  
оғизи М. Йицсаици. Инчунинг Ф. ишмири мисоли тарзидан оғизи  
ноҳийада оссоҳида ядак тидор С. зодиу О. ишмири Ф.  
ибди мизнозиб ва ишмири М. Мадс О. мисоли тарзидан оғизи  
акба ҳенгравас «Хозяй», мисоли тарзидан оғизи Н. К. Ф.  
коридор, мисоли тарзидан Узбекистон тарзидан оғизи  
А. А. Йицсаици. Анибада мисоли тарзидан оғизи Г. Б. А. А. А. А.  
ибди мизнозиб мисоли тарзидан оғизи А. А. А. А. А. А.  
коридори кўнсими инаббоғ — симада мисоли тарзидан оғизи  
майносидаги ҳам қўзинишиди. Мисоли тарзидан оғизи  
коридори кўнсими инаббоғ — симада мисоли тарзидан оғизи  
гафратиниғи нағис майносидаги ҳам қўзинишиди. Мисоли тарзидан оғизи  
коридори кўнсими инаббоғ — симада мисоли тарзидан оғизи  
гафратиниғи нағис майносидаги ҳам қўзинишиди. Мисоли тарзидан оғизи

## Жаҳон ичра

Алишер Навоийнинг асарлари жаҳон миқёсида кент тарқалган. Унинг асарлари ўнлаб хорижий тилларда, жумладан, форс, итальян, немис, француз, голланд, венгер, чех, румин, польяк, ҳинд, турк, инглиз, рус, грузин, озарбайжон, туркман, қозоқ, тожик, татар, уйғур, украин, латиш, арман, эстон, қирғиз ва бошқа тилларга таржима қилиниб қайта-қайта нашр этилиб келинмоқда.

Алишер Навоий вафот этгандан кейин ўтган давр мобайнида унинг асарлари форсий ва туркий халқлар орасида кент ёйилди. Фузулий, Кишварий, Мирзо Фатали Охундов, Собир каби озарбайжон ёзувчилари, Озодий, Махтумқули ва Зелили каби туркман шоирлари, қозоқ ёзувчиси Абай Кўнонбоев, қорақалпоқ соҳибқаламлари Бердак, Ажиниёз, татар шоирлари Абдулла Тўқай, Қаюм Носирий ва бошқалар Алишер Навоийга юксак баҳо бериб, асарларидан таълим олдилар, айрим асарларига назира битдилар.

Эргаш ОЧИЛОВ,  
филология фанлари номзоди

## Ҳайратлар олами

Навоий инсон умрининг мазмуни ҳақида кенг ва теран муллоҳаза юритган. Барча даврлар ҳамда замонлар учун етук донишманд ҳисобланган ул зотнинг бу борадаги фикр-мушоҳдалари ўзининг фавқулодда теранлиги, фалсафий салмоғи ва бадиий муқаммаллиги билан алоҳида ажралиб турди.

Чунончи, шоир шундай байтни битган:

*Бу коргаҳда хато келмади чу бир сари мўй,  
Хато менинг назаримдандур, хато кўрсам.*

Мазмуни: «Бу дунёда битта қил ҳам бесабаб пайдо бўлмаган. Агар мен бирор нарсада хато кўрсам, у, аслида, ўша нарсанинг чиндан ҳам хато яратилганлиги туфайли эмас, балки менинг нуқтаи назаримнинг қусурли эканлигидандир».

Байтда иккита изоҳталаб сўз мавжуд: биринчиси — коргаҳ. Бу сўзнинг лугавий маъноси — ишхона, корхона, дўкон, иш жойи. Бирор иш амалга ошириладиган жой ёки нарса. Масалан, тўқувчилик дастгоҳи. Мажозий маънода эса, бирор бир манзил, қароргоҳ, жумладан, дунё, олам маъносида ҳам қўлланилади. Мирзо Бедил бу дунёни «коргаҳи қумоши шаббоғ» — «тунда нафис матолар тўқийдиган корхона», мажозий маънода, «зулмат, яъни фафлатнинг нафис матосини тўқийдиган корхона» деб атайди. Яъни ранг-баранглиги билан одамларнинг кўзини ўйнатиб, уларни фафлат тўрига ўрайдиган ва мақсаддан чалғитадиган жой. Навоий ҳам бу сўзни айнан дунё маъносида кўп қўллайди. Хусусан, «Наводир уш-шабоб» девонидан ўрин олган ғазалларидан бирида ёзади:

*Бода тутким, бу улуг коргаң ақволиндин  
Хеч фахм ўлмади ҳар неча хаёлот айлаб.*

Мазмуни: «Май тутки, бу дунё сиру синоати ҳақида ҳар қанча ўйлаб, мушоҳада юритиб, тасаввуру таҳайюлга берилсам-да, ҳеч нарса маълум бўлмади».

Энди юқорида келтирилган байтга қайтсак, иккинчи изоҳталаб сўз — сари мўй. У бошдаги сочнинг бир тутика, сочнинг бир учича, қилча, яъни заррача, озгина, арзимас даражала маъноларини билдиради. Демак, шоир бирор нарса, ҳатто у қилча бўлса ҳам, муайян мақсадсиз яратилмаган, бирор вазифадан холи эмас, ўзининг муқим ўрнига эга, илоҳий ҳикмат ва хизматга молик, деган фикрни илгари сураяпти.

Навоийнинг баъзи фикру ташбехлари ғазалдан-ғазалга кўчиб юради. Лекин шоир уларни шунчаки тақрорлаб қўя қолмайди, балки муайян фикрни давом эттиради, унинг янги маъносини очади, шарҳини келтиради. Бинобарин, шоирнинг у ёки бу байтини шарҳлаш учун узоққа бориб ўтирамай, «Ҳазойин ул-маоний», «Ҳамса» достонлари ёки бошқа асарларида муштарак байтлар асосида турли маъно қирраларини очиш мумкин. Коргаҳ — дунё моҳияти борасидаги байтлари хусусида ҳам шундай дейиш ўринлидир. Жумладан, «Садди Искандарий» достонида Искандарнинг саволига Арастунинг жавоби мисолида Навоий бу масалага ҳам ойдинлик киритади:

*Некум оғаринишиқа пайвастадур,  
Бори бир-бирисига вобастадур.  
Бир иш деса бўлмас «сазовор эмас» —  
Ки, бир ришта тоб анда бекор эмас.  
Бу худ собит ўлдики, ийӯқ ҳеч зот  
Ва ё ҳеч аъфол ёхуд сифот —  
Ки, зимнида хосияте бўлмагай,  
Вужжудида кайфияте бўлмагай.*

Мазмуни: «Борлиқдаги барча нарсалар бир-бирига боғлиқлар — бирор нарсани мувофиқ эмас, деб бўлмайди,

чунки ҳатто қыл ҳам унда бекор яратилмаган: зот, феъллар ва сифатлар шундай муқаррар бўлғанки, улардан ҳар бирининг асосида бир хислат, вужудида бир хусусият мавжуд».

Ҳақиқатан ҳам, шоирнинг айни шу мазмундаги барча байтлари ўзаро қиёсланса, бу борадаги фикрлар моҳияти оидинлашади — бир байти иккинчисининг, иккинчиси учинчисининг маъносини очишга ўзига хос калит бўлиб хизмат қиласди. Бундан англашиладики, Навоий теран фикрларини бадиий юксак мисраларда мураккаб бир услубда ифодалабгина қолмай, бу тилсимни очиш учун бир неча «очқич»лар ҳам қолдирган. Уни топиш забардаст сўз санъаткори тадқиқотчисининг истеъдод кучи, билим даражаси, идрок қуввати, тахайюл қурдати, таҳлил маҳоратига боғлиқ.

«Бу дунё бус-бутун ҳикмат-ку, ҳикмат!» деган эди буюк Абулқосим Фирдавсий муazzам «Шоҳнома» асарида. Навоий эса бу ҳикмат сирларини излагани, унинг моҳиятига етишга интилгани сари ҳайрат асирига айланаверади, ҳайрат ўтида куяверади:

*Сипехр гунбади ичра нетиб қадаҳ ичмай —  
Ки, бўлди мужсиби ҳайрат бу корхона манга.*


Мазмуни: «Бу кўк гумбази ичра нега май ичмайки, бу корхона, яъни олам менинг ҳайратланишимнинг сабаби бўлиб турибди».

Ўз даврининг фозил кишиси сифатида Навоийнинг олам моҳиятини англаш, инсон қалби сир-синоатларини билишга, ҳаёт маъноси, инсон умрининг мазмунини тушунишга интилгани, табиий. Лекин у ўзининг бу борадаги билим ва холосаларидан қониқмаган, имкон қадар кўпроқ нарсани билишга уринган — унинг коргах, корхона тушунчалари билан боғлиқ байту мисралари билишга чанқоқ кўнгилнинг ҳайрату ҳаяжонлари, эътирофи ва иқроридир.


*Мутойиба*

### «... Гулларга қўл узатсам...»

Зайнiddин Маҳмуд Восифийнинг «Бадоъ ул-вақоъеъ» («Ажойиб воқеалар») китобида қуидаги ҳикояни келтириши қизиқарлидир: «Беҳзод бир куни Алишер мажлисига бир суратни келтирди: суратда — гулзор, хилма-хил дараҳтлар; уларнинг шоҳларида сайраб турган ранго-ранг, гўзал кушлар; чор атрофда — шариллаб оқиб турган ариқлар, очилиб турган гуллар — дилдор бир манзара тасвирланган эди. Навоий ўзи эса бу суратда ҳассага суюниб турган ҳолда тасвирланган, унинг олдидаги табақлар олтин ва кумуш сочиқ билан тўла эди. Алишер бу суратни кўриб қувонди ва таҳсин ўқиди. Кейин у меҳмонларига мурожаат қилиб сўради: «Бу ажиб суратга баҳо ва мақтов борасида сизларнинг хаёлингизга нималар келаётir?» Алишернинг устоди ва Хуросоннинг энг машҳур кишиларидан бири Мавлоно Фасиҳиддин деди: «Бу очилган гулларни кўрганимда, қўлимни узатиб, улардан бирини узиб олиб, салламта таққум келди». Алишернинг доимий сұхбатдоши ва надими Мавлоно Соҳиб Доро деди: «Менда ҳам шундай тилак туғилди, аммо мен, агар гулларга қўл узатсам, бу кушлар чўчиб, учиб кетмасмикинлар, деб кўрқиб турибман». Алишернинг доимий ҳазилкаши, Хуросон латифагўйларининг пешқадами Мавлоно Бурҳон айтди: «Мен ҳам суратта қараб, жим ва қимирламай туришим лозимлигини тушундим, чунки Амир Алишер



ҳазратлари ғазабга келиб, қовоқларини солиб олмасынлар». Хурсоннинг зарифларидан (қызиқ сўз усталаридан бири), Алишер томонидан «латифатарош» деб ном олган Мавлоно Муҳаммад Бадаҳшӣ айтди: «О, Мавлоно Бурҳон, агар одобсизлик бўлмаса эди, мен Алишернинг қўлидаги ҳассани олар эдим-у, шу сўзларинг учун бошингта бир солар эдим». Алишер ҳазратлари дедилар: «Азиз сухбатдошлар, яхши сўзлар айтдингиз ва сўз дурдоналарини сочдингиз. Миннатдорман. Агар Мавлоно Бурҳон шу дағаллик ва одобсизлигини қилмаса эди, мен шу табақлардаги олтин ва кумушларни сизларнинг бошларингизга сочмоқчи бўлиб туриб эдим». Мажлис аҳли завқланиб кулди. Шундан кейин Алишер Беҳзодга эгар-жабдуқлари билан бир от ҳадя қилди, мажлис аҳлининг ҳар бирига эса қимматбаҳо тўнлар кийгизди».



**Буробия РАЖАБОВА,  
филология фанлари номзоди**

**«Тузай назм мулкида  
шоҳона базм»**

Шоирнинг мулк борасидаги фикр, фоя, тимсоллари, кўрсатмалари асарларида, хусусан, «Хамса», «Муншаш», «Вақфия», «Махбуб ул-кулуб»да, ҳатто баъзи шеърларида ранг-баранг маъно ва шаклда ўз ифодасини топган.

Навоий «мулк» сўзида давлат, мамлакат маъносидан ташқари тақдир, жамият, раият, бойлиқ, адл, адоват, ҳақ-хуқуқ, ризқ, хазина, ободлик, танazzул каби умумхалқ аҳамиятига эга бўлган муҳим муаммоларни ўргага ташлайди. Маълумки, Навоий ўз мулкларига бўлган хукуқларини ихтиёрий равишда ижтимоий манфаатни кўзлаб, ортиқча молу мулкини эҳсон ҳамда хайрли, мақсадли ишларга сарфлаб келган. Давлатшоҳ Самарқандий ёзди: «Сўнгра холис мулкини ва ҳалол бойлигини Худо йўлига сарфлаб, мамлакатда мадрасалар, масжидлар, работлар, хайрли жойлар ҳамда дорушширо куришга харжлади. Ўша жойларга белгиланган вақфлари муомалада юрган (пул ҳисобида) тахминан 500 туман кепакини (бир туман ўн мингта тенг) ташкил этади».

Навоийда «мулк» тушунчасини шарҳлаганда, шоирнинг нияти, мақсад-муддаосига таяниб, шартли равишда рамзий маънода ва сиёсий, хуқуқий, иқтисодий маънода ишлатган, дея оламиз. Улуғ шоир бу сўзни қандай маънода кўлламасин, «ал-Мулк», «Малик ул-мулк», яъни Ҳақнинг сифати билан боғлаб беради. Навоий мулк сўзини мамлакат, давлат, салтанат, ҳокимият каби маъноларида «Хамса» таркибиға кирувчи «Садди Искандарий»да «Тарихи мулуки ажам»да кўп ишлатган.

Рамзий маънода «жон мулки», «кўнгул мулки», «бақо мулки», «йўқлик мулки», «кавн мулки», «назм мулки» шаклида учратиш мумкин.

*Суриб барқ сайрини жсон мулкиfa,  
Не жсон мулкиfa, ломакон мулкиfa.*

**Ёки**

*Тузай назм мулкида шоҳона базм,  
Ҳамул базм сари қилай ёна азм.*

Навоий қўллаган «Назм мулки» кейинчалик шоирнинг ўзига нисбатан «Шеърият мулкининг сultonни», «Фазал мулкининг сultonни», «Сўз мулкининг сultonни» каби сифатлашларга негиз бўлди.

Навоий мулк сўзини сиёсий, хуқуқий, иқтисодий маънода қўллаганда, мулк ва салтанат, мулк ва мамлакат, мулк ва давлат, мулк ва ҳокимият, мулк ва раият, мулк ва фатҳ, мулк ва мол каби тенг маъноли тушунчалар сифатида ҳам изоҳлайди. Шу маънода, бугунги мулкдорларимиз ички бир одат ва маданиятни Навоийнинг ўзидан, шоир яратган мулкдор образларидан ибраг олишса арзиди. Навоий валияҳд Бадиuzzамон Мирзонинг мулк борасидаги баъзи бир нохолис ҳаракатидан норози бўлиб, мактубларидан бирида ёзади: «Бири улким, вилоят молин (мулк маъносида) машваратсиз олиб турурсиз ва бу маъхуд эмас эрди. Ҳеч уч-тўрт кун эмаским, бир кишингиз келмас, агар имойи қўлсангиз эрди, йўқ дейилмагуси эрди». Бу ёзма танбеҳи, билдиришномаси билан Навоий бошқа шаҳзодаларни ҳам молу мулкни тўплаш, сақлаш, олиш, тақсимлаш қоидаларига қадимдан мавжуд бўлган тартиб низомига қатъий риоя қилишга чақириган.

Навоий ўз асарларida ёритган мулк ҳақидаги ғоялари Соҳибқирон Амир Темурнинг давлат бошқарувидаги «Куч — адолатда», «Куч — тартибда» деган тамойилларига асосланади. Ва мулки мамлакатда, ҳазинада, элнинг турмуш тарзида ҳамиша ободлик, маъмурлик, сероблик бўлишига урфу беради. «Адл суйи била мулк бўстонига нусрат бермоқ» деган ҳикматларидаги ҳам мулк эталарининг

бу борадаги вазифаси, масъулияти, бурчи таъкидланади.

### «... Юз ганж ила»

Шарқ мутафаккирлари ва алломаларининг асарларида ўқитувчи ҳамда мураббийлар маҳорати, устоз-шогирдлик шартларига кенг ўрин берилган. Жумладан, буюк қалб соҳиби Алишер Навоий ижодида ҳам муаллимлар, тарбиячилар иши, уларга муносабат масалалари алоҳида тилга олинган.

Шоирнинг «Маҳбуб ул-қулуб» асари 18-фаслида ўқитувчилик меҳнатининг машаққати хусусида шундай дейилади: «Унинг иши одам тутул, ҳатто девнинг ҳам кўлидан келмайди. Бир кучли киши бир ёш болани сақлашга ожизлик қиласр эди, у эса бир тўда болага илм ва адаб ўргатади. Лекин шуниси ҳам борки, болалар орасида фаҳми идроки озлари бўлади. Муаллим бу каби ҳолларда юзлаб машаққат чекади. Шу жиҳатдан олганда, болаларда унинг ҳақи кўп, агар шогирд улғайгач, подшоҳлик мартабасига эришса ҳам унга (муаллим) га қуллуқ қиласа арзиди».

Байт:

*Ҳақ иўлида ким сенга бир ҳарф ўқутмииш ранж ила,  
Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила.*

Кўриниб турибдики, бошдан-охир бетакрор сажъ санъати асосида ёзилган мазкур фасл ўқитувчи, мураббийларга бағишлиланган таъриф, таҳлил, холоса ҳамда қиссадан ҳисса сифатида берилган бир байтдан иборат. Фасл бадиий, маърифий, тарбиявий жиҳатдан мукаммал ҳисобланиши билан биргага, реалистик тасвир асосига қурилган. Чунки ушбу фасл орқали биз қисман Навоийнинг таржимаи ҳолини, яъни илк сабоқ олган даври, ўша даврда ва ундан кейин ҳам устозлари меҳнатини, дарс жараёнларини кузаттани ҳамда устозлари,

дўстларига у ёки бу даражадаги муносабатларини ҳам билиб олишимиз мумкин.

Фасл холосаси сифатида келтирган байтни улуг шоирнинг бутунгача жаҳон кезган, сайёр характердаги ҳамда замонамизда деярли барча зиёлилар ва ёш авлод ёдан биладиган ҳикмати, десак, тўғри бўлади. Байтда улуг шоир маҳорат билан қаламга олган асосий образлар, аксарият ўринларда сўроқ олмошида ифодаланган ким, яъни ўргатувчи устоз ва кишилик олмошида берилган сен, яъни ўрганувчи ўқувчилардир. Ранж — ганж каби қофияда, «ила» восита боғловчиси ёрдамида яратган радиифидан ҳам санъаткор шоирнинг бетакрор услуби, юксак маҳорати, сўзга бўлган меҳрини сезиш, кўриш мумкин.

Демак, Алишер Навоий ҳар бир ёшнинг ақлий камолотта етишида илму фаннинг аҳамиятини кўрсатиб ўтиш билан бирга, жамият тараққиётининг асоси санаалган илм аҳли, илмни тарқатувчи ўқитувчи ва мураббийларни ҳурмат қилишга, уларнинг турмуш даражасини янада яхшилаш масалаларига ҳам эътибор қаратади.

Номр энисидеки тартифни кечирсанда ишончларидан келип кулип одоб беласи. Биринчи тартифни кечирсанда сарнада оидиц ҳам оидиц оидиц бу мулҳазалари бутуннинг энг доларо исказлаганини сануска гиссем ўнчи мисоли «Баргузину будим» ишончи муз алию мовзи ишончи сануска гиссем. Тартифи «Гап мунисе кечи» ишончи муз алию мовзи ишончи сануска гиссем. Ишончи муз алию мовзи ишончи сануска гиссем.

Тоҳир ХЎЖАЕВ,

филология фанлари номзоди

## «Жаҳон чорбоғики дилкашдуур...»

Инсон, унинг умри, йигитлик даври хусусида кўпдан кўп мулоҳазалар билдирилган. Ҳар бир даврда деярли кўпчилик бошқа фаслларга қараганда баҳорни хуш кўради. Бу фасл инсоннинг ёшлигига менгзалади. Навоий ҳам умрнинг ушбу айёмини умрнинг гўзаллик, хурсандчилик даври, дея таърифлайди. Масалан, «Ҳайрат ул-аброр» достонининг ўн еттинчи мақолати «Баҳор йигитлиги назоҳатидаким...», дея, «Садди Искандарий»нинг эллик еттинчи боби эса «Йигитлик баҳорининг хушлуғи...» деб бошланган.

Халқда, кўпинча ёши улуғлар орасида «ёшлигимни соғиндим», «қани энди ёш бўлиб қолсайдим» каби жумлаларни эшитамиз. Бу — кўпчиликнинг истаги, ушалмас орзузи. Достонда шунга монанд фикр учрайди. Шоир: «Соғиниб йигитликни жўше топай!», лейди. Навоий дунёни, тирикликни боғга ўхшатади. Бу чорбог йигитлик баҳори билан файзли эканлитини таъкидлайди:

*Жаҳон чорбоғики дилкашдуур,  
Йигитлик баҳори била хушдуур.*

Навоий «Маҳбуб ул-кулуб»да ҳам ушбу мавзуга алоҳида тўхталади. Бошқа асарларида бўлгани каби бунда ҳам йигитлик, ёшликни гўзал, завқли пайт сифатида улуғлайди. Ёшликнинг қадрига етиш, унинг ҳар бир онини ганимат билишни баён этади:

*Аҳбоб, йигитликни ганимат тутунгиз,  
Ўзни қарисиқ меҳнатидин қўрқутунгуз.*

Шоир меросида кўп учрайдиган панду насиҳатлар,

инсон, ҳаёт, тириклик, яшаш мазмунни борасидаги ўтитларни отанинг фарзандига, устознинг шогирдига, аканинг укасига, улуғ донишманднинг келажак авлодга етказаётган ҳаёт сабоги, дейиш мумкин.

Навоий ота газабига учраган Тангри таоло газабига дучор бўлишини таъкидлайди. Айни пайтда машҳур адаби Аҳмад Юғнакийнинг бир рубоийсини келтиради:

*Атодин хато келса кўрма хато,*

*Савоб бил хато токи қиласа хато.*

*Атонинг хатосини билгил савоб,*

*Сени юз балодин қутқаргай худо.*

Бу баъзан учраб турадиган ота ва фарзанд низолари, арзимас нарсалар сабаб отасини бехурмат қилаётган айрим ноқобилларга ўзига хос ибрат. Навоий қитъаларидан бирида кексаларнинг кўнгли нозик бўлишини, уларнинг қалбига озор етказиб, одобсизлик қилмасликни таъкидлайди:

*Қарилар хотири нозукдур, эй тифл,*

*Шикастидин килиб вахҳ, ўлма густоҳ:*

*Унумтунгмуки, атфол ўйнағонда,*

*Синар оз майл кўргандин қуруқ шоҳ.*

Шоир айтмоқчи, кексаларнинг кўнглини олиш, уларга хизмат қилиш одоб белгиси. Ёши улуғларни хафа қилиб қўйишдан эҳтиёт бўлиш керак. Улуғ алломанинг бу мулоҳазалари бугуннинг энг долзарб масалаларидан ҳисобланади. Зотан, кексалари эъзозланаётган юртда уларга янада юксак ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, кўнглига мамнунлик улашиш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир.

Мақсуда САРИБОЕВА,  
филология фанлари номзоди

### «Ким олим эса...»

Ҳазрат Алишер Навоий ўз қаҳрамонлари тимсолида маънавий, ақлий, жисмоний ҳамда руҳий етукликка хос фазилатларни акс эттириб, уни бошқаларга ибрат мезони сифатида ифодалайди. Шоирнинг бу истак-ҳоҳиши бутунги кунимизнинг устувор вазифаси — баркамол авлод тарбиясининг бош мақсадига айланган, десак янглишмаймиз. Президентимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида таъкидланганидек: «Биз бу бебаҳо меросдан ҳалқимизни, айниқса, ёшларимизни қанчалик кўп баҳраманд этсак, миллий маънавиятимизни юксалтиришда, жамиятимизда эзгу инсоний фазилатларни камол топтиришда шунчалик құдратли маърифий куролга эга бўламиз».

Чиндан ҳам Алишер Навоий миллиатимизнинг гурури, шану шарафини дунёга тараннум қилган ўлмас сўз санъаткоридир. У уммон каби чексиз шеъриятидан ташқари, «Хамса» каби йирик юксак бадиий, «Маҳбуб ул-қууб» сингари тенгсиз ахлоқий асарларида, шунингдек, «Вақфия», «Мажолис ун-нафоис» каби битикларида тарбияга оид қарашларини ифода этади. Чунончи у «Маҳбуб ул-қууб»да илм ўқиб, амал қилмаган кишини шудгор қилиб, дәҳқончилик қилмаган ёки уруг сочиб, ҳосил кўтармаган кишига ўхшатади:

*Илм ўқиб, қилмагон амал мақбул,  
Дона сочиб, кўтармади маҳсул.*

Аллома ўзининг «Ҳайрат ул-аброр» достонида шахснинг касбий фаолиятидан келиб чиқадиган муносабат тарбиясига хос фаолликни миллий руҳда асослаб берган.

Ушбу достоннинг муҳим бир хусусияти шундаки, асарда юксак инсонийлик муносабатлари ўзининг теранлиги, халқчиллиги, тилининг бойлиги ва равонлиги билан ажралиб туради. Ундаги юксак гоялар бола шахсини меҳнатга, ўз касб-корига, оиласига, ота-онасига, она юритига меҳр-муҳаббат ҳиссини уйготади. Асадаги пок ахлоқий муносабатлар эса комиллик сари интилишга асос бўла олади.


Шоирниң таълим-тарбияга оид асарларида инсоннинг ҳар томонлама баркамол бўлиб етишишида унинг жисмонан бақувват бўлишига ҳам ургу берилган. Чунончи, буни Фарҳод, Қайс, Искандар каби сиймоларда кўрамиз. Шунингдек, унинг тасаввуридаги комил инсонга хос энг юксак фазилатлар қаторида ижодкорлик, қобилият, илм-фангга муҳаббат муҳим ўрин тутади. Ҳазрат Навоий комил инсон тарбиясида илм-фангнинг аҳамиятини талқин этар экан, илмни қоронгуликни ёритадиган чироқ, ҳаёт йўлларини нурафшон этадиган қўёш, одамларнинг ҳақиқий қиёфасини кўрсатадиган омил сифатида таърифлайди. Бу фикрини «Назм ул-жавоҳир» асарида шундай ифодалайди:

*Ким олим эса нуктада барҳақ де они,  
Гар базм тузар беҳишти мутлоқ де они.  
Ҳар кимса йўқ илмга, анга ахмақ де они.  
Мажлисдаки, илм бўлса ужмоқ де они.*

Яъни илмли, оқил одам ўз мақсадига эришиш учун ҳар қандай қийинчиликни енгигб ўтади, ким илмни ўзига таянч қилиб олса, у ҳеч қачон қоқилмайди, хор бўлмайди. Илмнинг вазифаси инсон баҳт-саодатига хизмат қилишидир, деб таъкидлайди бобокалон шоир.

Улуғ Навоийнинг қарашлари, олга сурган фалсафий-ахлоқий фикрлари бир ҳалқ, бир мамлакатга эмас, бутун башариятта тегишилдидир. Худди шу маънода, ҳазрат Навоий

ижоди замонлар оша бадиий тафаккур оламида давр билан боғлиқ ҳолда янгича маъно, янгича оҳангда жаранглайверади. Навоий асарлари бизни янги қарашлар, комиллик ва умуминсонийликка даъват этаверади. Даврлар ўтиши билан улуг шоир асарларининг янги-янги маъно ва мазмун қирралари кашф этилаверади. Бугунги таълимтарбия тизимишинг бош мақсади баркамол инсонни шакллантириш ва тарбиялашдан иборат экан, бунда Навоий даҳоси йўлчи юлдуз бўлиб хизмат қилиши муқаррардир.



Илмнинг ҳазрат Алишер Навоийниң маъниларини оид  
Маърифат РАЖАБОВА,  
филология фанлари номзоди

### Илм ўзликини англамакдир

Алишер Навоийнинг «Назм ул-жавоҳир» асари рубоийлар мажмуудан иборат. Уларда инсоннинг ўзлигини англаб етиши йўлида илмнинг қурдати, жаҳолатнинг зарари, тилни тийиш, кибр ва ҳасаднинг иллати тўғрисидаги фикрлар муҳим ўрин тутади. Зоро, ўқувчи баркамол инсон тарбиясида зарур бўлган сифат ва хислатларни «Назм ул-жавоҳир» таркибидаги рубоийлардан англаб олиши ҳам уни илм-маърифат сари бошлади. Шунга асосланган ҳолда эътиборни юксак инсоний фазилатларга бағишлиланган ҳикматлар орасида ажralиб турган — баркамол инсоннинг маънавий сифатларидан бири — илм-маърифатга, билим олишга даъват қўйувчи ҳикматли сўз ва рубоийларга қаратмоқчимиз.

Куръоннинг кўпгина оятларидаги сингари пайғамбаримиз ҳадисларида ҳам мўмин-мусулмонларни билимли, маърифатли, ўқимишли бўлишга даъват: илмнинг динни мустаҳкамлаш, эътиқодни тиклашдаги таъсири, инсон ҳаёти ва жамиятдаги ўрни, унинг фазилатлари ҳақида ажойиб фикрлар мавжуд. «Назм ул-жавоҳир» учун таянч манба бўлган ҳазрат Али қарашлари ҳам Куръону Ҳадисга ҳамоҳангдир. Алишер Навоий ҳазрат Алиниң илм ва илм олишга даъват қўйувчи, илм ва урфон аҳлини улуғловчи ҳикматларини ижодий таржима қилиш орқали ўзининг ахлоқий-таълимий, илоҳий-урфоний қарашларини рубоийлар мағзига сингдира боради.

Чунки илм — миллатнинг фаровон яшаси, диннинг мустаҳкамланиши учун керак бўлган маънавий ҳазинадир. Бу ҳазинадан олинганд, мўмин ва мўминаларнинг дину миллат, ҳалқ, фан фойдасига ярайдиган маънавий

бойликни ўрганишга сарғланган вақти ҳар қандай тоатдан афзалдир. Бойси, ҳар қандай боши маърифатдир. Қолаверса, тоатдан ҳам, илму маърифатдан ҳам мақсад — инсон руҳий — маънавий камолоти саналади.

Маълумки, Навоий яшаган, зиддиятларга тұла даврдаги илм аҳлига бұлған муносабат шоирни қониқтиrmас эди. Шу боисдан ҳам Навоий амалий фаолияти билан илм аҳлига доимо күмак беріб келди. Рубоийда жамият аязоларидан илм-ирфон аҳлига әзтиборда бўлиш, уларга меҳрибончилик кўрсатиш кераклиги таъкидланиши ҳам бежиз эмас. Шу билан бирга шоир ҳаётдаги барча ноъсорликларнинг чораси маърифатдир, деган хulosага келади ва бу билан Ҳазрат Али ҳикматида кўтарилган муаммо доирасини янада кенгайтиради. Ҳар қандай илм амали билан гўзал, албатта. Олимнинг илмидан эл баҳраманд бўлиши даркор.

*Саъй айлаки, ҳифзи ганжига етгайсен,  
Йўқ улки, кутуб саъй ила жамъ этгайсен.*

«Назм ул-жавоҳир»да юқорида қайд этилган ҳикматлардан ташқари, «Илмнинг камоли хилмдадир», «Илм мажлиси жаннат боғига ўхшайди», «Илмнинг заволи мақтанишдир», «Илмнинг даражаси сифатидадир» каби ҳикматларнинг ҳам назмий шарҳи берилган. Ҳикматли сўз ва рубоийларда тағиб қилинган мақсад ва моҳият битта: инсонларни илм ўрганишта, унга умрни баҳшида қилишга даъват, олинган билим билан халққа хизматда бўлиш лозимлиги таъкидланади. Шу билан бирга ўрганилган илмларни бошқаларга ўргатища баҳиллик, хасислик, манманлик қилиш нодуруст хислат эканлиги уқтирилади.

Хуллас, илм ва илм олишга даъват буюк сиймо Алишер Навоий томонидан ўзига хос услубда ҳикматли сўз ва рубоий орқали тарғиб қилинади. Уларни мутолаа қилган китобхон кўз ўнгига Алишер Навоий донишманд инсон, илм-маърифатнинг ҳомийиси ва тарғиботчиси сиймосида тавдаланади.

**Ботир ЗАРИПОВ,  
филология фанлари номзоди**

**«Бир насиҳат қылғум...»**

Жаҳон адабиётининг ёрқин намояндаларидан бири Алишер Навоий халқ хизматига бел боғлаб, ижод билан шуғилланишни жуда эрта мақсад қилиб олган эди. Шунинг учун ҳам ўз авлодларига буюк маънавий мерос қолдирди. Бу мерос инсон даҳосининг бадиий адабиёт соҳасидаги энг зўр ютуқлари бўлиб, киши ақлинни ҳайратга соларли даражада ҳар томонлама бой ва гўзалдир. Ижодкор ўз зеҳни, донолиги билан янада шуҳрат қозонганлигини у ҳақдаги ривоятлар ҳам исботлайди.

Ана шундай ривоятлардан бирига кўра, газал машқ қилиб ўтирган Алишер Навоийнинг ҳузурига бир киши кириб келиб, қуюқ саломлашибди-да:

— Навоий ҳазратлари, кўп йиллардан бери бир савол мени қийнаб келади. Ахийри олдингизга келишга мажбур бўлдим. Қани, айтинг-чи, рост билан ёлғоннинг орасида қандай фарқ бор? — деб сўрабди.

Навоий ўнг қўлининг кафтини чаккасига қўйиб, жим туришда давом этибди. Ҳалиги киши анча вақт жавоб кутиб, қараб турибди-да, охири тоқати тоқ бўлиб:

— Ҳазрат, жавобингизга мунтазирдурман! — дебди. Шунда Навоий жилмайган кўйи:

— Саволингизга ўша заҳотиёқ жавоб бердим-ку, тушунмадингизми? — дебди.

— Лом-мим деб оғиз ҳам очмадингиз-ку, ахир?! Нимани тушунай? — таажжубда қолибди ҳалити киши.

— Мана, кафтим чаккамда, — содла қилиб тушунтира бошлабди Навоий, — кўзим билан қулоғим орасида турибди. Бу кўз билан кўрганингиз рост, қулоқ билан эшигтанингиз ёлғон бўлади, деганим.

Навоийнинг ақлига қойил қолган ҳалиги киши:

— Офарин! Тасанно! — дебди.

Бу ривоятда зийрак Алишер Навоий рост билан ёлғоннинг фарқини билиш учун келган кишининг саволига ғоят нозиклик билан жавоб берганлиги тасвириланган. Шу билан бирга, ана шу ақду заковати туфайли шоир ҳар бир ўксик, мунгли қалб ноласию ошиғу ғарифнинг кўнглига наво бўла олган ижодкорлардан саналади. Бу навонинг ilk кўринишини шоирнинг ўзига танлаган тахаллуси — «Навоий»да кўрсак, иккинчи бир ҳолатини пурмаъно сатрларидан англаймиз.

Чинакам севги учун висол шарт эмас. Бирор ўз соҳасида ҳар қанча моҳир бўлмасин, ниятнинг ўзи билангина мақсад гўзалининг кўлини тута олмайди. Овчи ҳар қанча устаси фаранг бўлмасин, сув мавжи ёрдамида балиқ ушлолмайди. Зоро, Навоий фикрича, киши ўзини севган каби кўрсатгани билан ошиқ бўлиб қолмайди. Субҳи козиб (ёлғон тонг) субҳи содик (ҳақиқий тонг) дек ёргулмайди, дегандек бўлади:

*Киши ўзин ясағон бирла бўлурми ошиқ,  
Субҳи козиб ёрумас, ўйлаки субҳи содик.*

Шоир фикри сўнгидаги ошиқларга бир насиҳат қиласиди, ҳар томонга кўз солмасликни, токи кўнгил ҳар ён бўлмаслигини, фақат ва фақат маъшуқа дарди билан ёнмоғлигини бот-бот уқтиради:

*Бир насиҳат қиласум, эй ишқ аҳли, айланг истимоҳ,  
Солмангиз ҳар сори кўз, то бўлмасун ҳар ён кўнгул.*

Шундай экан, буюк бобомизнинг умр йўли, ижодий фаолияти авлодлар қалбida ибрат ва саодат қалити бўлиб, мангу яшайди.

## *Мутойиба*

### **Бир куни Навоий...**

Зайниддин Восифий «Бадоеъ ул-вақоєъ» («Ажойиб воқеалар») асарида шундай ҳикоя қиласи: «Мавлоно Ҳасаншоҳ жуда оғир моддий аҳволга тушиб қолган эди. У ўз ўғлига деди: «Бошингта кўк ўра, тўн кий ва амир Алишер олдига бор. Сени бу аҳволда кўрган амир: «Нима учун мотам либосидасан?» деб сўрайди, албатта. Сен: «Отам бечора дунёдан ўтдилар» дегин. Алишер, албатта, мени дафн этиш учун сенга бирор маблағ беради. Пулни олиб, бозорга бор ва овқат олиб кел»... Мавлононинг ўғли отаси айтган аҳволда Алишер олдида пайдо бўлди. Амир Алишер ундан: «Нима бўлди, мотам кийимидасан?» деб сўради. «Отам вафот этдилар, омонатни худога топширдилар», деди ўғил. Амир Алишер кўзига ёш олди ва: «Эй, афсус, мавлоно Ҳасаншоҳ давримизнинг нодир кишиларидан эди», деди ва ўғилга уч юз хоний пул инъом этди. Мавлононинг ўғли кувончидан ўзида йўқ бозорга чопди ва айтилган овқатни сотиб олиб, уйига келтирди. Эртаси куни Мавлоно Ҳасаншоҳ ўзи Навоий олдига кириб келди. Уни тирик кўрган Алишер кулиб юборди, ўзини кулгидан тутолмай деворга суюниб қолди ва деди: «Мулло, сиз ўлган эдингиз-ку? Нима бўлди?» Мавлоно Ҳасаншоҳ деди: «Эй, улуг амир, агар сиз кеча бизга пул инъом қилмаган бўлсангиз эди, мен бугун ўлган бўлур эдим». Ҳасаншоҳга Алишер яна яхши сарупо ва минг динор пул инъом қилди».

Саломат МАТКАРИМОВА,  
филология фанлари номзоди

## «Ул одат ила касби саодат қилгай»

Фарзанд — қўнгил боғининг муалттар гули, умр дарахти-нинг сархил меваси. Ота-она орзуларининг рўёби ундан, эзгу ишларининг давоми, наинки давоми, қилишга ултурмаган хайрли ишларининг келажакда амалга ошиши унинг қўлидан. Падару модар дил мулкининг шаҳзода ҳамда шаҳризодаси, жонига жон пайвастаси. Ҳазрат Навоий дарж қилғанларидек, фарзанд — ота-она ҳаёт дарахти йиқилмоққа майл этган чоғида бошига соя солувчи санавбардек расо, кўкка бўй чўзган ниҳол, даврон ҳодисалари молини ҳар тараф сочиб юборишидан асрорчи ворис, волидайн умрини ёритгувчи, элу юртга меҳр нурини сочувчи офтоб — меҳри ховар:

*Ким, эскирибон ҳаёти раҳти,  
Майл этса йиқилгали дарахти.*

*Нахл бўлғай ёнида наебар,*

*Раънолиги ўйлаким санавбар.*

*Итгач шажари баланд поя,*

*Солғай бошифа бу нахл соя.*

*Бутротқали молини ҳаводис,*

*Қўймагай агар бор ўлса ворис.*

*Умриға у ёқса меҳри ховар,*

*Тукқон эса ёна меҳри анвар.*

*Ул меҳр чу иртифоб тутқай,*

*Мажмуи қабиласин ёрутқай.*

Фарзанднинг ўрнини ҳеч нима босолмас, у — бир чечак, ота-она — гулистон: унингсиз гулистон қуриса, унда булбулнинг минг турфа хонишлари эшитилмас; у — нур, ота-она — шам, шамъи анвар ғам тунида ўчса, унинг атрофида чарх ураётган парвонадан уй ёrimас:

*Фоғилки, қуруди чун гулистан,  
Гулбонг эттас ҳазордастан.  
Ёғам туни ўчса шамыи анвар,  
Парвонадин ўлмас уй мунааввар.*

Ота-она садақа бериб, дуолар қилиб, очни тўйғазиб, ялангни ёпиб, ўлдим деганида топган «бағирға пайванд, балки парканд» фарзандни камолга етқазгунча қанча ғам-ташвиш дарёсини кечиб ўтади, ширин жонини азоб оташида қовуриб, дилбандини роҳат-фароғат манзилига дохил этади. Ҳазрат Навоий буни Қайс — Мажнуннинг отаси тилидан шундай баён этади:

*Уч-тўрт ёшингға тегру пайваст,  
Ғам қолмади бермаган манга даст.  
Сен қатраи сутдин олғуча ком,  
Юз қатраи қон қилиб мен ошом.  
Айлаб тобонингни чун тикан реши,  
Менинг жигаримга санчилиб неш.  
То илму-адабни ком қилдинг,  
Мактаб тарафи хиром қилдинг.  
Фоғил бўлман ишингда ғамдин,  
Борур-келурунгда бир қадамдин.  
Ким, фазлу-камол ёринг ўлгай,  
Илму-хунар ихтиёринг ўлгай.  
Тадриж ила тифл ўлур хирадманд,  
Сокинлик ила қамиш бўлур қанд...*

Фарзандига бирор ғам етишса, оқшомдан тонгтacha жони маҳзун, тонгдан оқшомга довур ашки гулгун, андуҳ ўти димоғини маҳрур этган, оқ сочи юзига коғур сочтан муштипар она чеккан изтиробларини кўтаришга тоғлар ожиз:

*«Ўғлум» деру ул сифат чекарвой  
Ким, чарх ўқининг қадин қилур ёй.  
«Бўтам» дебон айлар ул сифат печ  
Ким, қолмас руҳидин асар ҳеч.*

*Йиеглаб урар ўйла тош уза бош  
Ким, қолур аламда бошидин тош.*

Умр шомига субҳи риҳлат юз урган, ғам тўш-тўшидан ичига юз қўйган, шамъига зулмат ҳодис ўлган, жон қуши ҳар дам учарни тилаб турган ота-она нуридийдасидан нимани кутади, қандай оқибат кўришни истайди? Бу саволга ҳам ҳам улуғ мутафаккир ҳазину зор Қайснинг отаси тилидан жавоб беради:

*Қилғонда таним раҳл ёдин,  
Етса манга чархи бевафодин.  
Сен бўлгасен ул замон қошимда,  
Гаҳи оёғимда, гаҳ бошимда.  
Руҳ этган ила танимни маҳжур,  
Чун шамъи ҳаётим ўлса бенур.  
Ришта киби печу тобинг ўлғай,  
Парвонадек изтиробинг ўлғай.  
Сен умрга бўлгасен василам,  
Сендин ёргуғай яна қабилам.  
Гум бўлмагай эл ичинда отим,  
Бегонаға қолмагай жиҳотим.  
Йиққон неки маҳзани ҳисори.  
Бўлғай нақдим қўйлунгда бори.  
Ел ҳужрама солмагай гузар тез.  
Кимса ҳашамим сори назар тез.  
Руҳум бўлубон халаф била шод,  
Қолғай бори қавму хайлам обод.*

Ҳазрат Навоий «Хунардин мамлӯ, аммо айбдин пок» солиҳ фарзанднинг фазилатлари, ҳамда ахлоқи, волидай муҳтарамаларига меҳр-оқибати қандай бўлмоқлиги лозимлигини бетакрор бадиий обидаларида батафсил баён этиб беради. Хусусан, Фарҳод отасининг қўйидаги сўзларида ўғлидан кўнгли тўқ падар эътирофини кўрамиз:

*Атоким сен киби фарзанди бўлғай,  
Ҳаёти нахлининг райванди бўлғай.*

Ўлум вақти етишгач ғам егайму,  
Агарчи ўлса ҳам ўлдум дегайму...

Қарилек белидан тутиб, қўлига асо тутқазган ота-она фарзандлари ҳётида ўзининг иккинчи умрини яшайди, уларниң тимсолида ўзининг ёшлиқ даврини кўради. Шунинг учун ҳам ишларини давом эттиришини, ўзи эришмаган ютуқларга эришишини хоҳлайди, ўзининг ҳёст тажрибаси ва фарзандларининг ёшлиқ куч-файрати қўшилиб, муваффақият калитига айланишини истайди. «Ки, ўлмасдин бурун очиб кўзумни, Сарир узра йигит кўрсам ўзумни» деб ота ўғилдан умид қиласди. Қайсики фарзанд уларниң панд-насиҳатларига амал қўлмоқни ўзига одат қиласа, унга баҳту иқбол эшиклари очилиб, мартаба пиллапояларидан кўтарилиб бораверади:

Фарзанд ато қуллуғин чу одат қилғай,  
Ул одат ила қасби саодат қилғай,  
Ҳар кимки, атоға кўп риоят қилғай,  
Ўғидин анга бу иш сироят қилғай.

Навоий ҳазратлари ота сўзларига амал қилган, унинг ҳурматини жойига қўйган фарзанднинг саодатга эришишини айтиш билан кифояланмайди. Фарзанднинг ўзи ота бўлганида, ўз отасига қилган ҳурмат-эҳтироми ўғидан қайтишини алоҳида таъкидлайди. Бу сўзлар ҳаётда неча марталаб исботини топган. Ота сўзини бош устига қўйган неча фарзандлар мақсад манзилига етиб, ҳам ўзига, ҳам эл-юргита хушбаҳтлик келтирган бўлсалар, аксинча, волидайнини қариганларида хўрлаб, дилларига озор етказганлар ўз фарзандлари томонидан хорликка маҳкум қилинганлар. Зоро, Ҳадиси шарифда айтилганидек: «Отанга риоят қил – болантдан қайтади».

Афсуски, бугунги кунда айрим фарзандларнинг ота-она сўзларини қулоқча илиш хотирига келмас, балки уларниң бебаҳо кўрсатмаларини эътимод нуқтаи назаридан кўзга илмас.

Аммо, «Ҳар амрки бўлса фояти бор, Ҳар маҳлаканинг ниҳояти бор». Ёшлик завқ-шавқи беш кунча бўлмас, отона мўрт келади. Вақтида хизматини қилиб, ризолигини олмаганинг пушаймони ичига сигмас.

Манга зулм ўлди фалакдинки чу бўлдунг бемор,  
Керак эрдикни мен ўлсам бошинг узра ғамхор.  
Шарбатинг эзсан эди шираи жоним қўйшуб,  
Ичууруга қилибон жаҳд неким мумкин бор.  
Ҳам гизо мен керак эрдикни тутуб оллингда,  
Рағбат айларга десам эрди мулоийм гуфтор.  
Гаҳ бошинги тузатиб, гоҳ аёғингни ёниб,  
Эврулуб бошинга фарзандлиф айлаб изҳор, —  
деб Искандар каби нола қылғани иш бермас.  
Буким мен-мен, манга ўлмак даги ҳайф,  
Улус аҳволима кулмак даги ҳайф.  
Сен ар дардимдин ўлсанг ранжифарсои,  
Манга ул ранжису ғамдин вою юзвой!  
Мени розилиғингдин қилма навмид,  
Манга дўзах ўтими солма жовиди, —

дея Фарҳоддек фарёд қилишдан фойда келмас. Навоий ҳазратлари валад вужуди самин лаълининг кони бўлмиш ота-онани кўп фурқатда қолдирмаслик, йироқлиқ билан уларни меҳнатга қўймаслик, ўз кўнглича, улардан бемаслаҳат боши оқкан томонга кетмаслик, иссиқ ўрнини совутмаслик, бегонани уй сори ёвутмасликка чақиради. Ота-онани ранжитувчи иш қилмаслик, ҳар дам ўзини, кўнгил билан кўзини асрамоққа ундейди. Бинобарин, кўнгил пок бўлса, инсоннинг барча аъзолари саломат бўлади. Кўз эса дил ойнаси. Севги-муҳаббат дилга меҳмон бўладими, бирор хурсандчилик ва ёки мусибат юзланадими, инсон ўзлигини асраши лозимлиги қайта-қайта уқтирилади. Меҳнбону тилидан Ширинга айтилган сўзларга амал қилиш бугунги авлодга ҳам кони фойдадир:

*Ки, эй фарзанд, бир дам тут ўзунгни,  
Даме асра кўнгул бирла кўзунгни!  
Бу дам гар топса ҳушунг риштаси печ  
Бўлур бу неча йил қилғон ишинг ҳеч.  
Сени девоналиғ гар қиласа мағлуб,  
Пари райкар бўлур эл ичра маҳжуб.  
Ўзунгни асра бир дам, бўлма гойиб  
Ки, даҳр аҳли тилаб топмас маойиб.*

Ҳазрат Навоий олам очмоқни ўзига пеша қилган, бунинг баробарида муnis онани айрилиқ азобига қўйган ва охир оқибатда мулқорлигу шоҳлик шавкати онаси олдида ўғил сифатида қуллик қилиш, «кирпик била чун йўлин супуриб», ер ўпиди хизматини қилишга тенг бўлмаслигини тушуниб етган Искандар тилидан ота-онага хоки даргоҳлик айламоқлик айни шоҳликнинг ўзидир, дея эътироф этади:

*Не қилғон хаёлим бори хом эмиш,  
Ҳавас жоми қўнглумга ошом эмиш.  
Керак эрди, то кирди мағзимга ҳущ.  
Хирад токи солди димогимга жўши.  
Демон қиласам эрди ўғуллук санга,  
Қабул айласам эрди қуллук санга.  
Санга айлабон хоки даргоҳлик,  
Анинг отин айтсам эди шоҳлик.*

Дарҳақиқат, ота-она олдида фарзандлик бурчини бажармоқ, уларнинг корига яраб, дилини хушнуд этмоқ, хизматига шай туриб, қуллиқ бажо қилмоқ, хоки пойи бўлмоқ айни саодат, ҳазрат Навоий таъбири билан айтганда, шоҳлиқдир. Ҳар бир фарзанд буни англаб етса, нафақат ўз ота-онасига, балки, аввало, ўзига яхшилик этган бўлади. «Шоҳнинг фарзанди гулдур, нахлиға фарзанд шоҳ». Бинобарин, кишининг ўз ота-онасига муносабати фарзандлари учун ибрат мактабидир.

Зухра МАМАДАЛИЕВА,  
она мұғыт көзекбай

## ОЛМАГАРЫСТАР Навоий ижодида инсонни улуглаш

Улуг ижодкор Алишер Навоий ижодидаги мұхым ва асосий ғоялардан бири — инсонни улуглаш ғоясидир. Навоий ўз ижодида инсонни коинот гултожи, Яратганинг ҳалфаси, оламнинг мақсуди, қалбіда Оллоҳ маърифатини жо этган камолот соҳиби сифатида тасвирлайди.

«Хайрат ул-аброр» достонининг муқаддимасида Навоий Оллоҳға ҳамд айтар экан, хазинангдан бор гўзалликдан мақсад инсон эди, дейди:

*Мунча гаройибки мисол айладинг,  
Борчани миръоти жамол айладинг.  
Ганжинг аро нақд фаровон эди,  
Лек боридин гараз инсон эди.*

Барча гаройибларни яратдинг, барчасини жамолингта кўзгу қилдинг, ҳазинангда бойликлар кўп эдику-я, лекин буладан мақсад бир — инсон эди.

Яна шу достонда Навоий «биз одам зотини шарафли қилиб яратдик» мазмунидаги қудсий ҳадисга мурожаат қилиб, иқтибос санъатидан фойдаланган ҳолда инсонни барчадан улуг ва шарафли, дея улуглайди:

*Кониу ҳайвони, агар ҳуд набот,  
Ҳар бири бир гавҳари олий сифот.  
Борчасини гарчи латиф айладинг,  
Борчадин инсонни шариф айладинг.*

Кондаги маъданлар, ёки ўсимликлар ҳаммаси ҳам олий сифатли гавҳарлардир. (Буларнинг) барчасини гарчи, латофатли қилиб яратдинг, лекин улардан барчасидан инсонни шарафли айладинг.

Навоий оламнинг яратишидан мақсад инсон бўлса, инсонни яратишидан мақсад унинг камолоти, яъни қалбида Оллоҳ маърифатини асраган комил инсондир, деб ҳисоблайди. Бунда улуғ шоир оламни чаманга, инсонни ундаги гулга қиёслаб ташбех ва таносуб санъатларига мурожаат қилиб, гўзал шеърий санъатлар яратади:

*Бу чаман ўлмоғида мавжуд анга,*

*Бор эди инсон гули мақсуд анга.*

Бу чаман (олам) нинг мавжуд бўлмоғидан мақсад инсон гули эди.

*Зумраи инсон аро ҳам комиле,*

*Келди машаққат юкининг ҳомили.*

Инсон зоти орасида ҳам комил инсонга машаққат юкини ортиш (масъулияти) юклатилди.

Бу юк, бу масъулият айни пайтда ҳам шараф, ҳам оғирликдир. Бунга ҳазратнинг бунёдкорликка асосланган ўз ҳаёт йўли мисол бўла олади.

Ҳазрат Навоий комил инсон, демакки, коинот гулшанинг гултожи бўлиш учун ҳар бир инсонда имконият бор, деб баҳолаб, бунинг шарти ахлоқни поклаб, камолотга томон қадам ташлашдир, деб ҳисоблайди:

*Улки бу ахлоқ ила айлаб хиром,*

*Етса жафо айламагай интиқом.*

*Балки күдуратни сафо айлагай,*

*Неча жафо етса, вафо айлагай.*

*Они башар хайлининг инсони бил,*

*Одамийлар одамийси они бил.*


Қайси одам (ўзининг ҳаёт йўлида) ахлоқ билан қадам ташлаб, ўзига бошқалардан жафо етса ҳам, қасос олишни ўйламаса, балки қанча жафога шунча вафо билан жавоб

қайтарса, башарият аҳли орасида уни инсон, деб ата, (нафақат инсон, балки) одамийларнинг ҳам одамийси деб билгин.

Навоий ўз асарларида барча ўқувчиларни, ҳалқини мана шундай гўзал ахлоқ билан безаниб, камолот йўлида олға қадам ташлашини хоҳлади. Бу хоҳишнинг тарғиботи ҳазрат Навоийнинг барча ижоди ва биринчи навбатда «Хамса»нинг ilk достони, барча яхши хулқларнинг ињикоси — «Ҳайрат ул-аброр» достони юзага келади.

«Ҳайрат ул-аброр» достонининг муассинимасида Навоий Олдоҳга ҳамд айтадигимур. Ундан кутиришни ишлангача мансаби месон ташлашини таъсислашадиган монаъ

иинкож теддирижидан сабаби таъсислашадиган монаъ



## Дурдона

### Мұхаббат тилсими

Шириң ҳамиша атрофидаги түрт юз қызы билан бирга сафарға чиқар әди. У Гулгүн лақаблы отига миниб, бу талап Фарҳод ариқ қазиёттеган тоққа етиб борди. Шириң билан Фарҳоднинг учрашуви бундай тасвирланади (Шириң сүз бошлайды):


*Kи: «Эй нодир йигит оғоқ ичинда,  
Ягона өзархи нили тоқ ичинда!  
Аёң ҳолингда күп, күп булъажаблик,  
Ажабдин ҳам жаб ранжыу талаблик.  
Не сен ўхшаб жақонда бир кишига,  
Не қылған ишинг ўхшар эл ишига.  
Бу ишким, биз демай бунёд этибсен,  
Баҳоят күнглумизни шод этибсен.  
Бўлур эрдук ҳусули ичра ожиз,  
Хунар эрмас, қўлунг кўргузди мўъжиз.  
Агар юз қарн узройин бўлоли,  
Нетиб бир кунчиллик узринг қўлоли.  
Ишинг узрида юз биздек ўтангай,  
Не биздин, менгридин олингга ёнгай».*

Шундан кейин Шириң бир товоқ жавоҳир сўради, уни Фарҳоднинг бошига сочди. Фарҳод ҳам Шириңни кўриб, айниқса, унинг бу шириң сўзларини эшитиб, тамом беором бўлди. Ҳаяжон аро:

*Деди: «Жонпарвар анфосингдин ўлдум,  
Унингдин, умр ранжидин қутулдум.  
Не англайким, қаю маҳру экансен,  
Ичим қон айлаган сенму экансен?!  
Мени гурбат аро бечора эткан,  
Диёру мулкдин овора эткан,  
Чиқиб жоним унунгедин бўлғач огоҳ,  
Юзунгни кўрмай ўлдим оҳ, юз оҳ!  
Анингдек оҳ тўфонин чиқорди  
Ки, маҳвашнинг ниқоби елга борди.*

Күрүнгач ул жамоли оламоро,  
Анинг матлуби бүлди ошкоро.  
Хамул эрдикى, мафтун бўлмиш эрди,  
Кўруб кўзгуда мажсун бўлмиш эрди.  
Бироғким акс кўргач хуши кетса,  
Ўзин кўргач, нетонг, жон таркин этса.  
Бироғким бўлса майнинг зикридин маст,  
Нетонг, ичканда бўлса ер уза наст.  
Чу Фарҳод ул пари эрканни билди,  
Чекиб ўтлуқ фигон андоқ ийқилди...

«Фарҳод ва Ширин» достонидан.



**Отабек ИСМОИЛОВ,**

**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.**

### **Эъзозга мушарраф**

Мумтоз қўшиқ янграмоқда. Ундаги сўз ва соз ўйғунлиги дилни сеҳрлайди:

*Хазон сипоҳига, эй боғбон, эмас монеъ*

*Бу боғ томидга гар иғнадин тикан қилғил...*

Бу бетакрор хонишни тинглаганда, хаёл узоқ-узоқларга парвоз этади. Ва беихтиёр хушёр тортиб, шу дам, шу олаётган нафас учун шукроналар айтасиз. Зоро, донишмандлар баҳорнинг кузи, ёзниңг қиши бор, деган наклни бежиз айтишмаган. Ҳазрат Алишер Навоий ҳам:

*Бу гулестон аро булбулга раҳм қил, эй гул,*

*Ки «ҳай» дегунча хазон юзланиб, баҳор борур,  
дек латиф бир тарзда таъкидлаганлар.*

«Хазойин ул-маоний»дан жой олган шеърларда ҳам шоирнинг умр поёни ҳақидаги фикрлари акс этган сатрлар оз эмас. Лекин нисбатан бу мавзудаги назм жавоҳирлари табиий тарзда ўз номига монанд «Фавойид ул-кибар» («Кексалик фойдалари») да кўпроқ учрайди.

Шоир фикрича, киши умрининг ҳар бир фаслини, яъни болалиги — баҳорини, йигитлиги — ёзини ҳам, ўрта яшарлигию кексалиги — кузи ва қишини ҳам хайрли ишиларга, эзгу амалларга сарфламоги даркор.

Илм олиб, касб-кор эгалламаган, элга бирор бир нафи тегмаган, ўзидан яхши из қолдирмаган кимсанинг иши афсус ҳамда пушаймонликдир. «Маҳбуб ул-кулуб»да таъкидланганидек, бундай киши кексайса «ҳасрат ва надомат ёшининг сели бадан деворини йиқади.

Номуродликлар зинданы — будир; ноумидликлар харобаси — будир».

Хаётини беҳуда ўтказиб охирида хорликка мубтало бўлган ва оқибатда яшашдан безган кимсага «Кўп яшанг, умрингиз узоқ бўлсин!» дея қилинганд тилак ҳам фалати, худди қарғишдек туюлса; ажаб эмас.

*Йигитлигидан киши қилмади итоати амр,  
Не суд чун қариди, нечаким пушаймондур...  
... Не турфа ишки, бирор чун ториқти умридин,  
Деса «узун яша» қарғишдур анга бу алкиш.*

Шоир қарашиба, ёши улуғларнинг улкан масъулияти ҳам бор. Уларнинг сўзида, хатти-ҳаракатларида умр сабоқлари, ҳаёт тажрибалари акс этмоғи, ҳар қадамлари ибрат бўлмоғи лозим.

«Қарилек ёшлик майига хуморликдир, йигитликдаги соғломликни ҳасрат-ла қўмсашиликдир» («Маҳбуб ул-қулуб») дея уқтирган мутафаккир кексаларни ёшига муносиб ҳаракатларга даъват этар экан, «Эй, Навоий, ҳузн ила ўткар қарилғи меҳнатин», дея қатъий аҳдини билдиради. Зоро, ёшларни яхшиликка чорлаб, шукроналик ила дуога қўл очган нуроний отахону онахонлар ҳамиша ҳар жойда ибратга муносиб, эъзоз ва хурматга мушаррафдир.

**Омонулла МАДАЕВ**

## **«Олам маъмурлиги алардин...»**

Сарлавҳада келтирилган бу сўз ҳазрат Алишер Навоийнинг «Маҳбуб ул-қулюб» асаридан олинган. Бу ўринда гап эл маъмурлиги, ободлик ва фаровонлик асосчилари бўлган дехқону миришкорлар ҳақида кетаётганини пайқадингиз. Бинобарин, буюк бобокалонимизнинг катта ҳаётий тажрибаси маҳсули бўлган мазкур асарда, асосан, инсоннинг касб-хунарига доир одобахлоқи, маданияти, шунингдек, фазилат ва нуқсонлари ҳақида сўз боради.

Аввало, шуни айтиш жоизки, Навоий ҳаёти ва ижоди билан шуғулланувчи олимларнинг аксарияти мутафаккир асарларини ўзи яшаган даврнинг асл қомуси, деб қайтакайта таърифлаганлар. Бундай эътирофга заррача шубҳа қилмаган ҳолда, таъкидлашни истар эдикки, ҳазрат асарлари инсоният тараққиётининг ҳеч бир даврида ўз қийматини йўқотмаган, йўқотмайди ҳам. Зоро, Навоий даҳосининг буюклиги ҳам у яратган асарларда илгари сурилган гоя ва қарашларнинг ҳамиша барҳаётлиги, мудом замонавийликка хослигидадир.

Мазкур асарнинг «Дехқонлар зикрида» деб номланган бобида дехқон меҳнати, матонати шарафланади. Бободехқон меҳнати ҳақида гап кетар экан, шоир фақат ёрқин бўёқлардан фойдаланади, ижобий шарҳларга мурожаат этади: «Олам маъмурлиги алардин, олам аҳли масрурлиги алардин...»

Табиий савол туғилади: нима учун шундай?

Масалан, шоир бошқа касб-кор эгалари ҳақида фикр юритар экан, кўпинча салбий мулоҳазаларга боради, таассуф ва надоматларини яшиrmайди. Айтайлик, шоир, ҳатто, мударрислар ҳақида ҳам шарт-истак майлида

«...гарази мансаб бўлмаса ва билмас илмини айтишга уринмаса... нопокликдин қочса...» дейди. Бундай ёндашув ноиблар, бозор косиблари, хунармандлар таърифида ҳам сезилади. Ҳазратнинг табиблар хусусида айтган мана бу фикрларини эса, ҳеч иккисиганмай, ҳозир ҳам ҳар бир тиббиёт ходими учун бош қоида сифатида қабул қилиш мумкин: «Табибга ўз фанида ҳазоқат керак ва беморлар ҳолига шафқат ва марҳамат керак. Ва нафси тибга табии мулойим ва ҳукамо пайрав ва мулозим. Сўзида рифқу дилжўйлик ва ўзида озарму хушхўйлик...» (Мазмуни: Табибга ўз ишида маҳорат, беморларга қарашда шафқат ва марҳамат керак. Касбига садоқатли, донишмандлар сўзларига эргашувчи бўлсин. Сўзида кўнгил овлашлиқ, ўзида ҳаё ва хушфеълиқ бўлсин).

Бободеҳқон таърифига келганда эса бу қадар илиқлик ва самимиятни қаранг: «Дехқонки дона сочар, ерни ёрмоқ била ризқ йўлин очар... Дехқонки тузлуқ (тўғрилик, яхши ният) била дона сочар, ҳақ (Аллоҳ) бирига етти юз эшигин очар...»

Шоирнинг дехқонга бўлган эҳтироми ўзгача руҳ билан йўғрилганлиги бежиз эмас, албатта. Бу касб эгаларининг «ризқ йўлини очувчилар» дейилиши ҳам бор гап. Масалан, дехқон ҳосил қўтариб, хирмон қилгунча ундан қушларми, курт-қумурсқаларми, кемирувчи жонзорлар дейсизми, барчаси баҳраманд бўлади. Ўроқчию машоқчилар ҳам қуруқ қолмайдилар, ризқ топадилар. Доң хирмонга уолгач ҳам ризқ йўли «тўсилмайди». Энди йўлкезар сайёҳлар, тетирмончилар, савдогару новвойлар манфаат кўрадилар. Новвойнинг тандири қизидими, билингки, ҳатто, гадойнинг тўрвасида ҳам нон бўлади. Ва ҳазрат дейдики: «Дехқоннинг бир дона сочарида бу ҳолдир, ўзга ишларига таъриф маҳолдир...»

Дастлабки хуносадан сўнг боғбонлик, боғдорчилик тараннумига ўтилади. Яна бир жиҳат шундаки, ҳазратнинг

маъмурчилик ҳақидаги муроҳазалари фақат моддий неъмат билан чегараланмайди. Негаки, маъмурлик маънавий заминга ҳам эга бўлиши лозим. Қориннинг эмас, кўзниңг тўклиги мухимдир. Шунинг учун шоир «Маҳбуб ул-кулуб»нинг иккинчи қисмida қаноат, сабр, одоб каби инсоний фазилатларга доир ташбеҳлар келтиради. Чунончи: «Қаноат булоқдир — суви олган билан қурилмайди; хазинадир — нақдинаси сочган билан камаймайди; экинзордир — уруғи иззат ва шавкат мевасин беради; дараҳтдир — шохи тортинчоқлик ва ҳурмат мевасин етказади. Кўнгилга ундан равшанлик фойдаси етар ва кўз ундан ёруғлик натижаси ҳосил этар...»

Энди бугунги фаровон ҳаётимизни, бозорларимиздаги тўкинлигу серобликни қаранг. Турмушимиздаги ободлик, кут-баракани кўринг. Бу нимадан? Мустақилик туфайли дехқон меҳнати қадр топаётганидан эмасми? Ерга бўлган муносабат ўзгариб, бебаҳо хазинамиз ўзининг асл эгаларига берилаётганининг шарофати эмасми бу? Биз-чи? Биз ҳамиша ҳам бундай фаровон ҳаётнинг қадрига етаяпмизми, уни асраб-авайлаляпмизми?

Шу ҳақда ўйлаганда, ҳақиқий фаровонликни ҳалол меҳнатда, сабру қаноатда, деб билган улуғ бобокалонимизнинг теран тафаккурига қойил қоласан, киши.

**Навбаҳор НУРМУҲАМЕДОВА,**

**тадқиқотчи**

### **ИЛМ КОМИЛЛИККА ЭЛТАДИ**

Навоийнинг мулоҳазалари, панду насиҳатлари умумий бир фояга — комил инсонни тарбиялашга қаратилган. Унинг қатор асарларида ана шундай олижаноб мақсаднинг ёрқин бадиий ифодасини кузатиш мумкин. Буюк шоирнинг таърифича, жонли ва жонсиз табиат ҳодисаларининг ҳар бири бир мўъжиза, аммо улар ичида энг латифи, бу — Инсон.

Хаёт — энг муаттар гулшан, инсон эса, ана шу гулшанга тароват багишлиб турувчи гул.

*Очилғон бу гулшанда инсон гули,  
Не инсон гули, боғи ризвон гули...*

Унинг вужуди шараф либосига бурканган, боши эса улуғлик тожига сазовор, қалби — сирлар уйи, чехраси пок руҳ жилвагоҳи бўлмиш мусаффо ойнадир.

Навоий инсонни таърифлашга киришаркан, ўз мақсадини ифодалаш учун ёрдам берадиган бирорта унсурни четда қолдирмайди. У инсон кўнглини ҳақиқий Буюк олам, деб атайди. Бу борадаги мулоҳазалари фақат инсон шарҳигина бўлмай, тарбиявий аҳамиятга ҳам эгадир. Бинобарин:

*Кимки бир кўнгли бузукнинг хотирин шод айлагай,  
Онча борким, Каъба вайрон бўлса, обод айлагай.*

Шоир асарларини кузаттан ҳар бир китобхон унинг бутун ижобий имкониятлари инсонда ана шу буюк туйғу — ўз-ўзини идрок этиш ҳиссини уйғотишга қаратилганлигига ишонч ҳосил қиласди. Шу жиҳати аҳамиятлики, Навоий ўзининг «Лисон ут-тайр» достонининг охирида ҳақиқий мақсаднинг очиқ баёнига ўтади:

*Ўз вужудунгга тафаккур айлаги;  
Хар не истарсен, ўзунёдин истаги!*

Демак, Навоий нуқтаи назарича, инсон азалдан белгилаб қўйилган тақдир ишларини беихтиёр бажарувчи эмас, балки чексиз имкониятларга эга ва айни замонда ўз тақдири ҳамда фаолияти учун масъул бўлган ижодий қудрат тимсолидир.

Навоий ҳаёт бўстонининг гултожи, энг шарафли зот, вужудида чексиз имкониятлар яшириниб ётган инсонни етук ҳолда кўришни, унинг ўз тили билан айтганда, «кўзи ҳам, кўнгли ҳам, тили ҳам, қўли ҳам пок» бўлган баркамол инсонни орзу қиласди.

Навоий шахс камолоти, аввало, унинг ўзига боғлик, деб ҳисоблади. Яъни инсон ўзидаги салбий хусусиятлар замини бўлган нафсни ўз иродасига бўйсундира олсагина, камолот йўлига киради, лекин бунга осонликча эришиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам Навоий инсон учун ҳақиқий жасорат тўқайдаги шерни мағлуб этиш эмас, ўз вужудида яшаб келаётган нафс итини енга олишда, деб ҳисоблади:

*Беша шерин гар забун қилсанг, шижсаотдин эмас,  
Нафс итин қилсанг забун, оламда йўқ сендек шужо.*

Баркамол авлод орзуси азал-азалдан долзарб. Бундай мұхим вазифани адo қилишда Навоий адабий мероси улкан аҳамиятга эга. Жумладан, бобокалонимизнинг меросини кент тарғиб-ташвиқ этиш, айниқса, ёшларимизнинг чуқур ўқиб-ўрганиши келажакда уларнинг етук шахс сифатида улгайишларига замин яратади.

## Назар ЭШОНҚУЛ

### Данте, Навоий, Шекспир

Жаҳон адабиётида буюк сиймолар унчалик кўп эмас. Агар инсоният бадиий тарихида ўтган чинакам даҳо сўз санъаткорларини бирма-бир санаб чиқсан, икки кўлимиздаги бармоқларнинг баъзилари иккинчи марта очилмайди. Бироқ ана шу санъаткор даҳолар ичидан ҳам барча давр кишиларини ҳайратта солувчи сўз даҳолари ундан ҳам камроқ, ана шундай даҳолар сафида Данте, Навоий, Шекспирнинг ўрни алоҳида, зеро, улар барча замонларнинг чинакам сўз даҳолари бўлиб қолаверади. Мазкур санъаткорларда жуда кўп муштарак жиҳатлар борки, бу жиҳатлар Навоий сиймосини Фарбнинг улуг шоирлари ичидан яна ҳам улуғлаштириб қўяди.

Биз бутун бобомиз Навоийни Фарбнинг мунозарасиз буюк даҳолари саналмиш икки сўз санъаткори билан қиёслаш орқали ҳазратнинг улуғлар ичидан улуг шоир эканини яна бир бор ҳис этишни истадик.

Дантега кўра, одамнинг борлиги иккига ажralиб, вужуди одамлар орасида-ю, руҳи дўзах қийноғидалити, А. Навоийга кўра эса икки ошиқ қалбнинг руҳлари бирлашиб, бир баданга жо бўлиши қизиқ хulosаларга ундаиди.

Мұҳабbat йўқ жойда тубанликка йўл очиқ, жаҳолат севги дарахтида эмас, адоват бутоғида етишади. Адоват одам борлигини парчалаб ташлайди. Мұҳабbat охир-оқибатда ҳатто хунхор кучларни бирлаштиради. Бир-бирларини кўрарга кўзи йўқ Лайли ва Мажнун қабиладошлари икки ошиқ қалб садоқати қаршисида лол қолиб, низони унугтадилар. Шунда Арасту сўzlари эсга тушади: мұҳабbat бирикув, адоват нифоқ сабабчисидир.

Данте сотқин одамни тириклигига иккига бўлиб,

рухини дўзахда, иблисий вужудини тириклар орасида қолдиаркан, гўё вужудга алданманг, баъзан унда одаммас, иблис макон этган бўлиши мумкин дейди. Яна у сотқин ўзи сотган одамни ёки ҳақиқатнимас, авваламбор, ўзини жазолайди, ёмонлик ўзига ўзи ихтиёрий жабрдир, деб таъкидлайди. Инсон Оллоҳ кўрсатган йўлдан адашган сайнин ўз вужудини дўзахга шунчалик яқинлаштиради, унинг руҳи тириклигига даёт жаҳаннам азобига дучор бўлади.

Дантенинг «Комедияси»да шарқона фалсафа, шарқона оҳанг, шарқона мушоҳада кезиб юришининг сабабларидан бири, таниқли олимлар Нажмиддин Комилов ва Фозил Сулаймонов ёзганидек, унинг ижоди Шарқ уйғониш ва Шарқ фалсафаси таъсирида камол топганидадир. Зеро, унинг ижодида Ибн Сино фалсафасининг таъсири катта бўлгани бутун илм аҳлига сир эмас. Данте ва Навоий фалсафаларидағи ўҳшашликлар, бир томондан ана шу нарса билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, уларнинг дохиёна хаёлий ва ақлий құдратларига боғлиқдир. Данте ўз жамиятининг, ўзи яшаган тузумнинг разолат ботқоғига боттанини кўрсатар экан, инсониятни Навоий каби фақат ишқ қутқаради, дейди.

«Лайли ва Мажнун» Шарқнинг қайгули ишқ достони, «Ромео ва Жульєтта» Фарбнинг фожиали муҳаббат қиссасидир. Бу асарларнинг сюжет йўналишлари Навоий ва Шекспирдан анча олдин пайдо бўлган эса-да, икки даҳо мазкур сюжетта янгича ўлмас рух баҳш этдиларки, бу асарлар инсониятни ҳамон сехр жозибасида тутиб келмоқда. Мазкур икки асарни солишириш жуда қизиқ ва чуқур илмий кашфиёт ҳамда хulosаларга олиб келиши мумкин. Энг аввало, бу достонда Шарқ ва Farb бадиий тафаккуридаги фарқ — уларнинг тасвир принципидаги фарқ кўзга ташланади.

Ҳозирча икки асарнинг хulosаси қисмларини солишириш билан чекланамиз. «Ромео ва Жульєтта»даги кўп жиҳатлар

130 йил олдин ёзилган «Лайли ва Мажнун» достонига жуда ўхшайди. Гарчи, «Лайли ва Мажнун» афсонаси сюжети XVI асрда Европага маълум бўлган ва шу афсона таъсирида ўнлаб Европа халқларининг севги афсоналари вужудга келгани ҳақидаги тадқиқотлар мавжуд эса-да, биз илмга ҳурмат нуқтаи назаридан Шекспир асари Лайли ва Мажнун афсонасининг Фарбча варианти, Шекспир Шарқ афсонасини европалаштирган, деган холосадан ўзимизни тиямиз. Бироқ Ромео ва Жульєттадаги нафақат умумий сюжет линияси, балки қаҳрамонлар ҳам, характерлар ҳам, асар қурилиши ҳам «Лайли ва Мажнун» асарининг айнан ўзидир. «Лайли ва Мажнун» достонида Навоий «Фироқнома» деб атаган асар сўнгиди Лайли жон таслим қиласди. Буни эшиттан Мажнун Лайли ётган уйга учиб кириб, унинг ёнида жон беради.

«Ромео ва Жульєтта» асарида ҳам Ромео Жульєттани ўлди, деб ўйлаб, у ётган сагана бошида турганча заҳар ичади (Заҳар ичиди жон бераётган Ромео монологини эсланг).

Алишер Навоий ҳам ҳақиқатнинг шу жиҳатини очади. Ҳазратгэ кўра, агар инсон ошиқ бўлса, ошиқлик кенг маънода, яъни Яратганга ошиқликкача унинг руҳи пок бўлиб, ўзи қалби пок руҳлар билан топишади, бирлашади, яъни роҳатда яшайди. Нопок вужуд эса ҳатто ўз руҳини тутиб туролмайди.

Бу борада ҳам Алишер Навоий буюк Данте билан ҳамфикр. «Лайли ва Мажнун» достонида асосий воқеа тутагач «Эй ишқ...» деб бошланувчи боб мавжудки, унинг ҳар бир сатри «Илоҳий комедия»нинг хотимасини кувватлаб-кучлантириб турғандек туюлади.

Оллоҳнинг биз анлаган энг улуғ мўъжизаларидан бири, балки биринчиси — бутун коинот тузилиши билан одам вужуди ва қалбининг ўхшаш, мос қилиб яратилганидир. Бу нарса физик ва биологик қашфиётларда ҳам қайд этилган.

Оламни ҳаракатга келтирувчи куч, ҳазрат Навоий наздида, ишқидир. Одам зотига шундай улугворлик баҳш эттүвчи ишқ Дантеңинг севги маъбудаси Амур каби бутун коинотни юргизиб турса не ажаб! Ҳазрат Навоий «Лайли ва Мажнун»нинг юқорида тилга олинган бобида ишқи мажозий ва ишқи ҳақиқий ҳақида фикр юрита туриб мубориз бир холосага келади: «Аввалгисида киши тозаланиб, иккинчисига ўтса, йўқ-йўқ, уругини экса ҳам, уни бутунлай тарож этиб, унинг рамзий шаклидан асар қолмаса, кўринадиган жойдан кўринмасдан мақсадга сингиб кетса, ҳаёт ва коинотнинг яратилишига мақсад шудир». Насрий баён холосани ҳазратнинг ўз сўзларида келтирайлик.

*Мақсад будур, ҳаётдин бу,  
Бил хилқати коинотдин бу.*

Ишқ буюк Навоий талқинида ҳаёт ва коинот яратилишининг мақсади сифатида қўйиларкан, худди шу нуқтада у буюк Данте ва Шекспир билан муштаракликка эришади.

Данте, Навоий ва Шекспирнинг юксак бадиий тафаккурлари — фазодаги учрашув ана шу тарзда воқе бўлади.



**Олимжон ДАВЛАТОВ**

## **Фурсат ғаниматдир**

*Уй бино айлаб ажабтур элни меҳмон айламак,  
Улки бу уй ичра беш кун меҳмоне беш эмас.*

Алишер Навоий шеъриятида тушунилиши осон бўлган байт ва ғазаллар талайгина. Бундай ғазалларни шарҳлашда, одатда, шеърнинг бадиий-эстетик жиҳатига қўпроқ эътибор берилади.

Жумладан, юқорида келтирилган байтда «беш кун» ва «беш эмас» ибораларида сўз ўйини — тажнис санъати қўлланилгани боис алоҳида диққат талаб қиласди. Бунда шоир «беш» сўзининг туркий ва форсий маъноси (беш сўзи туркийда саноқ сон, форсийда кўп, ортиқ, зиёд маъноларини англатади) ни қўллаб, тасаввурни маъномоҳият сари ҳаракатлантиради ва қалбда кечинмалар тўлқинини жунбушга келтиради. Бунинг натижаси ўлароқ «беш кун» ибораси ўқувчини теранроқ мулоҳаза юритишига, тафаккур қилишга чорлайди. Чунки ҳалқ орасида «беш кун» ибораси қатори «тўрт кун» таъбири ҳам қисқа давр, бебақо дунё маъносида тенг ишлатилади, лекин Навоий шеъриятида «тўрт кун» дунёнинг бебақолигини англатувчи тавсиф сифатида бирор марта қўлланилмаган, айнан «беш кунлик» дунёга эса алоҳида ишора бор. Чунки оқил, покдомон, жамият ва раиятга фойдаси тегиб турган зот учун — «беш кун» жуда оз. Бунда шоир надомати ҳам акс этади. Ахир яхшилар ила олам гўзал. Яратган шундай кишиларга узоқ умр берса эди. «Беш кун» — аммоқи, лоқайд, нафси амморага енгилган, фақат ўз тинчини деб яшаган инсонлар учун ниҳоятда беспоёнлик касб этади. Сабаби, улар ўз маънилари торлиги туфайли, алалоқибат зерикадилар, ҳаловатларини йўқотадилар. «Беш кун» шундай бир юкни елкаларига соладики, унинг ноаён

азобидан еру күкка сиғмайдилар. Воқеан улар ўтган вақт оралиғида најжот ва тасаллига пойдевор құввати хоссаларни вужудларида мавжуд этолмаганлар, баайни катта қоп — тана бору ичи бўш. Айтиш жоизки, тасвир ва баённинг зоҳирий гўзаллигини кўзлаб, маъно юқидан озод сўзларнинг оҳангдорлигига қараб шеърга жойлаштириш Навоийдек тасаввури дақиқ шоир учун мутлақо ёт ҳодиса. Шунинг учун мумтоз шеъриятимизда кўлланилган ҳар бир тимсол, ҳар бир сўзнинг тарихий тадрижи ҳақида маълумот тўплаш, таҳлил қилиш ва муайян шеърга татбиқ эта билиш — тадқиқотчининг бирламчи вазифалариданdir.

«Беш кун» ибораси Навоийдан олдин ҳам, Навоийдан кейин ҳам Шарқ шеъриятида кенг кўлланилган. Хусусан, Навоийни ўзига устоз деб билган туркман шоири Махтумқулининг:

*Узангинг тортарлар, тўрт кун кечган сўнг,*


*Беш кундан ортиқча меҳмон тўхтамас*

деган сатрлари бор.

Навоий ўқиб-истифода қилган манбалардан бири —  
Хожа Абдуллоҳ Ансорийнинг «Илоҳийнома» асарида  
ҳаётнинг бешта энг муҳим куни Жунайд Бағдодий  
талқинида берилган. Унга кўра, ўтмишни хотирлаб,  
олдинги муваффақиятлардан магурланиб юришдан фойда  
йўқдир, чунки мозийдаги шавкат қайтарилмас, ўтмиш  
хатолари тузатилмасдир. Шу боис ҳар бир умр лаҳзаларидан  
тўғри фойдалана билиш, нафс аталмиш душман билан  
аёвсиз қурашиб, ахлоқни адаб жавоҳирлари билан «безаб»  
бориш жуда ҳам муҳим.

Кундалик ташвишларга кўмилиб умргузаронлик қилиш,  
кўзни қамаштирувчи тақинчоқлар, пуч ҳою ҳавасларга  
иштиёқмандлик, бу — ҳаётсеварлик эмас. Аксинча,  
яшашдан мақсад, яхшилик ва ёмонлик, ҳаёт ва тириклик  
жумбоқлари каби азалий ҳамда абадий муаммолар хусусида  
фикр юритиш, тириклик аталмиш бебаҳо неъматнинг

қадрини англаш ва унга муносиб бўлишга интилиш ҳаётнинг чин маъноси ва мазмунидир. Бинобарин, «Киши ўзи маърифат қилган нарсанигина яхши қўра олади...» Шу жиҳатдан, Навоий беш кунлик дунё ҳақиқатини теран мушоҳада этишга, ушбу ҳақиқат асосида ҳаёт кечиришига даъват этади.



## Ибодат БОЗОРОВА

### Одоб — маънавият чироғи

Алишер Навоий асарларидаги асосий гоя инсон камолотидир. Шоир жамият ҳаётини синчковлик билан таҳлил қиласи, инсоният тарихига назар ташлайди. Шу кузатишлар асносида ниятнинг эзгулиги, комиллик сари иентилиш инсонни юксалтиришига ишора қиласи.

Навоийнинг эътирофича, комилликка эришиш, шарафга ноил бўлишнинг асосий шарти ёмон ахлоқни бартараф этишдир:

*Бордир инсон зотидаонча шараф,  
Ким ямон ахлоқинэтса бартараф.*

Шоир «Ҳайрат ул-аброр»да инсонни мукаррам этувчи фазилатлар ҳамда тубанликка бошловчи иллатлар хусусида ҳам фикр юритади. Мансаб, мартаба, бойлик одоб ўрнини боса олмайди, дейди Навоий:

*Элга шараф бўлмадижсоҳу насад,  
Лек шараф келди хаёву адаб.*

Одоб ва одобсизлик ўртасидаги масофа у қадар узоқ эмас. Ҳатто қулги ҳам меъёридан ошса, одобсизлик хисобланади:

*Кулгуки ўз ҳаддидинўлди йироқ,  
Йиғламоқ андин кўпэрур яхшироқ.*

Кишининг ўз ўрни ва ҳаддини билиши, ўзгалар ҳакига риоя этиши ҳам одобдан далолатдир:

*Гарчи адаб шарти бағоят керак,  
Хар киши таврида риоят керак.*

Навоий оила масаласига алоҳида эътибор қаратади. Инсон оиласида ҳам одоб шартларига риоя этиши дозим. Оила

бошлиғи рафиқаси ва фарзандлари учун масъулдир. Фарзандларга яхши исмлар қўйиш ота-онанинг фарзи ҳисобланади. Зоро, фарзандлар исмлари туфайли уялиб юрмаслиги керак:

*Бириси қўймоқлик эрур яхши от,  
Ким десалар етмагайандин ўёт.*

Ота-онанинг фарзанд олдидағи бурчларидан яна бири унга таълим беришдир. Илмли киши яхши-ёмонни фарқлайди, умрини беҳуда ўтказмайди. Навоий бу масалага жиддий эътибор беради:

*Қилмоқ эрур бири муаллим талаб,  
Қилғали таълим анга илму адаб.*

Пок ният, бирорнинг мулкига кўз олайтираслик, барчага бирдек эҳтиром қўрсатиш, камтарлик, сабр-тоқат, вафо, садоқат, ҳаё ҳам баркамол инсоннинг фазилатлари эканини таъкидлаган шоир одобнинг муҳим шартларидан бири ота-онанинг ҳурматини жойига қўйиш эканига дикқатимизни қаратади, улар ризосини олишга ундейди.

Навоийнинг ишқ, муҳаббат, вафо ҳақидаги фикрлари ҳам қимматлидир. Шоирнинг севги бобидаги истаги қатъиятли янграйди:

*Бўлмаса ишқ, икки жаҳон бўлмасун,  
Икки жаҳон демаки, жон бўлмасун.*

Шоирнинг фикрига кўра, ҳақиқий муҳаббатнинг макони — кўнгил. Бу илоҳий туйғу турли ҳирслардан, турфа илинжалардан холи. Ошиқ шундай инсонки, «Эрур дарднок, Ҳам тилу ҳам кўзи-ю ҳам кўнгли пок». Ишқ ўти ошиқни поклайди, «юзини сариф, кўзини ариғ» қиласди. Чунки ошиқнинг «жонида жонон ғамидин ўзга йўқ». Шунинг учун севмоқ — саодат:

*Кимки бу куймак анга одат дурур,  
Дунё уқбода саодат дурур.*

«Хайрат ул-аброр» достонида росттўйлик ва ёлғончилик, илмнинг қадри, элга хизмат, одамгарчилик, сўзниг сехри, тўғрилик ва ўғрилик, ҳаёт ҳикмати, умр фасллари, дунёнинг ўткинчилиги, майнинг зарари ҳақидаги фалсафий фикрлар талқини инсонни мушоҳадага ундайди. Хусусан, шоирнинг инсон умри тўғрисидаги қуидаги мисрлари кўнгилдан чуқур жой эгаллади:

*Шод ани бил даҳда ким ғам емас,  
Даҳр иши чун ғам егали арзимас.  
Чунки жаҳон боғи вағосиз дурур,  
Умр гули анда бағосиз дурур.*

Бағосиз умр гулига кўнгил боғламаслик, ҳаётнинг ҳар лаҳзасидан самарали фойдаланиш, хайрли ишлар салмоғини ортириш, «яхшилик била от чиқариш саодатига интилиш, мунир қунлар соғинчи, барқамоллик, эл осойишталиги Навоийнинг эзгу орзуларидир. Навоий асарлари асрлар оша яшаб келмоқда, авлодларга комиллик йўлини кўрсатмоқда.

Гансине аро нандо? Суръати  
Лек байран ташкиман макоми  
Баштаги «ғораз» сабаки  
Засвятисод мони мояни сабаки  
Минчеда сарбада тоннисердади

**Шаҳноза НОРҚУЛОВА**

## **Яхшилар ҳайрати**

Улуг мутафаккир Алишер Навоий жаҳон маънавий хазинасининг гавҳарлари бўлмиш асарларида борлиқ ва инсоният, унинг пайдо бўлиши, яратилиши ҳақида ижтимоий-сиёсий, диний-фалсафий дунёқарашини баён этади. Айниқса, бу қарашлар «Ҳайрат ул-аброр» достонида анъанавий муқаддимотларнинг таркибий қисми бўлган муножотларда яққол ўз ифодасини топган.

Тазаррулар оқими ягона қолип асосида яратилсада, уларда яшаётган замона рухи билан ҳамнафас ижтимоий-сиёсий, диний-фалсафий дунёқарааш тажассум топиши қонуний ҳол эди. Ҳар бир ижодкор муножотни яратар экан, унинг етакчи мавзуи бўлган Ҳаққа илтижолар, тавба-тазаррулар баёнини назмда ёки насрда анъанавий қолидан четга чиқмаган ҳолда ифодалайди. Ва бу боб воситасида борлиқнинг пайдо бўлиши, ундаги воқеалар хусусидаги ўз қарашларини ифодалайди. Жумладан, «Ҳайрат ул-аброр»даги муножот боби тўрт қисмдан иборат. Унинг уч қисмida бу ҳодисаларни яққол сезиш мумкин. Учала қисмida ҳам Ер, Осмон, Юлдузлар, умуман борлиқнинг тузилиши ҳақидаги баёнда муаллифнинг тафаккур дунёси намоён бўлади. Алишер Навоий наздида Осмон юксакдаги тўққиз қаватдан иборат, Ер эса айлана, доира шаклидаги жисм, яъни тупроқ қамраб олган кентликдан таркиб топган.

*Ҳам тўққиз афлокни чектинг рафиъ,  
Ҳам курраи ҳокни ёйдинг васиъ*

Назаримизда Алишер Навоий ушбу байтларда борлиқнинг Ер, Осмон, Юлдузларнинг пайдо бўлиши,

вазифаси, аҳамияти хусусидаги ўз мушоҳадаларини тасаввуф фалсафаси нуқтаи-назаридан шарҳлайди:

*Килди мазоҳирда хаёли зухур,  
Топгали ул ҳусун камоли зухур.*

Яратган — ҳусн ўз зухури-кўринишнинг камоли — ўзининг чексиз қудратини намойиш этиш мақсадида Мазоҳирни — борлиқни яратди. Бу яратилган Мазоҳир бирор нарсанинг пайдо бўлувчи, кўринувчи жойи, яъни борлиқ шоир наздига Ҳақнинг инъикоси:

*Жилваи ҳуснингга йўқ эрди ҳад,  
Кўзгу керак бўлди анга беадад.*

Бу байтда ҳам юқоридаги байт каби биринчи байт иккинчи байтнинг маъносига шарҳ, аниқлик киритмоқда. Шоир фикрича, «Тангри ўзининг моҳиятини, буюк қудратини, улкан имкониятларини қўзгуда — мавжуд оламда кўрмоқчи, негаки, унинг «жилваи ҳусни» моҳияти ҳадсиз поёнсиз».

*Жилваи ҳусн ўлғали зоҳир анга,  
Бўлди бу миърот мазоҳир анга.*

Шоир демоқчики, бу миърот кўзгу борлиқ Яратган учун бирор нарсанинг пайдо бўлувчи, кўринувчи жойи вазифасини бажаради, сўзсиз. Унинг «жилваи ҳусни» ҳақидаги ўз дунёқарашини мукаммаллаштирган ҳолда, бу миърот кўзгу — борлиқ Тангрининг жилваси, қудрати моҳияти гавдаланадиган, намоён бўладиган жой, восита эканлигини алоҳида таъкидлайди.

*Ганжинг аро нақд Фаровон эди,  
Лек боридан гараз инсон эди.*

Байтдаги «гараз» сўзи ушбу ўринда мақсад, ният маъноларини англатмоқда. Шоир «Ҳақнинг Миръот оламни, тўққиз қават тиниқ осмонни рисқ-рӯз манбай

Ерни ва унинг бағридаги қимматбаҳо хазиналарга тўла тоғ ва унинг конларини яратишдан муроди инсон ва унинг камоли учундир» демоқчи. Оламда мавжуд барча нарсалар худонинг хазинаси, бу хазиналараро энг қимматбаҳо бойлик — инсон, қолган барча бойликлар унинг манфаатларига хизмат қилимоги лозим. Негаки, Худонинг ўзи яратган энг яқин дўст — Инсон, унинг угина Оллоҳнинг турфа муқаддас сўзларини эштишга ҳам ҳақлидир.

*Кўнглимга қилдинг чу яқин ганжи қисм,  
Жисмини ул ганжга қилдинг тилсим.*

Навоий бу байтида Оллоҳга мурожаат йўсинида «Эй Оллоҳ! Сен инсонга Мақсад, тилсим — эски афсонага кўра, Ер остидаги хазинани сақлаш учун турли шакл суврат яратилгани каби Оллоҳ ҳам ўз неъмати — жонни, руҳни сақлаш учун инсон жисмини яратди. Жон, руҳ инсоннинг танаси, жисми ичра мужассам ва маҳфус» демоқчи.

*Маърифатинг ким қила олмай сифат,  
Қилдинг ани орифи ул-маърифат.*


Шоирнинг назаридаги худо қанчадан-қанча мавжудоту маҳлуқотлар яратди. Яраттаниларидан ҳеч бири унинг на моҳиятидан, на илму-маърифатидан хабардор, улар ичра фақат инсонгина Ҳақ моҳиятини, маърифатини билгувчидир, англовчидир, чунки Оллоҳ одамни шундай яратган. Навоий муножот бобининг учинчи қисмидаги ҳам Тангрининг бу олам ичра буюк ихтироси — муқаддас инсон ҳақидаги ўз қарашларини баён этиб, Оллоҳнинг йўқликдан борлиқни бунёд этганини, бу яратилган борлиқ олий сифатли гавҳар янглиф гўзал ва гўзалликка мойиллитини айтади, гарчи, барча мавжудотлар гўзал, нафис ва латиф яратилган бўлсада, бу гўзалликдан, бу

нағисликдан-да инсон улуг, мұғытабар ва шарофатли қилиб яратылған.

*Барчасини гарчи латиф айладинг,*

*Барчадин инсонни шариф айладинг.*

Алишер Навоийнинг бутун борлық, табиат ва инсоннинг яратилиши, пайдо бўлиши ҳақидаги қарашлари Ҳақни таниш сари интилган шоирнинг маънавий дунёси тажассумидир.



Навоий ҳазратвари руhen  
тәлабалари учун ғола түшсиз  
бозта күннен-күнга түбени

## **Эътироф**

### **Камолоти оламга ёйилган**

... Офтобни таърифлаш ақл қисқалигидан нишона, тоза мушк фазилати ҳақида қиссани чўзиш жоҳиллик аломатидир. Бу улуғ амирнинг мақбул ишлари ва қутлуг зикри рубъи маскуннинг барча мамлакатларида маълум, фазилатининг дабдабаси ва олий ҳимматининг камолоти бутун оламга ёйилгандир. Бу хусусда нима дейилса ҳам ибрат бўлғусидир.

**Давлатшоҳ САМАРҚАНДИЙ.**

**Умид БЕКМУҲАММАД**

### **Хотамтой шоир**

Алишер Навоий ҳазратлари оталаридан мерос мол-мулклари ва ўзларига давлат амалдори сифатида ажратилган ерлардан келадиган даромад ҳисобидан (ҳазратнинг мол-мулк ва ерлардан келадиган даромадлари кунига 18 минг шохрухий динорни ташкил қиласарди) Ҳиротда «Ихлосия» мадрасаси, «Халосия» хонақоҳи, масжиди жомеъ, «Шифоия», «Низомия» мадрасаларини, шу каби Марвда «Хисравия» мадрасасини, Ҳиротдан ташқарида «Работи ишқ», «Работи санг», шоир Аттор қабрига мақбара, Нишопур шаҳри атрофидаги жойлардан бирига «Работи яздобар», Гуласт булогидан Машҳад томон саксон чақирим узунликдаги ариқ қаздириб, шу ва бошқа ариқларга ўн олтига кўпприк барпо эттирган.

Хотамтой шоир фақат ана шу иншоотларни бунёд қилибгина қолмай, мадраса, масжид, хонақоҳларда яшовчи талабалар, бева-бечора, етим-есирларнинг ҳам моддий эҳтиёжларини таъминлаб турганлар. Масжид ва мадрасага ажратилган ерлардан келадиган даромад эвазига талабаларга нафақа, ишчиларга маош, кундалик озиқ-овқат, кийим-кечак бериларди. Мадраса ва масжидда яшовчилар энг биринчи шарт — ободончилик, тозалик, саранжом-саришталикка қаттий риоя қилишарди. Қиши фаслида қор ёғса ёки теварак-атрофидаги ариқлар балчиқ ва кум билан тўлиб кетса, тозалаш ишларига талабалар эмас, фаррош, ходимлар жалб этилган ёки мардикор ёлланган. Талабаларни дарсдан қолдириб жамоат ишларига жалб этишман қилинган.

Навоий ҳазратлари бунёд эттирган ҳар бир мадраса талабалари учун юзта пўстин, юзта тўн, юзта чакмон, юзта кўйлак, юзта тўнбон (чолвор), юз жуфт кавуш

улашарди. Шу каби уларнинг уй-рўзғор анжомлари — кигиз, полос, бўйра, ёритқич шамлар учун тўрт юз олтин пул сарфланган.

Саховат ва муруватлиликда хотамтой бўлган Навоий ҳазратлари тўрт юз эллик ботмон (57600 кг.) буғдой, икки юз етмиш ботмон (34560 кг.) нон, ўттиз ботмон (3840 кг.) чалпак, бир юз ўн ботмон (14080 кг.) ҳолва, тўққиз юз товоқ узум шинниси ёки мавизоб, бешта қорамол, ўнта қўй ва ботмон-ботмон гўштни мадрасадагилар учун инъом қиласидилар. Бундан ташқари, қиши фаслида янада кўпроқ саховат кўрсатиб, ҳар куни йигирма ботмон (2560 кг.) нон, уч тангалик гўшт, агар гўшт топилмаса, гўжа оши пиширириб берардилар.

Ҳазрат ўzlари барпо қилдирган иншоотларини қурган усталарни ҳам тақдирлаб юрардилар. Хондамир «Макорим ул-ахлоқ» асарида бу тўғрида шундай ёзади: «... Ушбу жаннатмисол масжидни безаш ва пардоzlаш ишлари поёнига етгандан кейин, 905 йил шаъbon ойининг ўн тўрtingчиси чоршанба (1500 йил 13 март) куни тадбир эгаси Амир Алишер ош тортиш маросимини ўтказиб, хатиб, имом воизлар, қорилар, мутавалли, ходимлар, усталар ва иморат ишчилари бу маросимга чақирилиб, зиёфат маросимлари амалга оширилди. Қарийб юз кишидан иборат гуруҳнинг қобилиятли қоматлари қимматбаҳо пўстинлар, аъло тикилган чакмонлар ва бошқа хил либослар билан безатилди.

Шундан кейин бу табаррук мақомнинг томи юзасини мустаҳкамлаш ва чидамлилигини оширишга ишора қилди. Иморат ишчилари асбоб-ускуна тайёрлаш, усталар эса уларни ишга солишга киришиб, бир оз вақт ичида сони таҳминан ўн тўрт жарив миқдордаги бино томларини икки қаватли қилиб ёлиб, устини сомонли лой билан сувадилар, кўнгилни бу ишлардан батамом фориг қиласидилар. Шу пайтда ҳидоятли Амир яна бир тўй керак-яроғини ҳозирлаш

тұғрисида қайта-қайта фармон берди. Фармона бардорлар бу ишга машгул бўлиб, бу чақириққа эллик бош қўй ва тўққиз бош от сарфладилар...»

Хондамир мазкур асарининг бир бўлимида Навоий ҳазратларининг хайр-саҳоватларини яна бир бор қаламга олиб ўтади: «Ул ҳазрат Навоий мазкур йилнинг шаъбон ойи ўрталари (1499 йил март ойи охири) да яна бир бор фахрли шаҳар Ҳиротни ўзининг муборак чехраси билан нурга тўлдирди. Шу сабабдан, машойих, саййид ва олимлардан тортиб, барча аҳоли ва фуқаро foятда шоду хуррам бўлдилар. Шу аснода ҳидоятли Амирнинг кўнгли Ансория остонасида катта йифин қилиб, Ҳирот шаҳри улуғларини меҳмон қилишини, улардан фотиҳа сўрашни тилаб қолди. Мулозимлари чақириқни тартибга солиш ишлари билан шуғуланиб, етмиш беш қўй, йигирма бош от ва ўттиз ботмон қанд сарфладилар. Бошқа харжларни шунга қиёслаш лозим...»

Навоий ҳазратлари эл учун шу даражада фидойилик қиласардиларки, мурувват истаб келган ночор фуқаро, масжид, мадраса, хонақоҳда яшаётган кишилар ёзда кум чанги, қишида лойда юришдан қийналмасин, деб йўлларга тош ҳам ётқизганлар. Шу тариқа, Мир Алишер келаётган даромадларни, бор мол-мулкларини илму фан, маърифат ишларига, эл ободлиги-ю, равнақига сарфлар эдилар.

## **Навоий асарларидан намуналар**

### **ФАЗАЛЛАР**

## «Қаро қүзум...»

Қаро қүзум келу мәрдүмлүг әмди фан қылғил,  
Күзум қаросида мәрдүм кеби ватан қылғил.

Юзунг гуллига күнгүл равзасин яса гулшан,  
Қадинг нүхөлига жон гулшанин чаман қылғил.

Таковарингә бағыр қонидин ҳино боғла,  
Итингә ғамзада жон риштасин расан қылғил.

Фироқ тогида топилса туфроғим, эй чарх,  
Хамир этиб яна ул тогода күйкен қылғил.

Юзунг висолиға етсун, десанд, күңгулларни,  
Сочингни боштын-аёғ чин ила шикан қылғил.

Хазон сипоҳиға, эй боғбон, әмас мониң,  
Бу боғ томида гар игнадин тикан қылғил.

Юзида терни күруб ўлсам, эй рафиқ, мени  
Гулоб ила юву гул барғидин каған қылғил.

Навоий анжумани шағқ жон аро түзсанг,  
Аннинг бошоғлиғ ўқын шамьи анжуман қылғил.

### «Тун ақшом келди...»

Тун ақшом келди күлбам сари гүл гүлрүх шитоб айлаб,  
Хироми суръатидин гүл уза хүйдин гулоб айлаб.

Қилиб мужғонни шабравлар кеби жон қасдига ханжар,  
Белига зулфи анбарборидин мушкын таноб айлаб.

Күёшдек чехра бирла тиyrа күлбам айлагач равшан,  
Манга титратма тушти зарра янгығ, изтироб айлаб.

Кулуб ўлтиридо илким чекиб, ёнида ер берди,  
Такаллум бошлади ҳар лафзини дүрри хушоб айлаб.

Ки, эй зори балокаш ошиқим, менсиз нечуктурсен?  
Мен ўлдум лолу айта олмадым майли жасоб айлаб.

Чиқарди шишаи май дөғи бир соғар тўла қуиди,  
Ичиб, тутти менга, юз навъ нозосо итоб айлаб.

Ки, эй мажнун, парий кўрдунг магарким, тарки ҳуш эттинг?  
Такаллум қил бу соғарни ичиб, рафғы ҳижсоб айлаб.

Ичиб, фарёд этиб туштум аёғига, бориб ўздин,  
Мени йўқ бодаким, лутфи анинг масти хароб айлаб.

Аниким, элткай васл уйқуси шират туни мундок,  
Навоийдек нетар то субҳи маҳшар тарки хоб айлаб.

## **«Қизил, сариф, яшил»**

*Хилбатин то айламиш жонон қизил, сариф, яшил,  
Шублаи охим чиқар ҳар ён қизил, сариф, яшил.*

*Гулшан эттим шиқ саҳросин самуми оҳдин  
Ким, эсар ул дашт аро ҳар ён қизил, сариф, яшил.*

*Шишиадек кўнглумдадур гулзори ҳуснунг ёдиёдин,  
Тобдоннинг аксиадек алвон қизил, сариф, яшил.*

*Оразу холинг била ҳаттинг хаёлидин эрур  
Кўзларимнинг олдида даврон қизил, сариф, яшил.*

*Лаългун май тутқил олтун жом бирла сабзада  
Ким, буладин яхши ўйқ имкон қизил, сариф, яшил.*

*Факр аро беранглик душвор эрур беҳад, валек  
Хирқада тикмак эрур осон қизил, сариф, яшил.*

*Эй Навоий, олтину, шингарфу зантор истама,  
Бўлди назминг рангидий девон қизил, сариф, яшил.*

## «Қоши ёсінму дейин...»

Тұн Қоши ёсінму дейин, күзи қаросинму дейин,  
Хир Құнглума ҳар бирининг дарди балосинму дейин?!

Киңи Құзи қаҳринму дейин, кирпеки захринму дейин,  
Бели Құнглума қадыннан дағындағы руҳсори сафосинму дейин?!

Күйе Ишкі дардинму дейин, ҳажри нағардинму дейин,  
Манса Бу қатиқ дард аро васлининг давосинму дейин?!

Күтіп Зулфи доминму дейин, лаъли каломинму дейин,  
Такса Бирининг қаддин, яна бирининг адосинму дейин?!

Ка, Мен Турфа холинму дейин, қадди ниҳолинму дейин,  
Мөвлид Мовий күңглак узра гулранғи қабосинму дейин?!

Чикау Чарх ранжисинму дейин, даҳр шиканжисинму дейин,  
Шайб Жонима ҳар бирининг жағасинму дейин?!

Ки, Такса Эй Навоий, дема қошу күзининг васфини, айт  
Коши ёсінму дейин, күзи қаросинму дейин?!

Ишаб, фарәд зәтиб шүштім алғыла, бориб тәжім  
Бодакым, лұтғи анық жасты қароб айла.

Анса үй-кеси шырат түни жүндөк,  
Дөр сүбән маңынғы тәркі хоб айнал

## «Истангиз»

*Истаганлар, бизни саҳрои балода истангиз,  
Водийи ҳижрон ила дашти фанода истангиз.*

*Вомиқу, Фарҳоду Мажнундеклар ул водий аро  
Бўлсалар пайдо, мени ҳам ул ародада истангиз.*

*Юз аларнинг ишқича дарду, балоу гуссага  
Толиб ол бошига қолган мөжарода истангиз.*

*Эйки, истарсиз саводул вакъҳ фиддорайндин,  
Боҳабар бўлмоқ мени юзи қарода истангиз.*

*Кўнглум ул зулф ичрадур, зинҳор ишқим шарҳини  
Истаманг мен телбада, ул мубталода истангиз.*

*Нуқта янглиғким, вафо узра қилур котиб рақам,  
Ишқ ўтингинг догини аҳли вафода истангиз.*

*Оғзи шавқидин Навоий итти, они истар эл  
Ё адам даштида, ё мулки фанода истангиз.*

## «Эй юзунг боди...»

Эй юзунг боди насимида ҳавоиши наврүз,  
Лаъли тожинг бўлуб ул боғда бўстонафрўз.

Зулфу рухсор ила комимга мени етқурсанг,  
Ҳар тунунг қадр ўлубон, ҳар кунунг ўлсун наврўз.

Кўнглум ул лувбат илигида гирифтор ўлмиш,  
Кушни ул навъики лаъб аҳли қилур дастомуз.

Дарди ҳажрингда куяр кўнглуму ўз ҳолимга  
Кишиисизликдин ўзумдурмен ўзумга дилсуз.

Даҳр золига кўнгул бермаки, Рустамларни  
Макр ила айлади ожиз бу ситамгора ажуз.

Кўк жафосидин ўлур хобгаҳинг бўз туфроғ,  
Бўлса остингда сипеҳр ашҳаби янгиғ кўк бўз.

Эй Навоий, сену Ҳусрав била Жомий таври  
Санъату рангни қўй, сўёда керак дард ила сўз.

## «Оразин ёпқач күзумдин...»

*Оразин ёпқач күзумдин сочилур ҳар лаҳза ёш,  
Үйлаким пайдо бўлур юлдуз, ниҳон бўлғач қуёш.*

*Кут бир бодому ерим гўшаи мөхроб эди,  
Форати дин этти ногаҳ бир балолиғ кўзу қош.*

*Бу дамодам оҳим ифши айлар ул ой ишқини,  
Субҳнинг бот-бот дами андоқки айлар мөхр фоши.*

*Бўсае қилмас мурувват асру қаттиқдур лабинг  
Десам, оғзи ичра айтур лаъл ҳам бор навъи тоши.*

*Новакинг кўнглумга киргач жон талашмоқ бу экин  
Ким, қилур пайконини кўнглум била жоним талош.*

*Умри жсовид истасанг фард ўлки, бўстон Хизридур,  
Сарвким, даъб айлади озодалиғ бирла маош.*

*Қоши оллинда Навоий берса жон айб этмангиз,  
Гар бўдур мөхроб, бир-бир қайғусидур барча боиш.*

## «Тилагим сенинг ҳузуринг...»

*Тилагим сенинг ҳузурунг, талабим сенинг жамолине,  
Неча күн тириклигимдин гаразим сенинг висолинг.*

*Чидай олмасам фироқинг, ўпа олмасам аёқинг,  
Кўра олмасам назиринг, топа олмасам мисолинг.*

*Манга даштдин фараҳ йўқ, манга бошдин тараб йўқ  
Фараҳим сенинг ҳадисинг, тарабим сенинг хаёлинг,*

*Ажал ушбу дамки, кўюнгдамен олса жоним, боре  
Бошим ўлса хоки пойинг, таним ўлса поймолинг.*

*Юзида урубсен, эй меҳр, камоли ҳусндин дам,  
Манга равшан ўлди бу дамки етибтурур заволинг,*

*Нега маркинг этмай, эй чархки, шому ахтаримдин,  
Қародур юзунг ва лекин оқ эрур юзунгда холинг.*

*Майи ишқ чун Навоийни жаҳонда қилди расво,  
Бу қадаҳни, дўстлар, эмди онинг қошидин олинг*

## «Ошиқ ўлдум...»

*Ошиқ ўлдум, панд берманг — чорам асбобин тузунг,  
Ишқ зор этганга зулм этманг — тараҳхум күргузунг.*

*Эйки, дерсиз ишқ аро сабринг уйин обод қил,  
Мундоқ этгунча ҳаётим қасри бунёдин бузунг.*

*Сарвинаозимким борур күй богидин, қылмон қабул,  
Гар анинг ўрнида тўби нахлини ўлтурғузунг.*

*Онсизин, эй дўстлар, не заҳру не оби ҳаёт  
Ким, мусовидур манга гар ўлтуруринг, гар тиргузунг.*

*Гар ажсал тургузмади жиссими ни ул ой кўйида,  
Дўстлар, наъшимни боре анда бир дам тургузунг.*

*Дурд келтурдунг дебон ёзгурмангиз, эй аҳли ишқ,  
Бок йўқ, зуҳдум ридоси кунжига солиб сузунг.*

*Чун Навоий кўнглини қилди гириҳ бир тори зулф,  
Дўстлар, сарриштаи уммиидни андин узунг.*

## **«Мени мен истаган...»**

*Мени мен истаган ўз сүхбатига аржуманд этмас,  
Мени истар кишининг сүхбатин кўнглум писанд этмас.*

*Не баҳра топқамен андинки, мендин истагай баҳра,  
Чу улким баҳраи андин тилармен баҳраманд этмас.*

*Нетай ҳуру пари базминки, қатлим ё ҳаётимға,  
Аён ул заҳр чашм айлаб ниҳон, бу нўшханд этмас.*

*Керакмас ой ила кун шакликим, ҳусну малоҳатдин,  
Ичим ул чок-чок этмас, таним ул банд-банд этмас.*

*Керак ўз чобуки мажнунваши қотил шиоримким,  
Бузуғ кўнглумдин ўзга ерга жавлони саманд этмас.*

*Кўнгул уз чарх золидин, фирибин емаким, охир  
Ажал сарриштасидин ўзга бўйнунгга каманд этмас.*

*Ул ой ўтлуғ юзин очса, Навоий тегмасун деб кўз,  
Мухаббат тухмидин ўзга ул ўт узра сипанд этмас.*

## «... Гуландомим била»

*Бир қадаң май ичмадим сарви гуландомим била,  
Бир нафас эврүлмади даврон менинг комим била.*

*Хар маеким онсиз ичтим топғали ғамдин амон,  
Захри ғам гүё эзилмииш әрди ул жөсөмим била.*

*Тунга етмас күнни ўтқардим ўлуб ҳижеронида,  
Күнга еткайменму, вах, бу сүбхән йүқ шомим била.*

*Қайда бўлсин музтариб кўнглумга ором, эй рафиқ,  
Тутмадим ором чун бир дам дилоромим била.*

*Эй сабо, ул гулга муҳлиқ фурқатим пайғомин айт,  
Балки жон нақдин анга еткүр бў пайғомим била.*

*Кўнглум ичра бут ғами, қуфр ичра ўлсам яхширок,  
Аҳли дин оллинда боргунча бу исломим била.*

*Эй Навоий, ўлсам армон элткимдур, ичмайин  
Бир сабуҳи гулузори бода ошомим била.*

*Сокини ғаннарадик ошуғланып,  
Демаки, мисст ли-тоди сабо мана*

*Ет Навоий төшиб, жаңынчун  
Еслан таштүркисидур, ғынон*

## «Севунгил, эй күнгүл...»

*Севунгил, эй күнгүл, охирки жисминг ичра жон келди,  
Кувон, эй жони маҳзунким, ҳаёти жовидон келди.*

*Сафардин ул парий етти, мени маҳзунни шод этти,  
Күнгүлдин эски ғам кетти, тан ичра янги жон келди.*

*Хирад, йиг бу масофингни таҳаммул, қўй газофингни,  
Вараъ, тарк айла лоғингники, ошуби жаҳон келди.*

*Дамеким андин айрилдим, кўнгулни ҳамрахи қилдим,  
Бугун келди кўнгүл, билдимким, ул номеҳрибон келди.*

*Келинтур ёшурун ул шаҳ, мени мажнун эман оғаҳ,  
Парий эрмас эса бас, ваҳ, нечук кўздин ниҳон келди.*

*Фалак боқти фигонимга, ажсал раҳм этти жонимга,  
Хазонлиғ бўстонимга гули боғи жинон келди.*

*Муганий бир навое туз, Навоий нағмае кўргуз,  
Аёқчи, томса тут, тўйқузки Доройи жаҳон келди.*

## «Шайдо мени»

*Охки, ишқ әйлади шайдо мени,  
Солди жунун күйига савдо мени.*

*Ишқ ила савдо бүлубон муттафиқ,  
Айладилар даҳрда расво мени.*

*Дашт аро Мајснун демайинким, вухши,  
Келдилар айларга тамошо мени.*

*Кимники ишқ истади қаты эткали,  
Хајср равон айлади пайдо мени.*

*Кимки мени ўлтурур, ул тиргузур,  
Йүкса қочар, күрса Macихо мени.*

*Дайр эмас эрди ерим, озгуруб,  
Солди буён бир бути тарсо мени.*

*Войки, ўлтурғали қылмас писанд,  
Ишқ яна кимсаны илло мени.*

*Соқийи гулчехрадин ошуфтамен,  
Демаки, маст айлади саҳбо мени.*

*Ёр Навоийни тилаб, эй күнгүл,  
Ё сени ўлтургусидур, ё мени.*

## «Келгай» одаша

Сөзлүк  
Не кун ўлгайки, нигорим келгай,  
Күн  
Боги умрумда баҳорим келгай.

Сифары  
Умр бодида баҳор улдурким,  
Көлгүй  
Сарв қад лола узорим келгай.


Киргиз  
Үлмагаймен йүлида, гар бошима  
Воротын  
Секретиб шаҳсуворим келгай.

Көзтүрк  
Ул гадо жониға ўт тушкайким,  
Бүткүй  
Олгали шамъи мазорим келгай.

Көзтүрк  
Күйида штти күнгүл, вах, қачон ул  
Парис  
Масти девона шиорим келгай.

Фарык  
Қани майким, чу ичиб маст ўлсам,  
Хасан  
Күкка туз бокчали орим келгай.

Мұсақат  
Эй Навоий, тиламон ҳуру парий,  
Айтын  
Шояд ул базмда ёрим келгай.



# РУБОИЙЛАР



\* \* \*

Жонимдаги «жым» икки долингға фидо,  
Андин сүңг «алиф» тоза нұхолингға фидо,  
«Нүн» и дагы анбарин ҳилолингға фидо,  
Қолған иккі нұқта иккі холингға фидо.

\* \* \*

Нұш айлар әмиш қадағни жонона тұла,  
Соқий, манга тут жоми ҳарифона тұла.  
Күй, гар худ әрүр сипеҳр паймона тұла,  
Хар нечаки, холий этсам, эт ёна тұла.

\* \* \*

Номанғки, тириклигимдин улдур маттуб  
Очиб үкүгач бир неча лағзи марғуб,  
Күп тұлғаниб ашқ ичра үзүмдин бордим,  
Ул навқки, су ичига тушкай мактуб.

\* \* \*

Номанғки, әрүр боиси иқболу тараб,  
Етқурса тараб мени ҳазинға не ажаб.  
Елгуз мендин кетармади ранжу тааб  
Ким, бўлди басе ҳалқ ҳаётиға сабаб.

\* \* \*

*Бир айбға гарчи халқ қылғай мансуб,  
Фақр ахлидин изтироб эмастур маҳсуб  
Сидқ әрса худ эттак керак ўз феълинин хўб  
Кизб әрса, маломат даги бордур матлуб.*

\* \* \*

*Су кўзгусини боғ аро айларда шитоб,  
Сиймоб қилур эрди таҳаррук била тоб.  
Дай қилди бу симонни андоқ кўзгу  
Ким кўзегу анинг қошида бўлғай сиймоб.*

\* \* \*

*Йўқ бодайи васл, оби ҳайвон ул эмиш,  
Аҳбоб мулоқоти дема, жон ул эмиш.  
Гардун ғаму ранж сувратин нақши этса,  
Жон чехраси атрофига ҳижрон ул эмиш.*

\* \* \*

*Йиллар тутубон шайх мақолотига гўши,  
Не кўнглума завқ етти, не жонима жўши.  
Жонимга наво солдию кўнглумга хуруш,  
Бир журъа била мугбачайи бодафуруши.*

\* \* \*

Олам бор эмиш, Навоиё, шўрангиз,  
Оlamдаги эл боштин-аёғ рангомиз.  
Ишқ истар эмиш сени адам Мисри сари,  
Борғилки, эрур эл тилаган ерда азиз.

\* \* \*

Аҳбоб денгизки, хонумондин тамаъ уз,  
Не хону не мон, кавнү макондин тамаъ уз.  
Не кавнү макон, жону жаҳондин тамаъ уз,  
Лекин демангиз муники, андин тамаъ уз.

\* \* \*

Жондин сени кўп севармен, эй умри азиз,  
Сондин сени кўп севармен, эй умри азиз.  
Ҳар неники, севмак андин ортуқ бўлмас,  
Андин сени кўп севармен, эй умри азиз.

\* \* \*

Лаълингни қилиб нуктасаро, эй қоракўз,  
Ишқ ахли ҳаётига яро, эй қоракўз.  
Чекма яна сурма кўз аро, эй қоракўз,  
Эл қонига қилма кўз қаро, эй қоракўз.

\* \* \*

*Гар ошиқ эсанг зебу тақаллуфни унут,  
Яхшию ёмон ишда таҳаллуфни унут.  
Үткан гар эзур ёмон таассуфни унут,  
Келган гар эзур яхши тасарруфни унут.*

\* \* \*

*Бўлди менинг ўлмагимга савдо боис,  
Савдога ҳавоий жоми саҳбо боис.  
Саҳбога даги дайру ҷалипо боис,  
Бу барчага ул дилбари тарсо боис.*

\* \* \*

*Қўрқутма мени томуғдин, эй зоҳиди ях,  
Жаннат маңга бўлгуси дебон урма занах,  
Ким дўзах онинг ёди била жаннат эзур,  
Жаннат бори сенинг биладур дўзах.*

\* \* \*

*Ружкори уза холларин ул дилбанд,  
Очи чу мени кўрди басе ҳожатманд.  
Айшимга ёмон кўз этмаган эмди газанд,  
Хоссаки, ул-ўқ бўлубтур ўт узра сипанд.*

\* \* \*

Ешиимга багир қони чу эрди монанд,  
Күз асралы ёшдек бўлуб андин хурсанд.  
Турмади кўзумда еткач ул сарви баланд,  
Бўлмас киши фарзанди кишига фарзанд.

\* \* \*

Кўнглум сайди узуб улустин пайванд,  
Саргаштасифатлиғ била эрди хурсанд.  
Куллоби муҳаббатинг яна солди каманд  
Сайдеки, узуб эди расан, айлади банд.

\* \* \*

Эй шарбати лаълинг оби ҳайвондин алаz,  
Ҳайвон суйини кўйки, чучук жондин алаz.  
Не жондин алаz, не оби ҳайвондин алаz  
Ким, ҳарнеки йўқ, андин алаz, андин алаz.

\* \* \*

Дедим зақанинг тутуб, сакоғингни ўпай,  
Кўз қошингга суртубон қабогингни ўпай.  
Гулдек юзунг ислафон дудогингни ўпай,  
Йўқ, йўқ-йўқ, агар десанг, аёғингни ўпай.

Азиндер

Халық

Улук шоңдайын хасб. \*\*\* бориск масылалар.

Акыл боло. *Хар зулф ҳамиға құлма вобаста мени,*  
шамсыздар. *Хар күз ҳавасидин этмагил хаста мени.*  
Салындар. *Хар қош татағыға солма пайваста мени,*  
салындар. *Е раб, борисидин айла вораста мени.*

\*\*\*

Мунглұғ бошим остидағы тошиимніму дей?  
Тош устидағы гаріб бошимніму дей?  
Ҳасрат суиідин күзімдә ёшиимніму дей?  
Үлмакдин сағроқ машиимніму дей?

\*\*\*

Күз бирла қошинг яхши, қабогинг яхши,  
Юз бирла сүзинг яхши, дудогинг яхши.  
Әңг бирла менгинг яхши, сақоғинг яхши,  
Бир-бир не дейин, бошдин аёғинг яхши.

\*\*\*

Номангки, менга муждайи жоне эрди,  
Хижрон ғамидин хатти амоне эрди.  
Зұлматқа саводи гар нишоне эрди,  
Мазмұн аңға оби зиндагоний эрди.

Ким истаса салтанат, саходур анга шарт,  
Ҳар ваъдаки айласа вафодур анга шарт.  
Ким факр талаб қисса, фанодур анга шарт,  
Олиға неким келса, ризодур анга шарт.

\* \* \*

Бир гул ғамидин дедим қўяй бағрима доғ,  
Боргайму дебон атри димогимга фароғ,  
Боргин чу мулаввас айлади бүм ила зоғ,  
Эмди ани исламакка юз ҳайф димоғ.

\* \* \*

Юз меҳнату ғам кўнглума еткурди фироқ,  
Жонимга балову дард ўқин урди фироқ.  
Жисмимни фано ўтига куйдурди фироқ,  
Чун кўйди, кулинни кўкка совурди фироқ.

\* \* \*

Кўнглумни ғаму дард ила қон айлади ишқ,  
Қўз йўлидин ул қонни равон айлади ишқ.  
Ҳар қатрани билмадим қаён айлади ишқ,  
Бедил эканим бўйла аён айлади ишқ.

**Дилнавоз ЮСУПОВА**

## **Алишер Навоийнинг ҳасби ҳоли**

Улуг шоирнинг ҳасби ҳоли билан боғлиқ масалалар, аввало, шоирнинг ўз асарларида, шунингдек, замондошлари Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаъи саъдайн ва мажмаи баҳрайн», Мирхонднинг «Равзат ус-сафо», Хондамирнинг «Хуласат ул-ахбор», «Макорим ул-ахлоқ», «Ҳабиб ус-сияр», Зайниддин Восифийнинг «Бадоеъ ул-вақоєъ», Давлатшоҳ Самарқандийнинг «Тазкират ушшуаро», Муъиниддин Муҳаммад ал-Замжий ал-Исфизорийнинг «Равзат ул-жиннот», Абдураҳмон Жомийнинг «Баҳористон», Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» каби тарихий ва тазкира асарларида учрайди.

Алишер Навоий 1441 йил 9 февралда Амир Темурнинг ўғли Шоҳруҳ Мирзо ҳукмронлиги даврида Ҳиротда туғилди. Хондамирнинг «Макорим ул-ахлоқ» асарида маълумот берилишича, шоирнинг туғилган санаси ҳижрий 844 йил рамазон ойининг 17 кунида бўлиб, товуқ йилига тўғри келади. Унинг отаси Фиёсиддин Муҳаммад (уни Фиёсиддин Кичкина, деб ҳам аташтан) темурийлар саройининг амалдорларидан, онаси (исми маълум эмас) Кобул амирзодаларидан Шайх Абу Саъид Чангнинг қизи бўлган. Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаъи саъдайн» ва Мирхонднинг «Равзат ус-сафо» асарларида келтирилишича, Алишернинг бобоси Амир Темурнинг ўғли Умаршайх билан эмикдош (кўкалдош) бўлган. Навоий «Вақфия» асарида ўз ота-боболарининг темурийлар саройида юқори мавқеда бўлганликлари ҳақида шундай ёзади: «...бу хокисорнинг ота-бобоси ул ҳазрат (Султон Ҳусайн Бойқаро) нинг бобо ва аждоди хизматларида... улуғ маротибқа сазовор ва бийик маносибқа комгор бўлғон эрдилар».

Алишернинг тоғалари Мирсаид Кобулий ва Мұхаммад Али Фарібийлар ҳам шоир бўлишган. Бўлажак шоир ана шундай мұхитда, алоҳида тарбия ва назоратда ўсади. Кичиклик чоридан ўз даврининг машҳур олиму фозиллари даврасида бўлади. Уч-тўрт ёшлирида машҳур шоир Қосим Анворнинг

*Риндему ошиқему ?аҳонсўзу ?ома чок,*

*Бо давлати ғами ту зи фикри ?аҳон чи бок*

(Мазмуни: Риндмиз, ошиқмиз, жаҳон ўртовчи ва ёқавайронлармиз, сенинг ғаминг турганда дунё фикридан не фойда)

байтини ёд айтиб, меҳмонларни ҳайратта солади. Бу ҳақда кейинчалик «Мажолис ун-нафоис»нинг биринчи мажлисида эслаб ўтади. Бир йилдан сўнг, яъни 1445 йилда мактабга боради ва ёш Ҳусайн билан бирга ўқиди.

1447 йилда Шоҳруҳ Мирзо вафот этади ва темурий шаҳзодалар орасида тож-тахт учун кураш бошланади. Ҳиротда рўй берган нотинчлик сабабли Алишерлар оиласи Ироқقا йўл олади. Йўлда, Тафт шаҳрида ёш Алишер замонасининг машҳур тарихчиси, «Зафарнома»нинг муаллифи Шарафиддин Али Яздий билан учрашади ва улуғ тарихчи б ёшли Алишернинг ҳаққига дуо ўқиди. Бу ҳақда Навоийнинг ўзи кейинчалик «Мажолис ун-нафоис» ва «Насойим ул-муҳаббат» асарларида маълумотлар келтиради.

1451 йилда Хуросон анча тинчид, Алишерлар хонадони Ҳиротга қайтади. Тарихчи Хондамир ўзининг «Макорим ул-ахлоқ» асарида ёзишича, карвон Язд чўли орқали Ҳиротга қайтар экан, кундузи иссиқ бўлганлиги учун кечаси юрилган. Тунги юришлардан бирида Алишер эгар устидан ерга тушиб қолади ва уйқу зўридан бехабар ётаверади. Күёш еру қўкни ёритгандан кейингина уйғониб, узокда кўринган бир қора нуқтани излаб йўлга чиқади.

Бўлажак шоирнинг йўқолиб қолганини бир оз вақт ўтга чарх билган ота-она бир мулозимни Язд томонга жўнатадилар ва болани топиб оладилар.

1452 йилда Абулқосим Бобур Мирзо Хурросон таҳтига ўтиради ва нотинчликлар анча босилади. Абулқосим Бобур маърифатли ҳукмдор бўлиб, тасаввуф илмидан хабардор, табии назмга мойил шахс эди. Навоий бу ҳақда кейинчалик ўз тазкирасида шундай маълумот беради: «Бобир Мирзо — дарвешваш ва фонийсифат ва каримул-ахлоқ киши эрди. Ҳиммати олида олтуннинг даги қумушнинг тош ва туфрогча ҳисоби йўқ эрди. Тасаввуф рисолаларидин «Ламаъот» била «Гулшани роз»га кўп машъуф эрди. Табии даги назмга мулоийм эрди...»

Абулқосим Бобур Алишернинг отаси Фиёсиддин Муҳаммадни Сабзаворга ҳоким қилиб тайинлайди, Фиёсиддин Муҳаммад ўз оиласи билан шу шаҳарга кўчиб ўтади ва Алишер ўқишини давом эттиради. Алишер Сабзаворда ўз даврининг шоиру фозиллари Хожа Аҳмад Муставфий, Мавлоно Яхё Себак, Дарвеш Мансур, Хофиз Али Жомий, Хожа Маҳмуд, Мавлоно Номийлар билан танишади, Дарвеш Мансурдан аруз илмини ўрганади. Саъдий Шерозийнинг «Гулистан», «Бўстон» асарларини ўқииди, Фаридиддин Атторнинг «Мантиқ ут-тайр» достонини ёд олади. Бу ҳақда кейинчалик «Лисон ут-тайр» достонида шундай ёзади:

Истабон ташхиси хотир устод,  
Назм ўқутурким равон бўлсун савод.  
Насрдин бабзи ўқур ҳам достон,  
Бу «Гулистан» янглиғу ул «Бўстон».  
Менга ул ҳолатда табии булл ҳавас  
«Мантиқу-т-тайр» айлаб эрди мултамас.  
Топти сокин-сокин ул тақрордин,  
Сода кўнглум баҳра ул гуфтордин.

1453 йилда Алишер мактабдош дўсти Ҳусайн билан Абулқосим Бобур хизматига киради. Аввал Сабзаворда, сўнг Машҳадда яшайди. Бу йилларда ҳам ёш Алишер ўқиш ва илм ўрганишда давом этади.

1457 йилда Абулқосим Бобур Мирзо вафот этади. Хурсон таҳтини Абу Саъид Мирзо эгаллайди. Ҳусайн Бойқаро таҳт учун курашга киришиб кетади. Алишер Навоий эса Машҳад мадрасаларида ўқишни давом эттиради. Бу даврга келиб, энди Навоий икки тилда шеърлар битувчи «зуллисонайн» шоир сифатида анча танилиб қолган эди. Ҳондамирнинг маълумот беришича, бир куни Алишер Навоий Лутфий ҳузурига борганида, «малик ул-калом» ундан янги ёзилган бир газалини ўқиб беришни сўрайди. Навоий ўзининг

*Оразин ёпқоч кўзимдин сочишур ҳар лаҳза ёш,  
Бўйлаким, пайдо бўлур юлдуз, нухон бўлғоч қуёш*

матлаъси билан бошланувчи газалини ўқииди. Шунда Лутфий агар имкони бўлганида, ўзининг 10-12 минг форсий ва туркий тилда битилган байтларини шу газалга алмаштиришини айтиб, шоирнинг истеъдодига юксак баҳо беради.

Шоир Машҳад мадрасаларида ўқиб юрган пайтида бир муддат хасталаниб қолади. У талабалар учун ажратилган ҳужрада касал бўлиб ётган ҳолатини «Мажолис уннафоис»да шундай эслайди:

«...Султон Абу Саъид Мирзо замонида Машҳадда гарип ва ҳаста бир буқъада йиқилиб эрдим. Қурбон вақфаси бўлли, оламнинг ақсо билодидин ҳалқ имом равзаси тавофиға юз қўйдилар. Расмдурким, мусофирилар муттайийин буқъа гаштига ҳам борурлар, ул буқъадаким, фақир йиқилиб эрдим, жамоати маволиваш эл сайр қилиб, деворда битилган абётни ўқиб, бир байт устида баҳсга туштилар. Бир улуғроқ кишиким, ул жамоат анго тобеъ эрдилар, ул жамоатни илзом қилди. Фақир заъф ҳолида

ул жамоат жонибидин сўз айттим. Анга дедиларким: бу бемор йигит ҳам бир сўз айтадур. Ул улуғроқ киши худ Шайх Камол эрмишким, зиёратта келган эрмиш! Бошим устига келиб, мабҳасни орага солди. Факир жавоб бергач, ўз сўзидан қайтиб, таҳсинлар қилиб, ҳолимни тафаҳхус қилди. Эрса ул ҳам фақирни эшитган экандур ва кўрар ҳаваси бор экандур».

Алишер Навоий ва даврининг машхур шоири Камол Турбатий ўртасидаги учрашув шу тариқа юз беради.

Алишер Навоий 60-йилларнинг бошларида Ҳиротга қайтади. Бу даврда Алишернинг тогалари Мирсаид Кобулий ва Муҳаммад Али Фарибийлар Ҳусайн Бойқаронинг сипоҳийлари сифатида Султон Абу Саъид Мирзога қарши жангда ҳалок бўлган эдилар. Шоир Ҳиротда узоқ қололмайди ва Самарқандга йўл олади. Абдураззоқ Самарқандий, Мирхонд ва Хондамир шоирнинг Самарқандга бориш сабабларини илм ўрганишга интилиш билан боғласалар, Заҳирiddин Муҳаммад Бобур «ихроҳ» (сургун) деб атайди. Алишер Навоийнинг ўзи Сайид Ҳасан Ардашерга ёзган «Маснавий» мактубида Самарқандга кетишининг бир неча сабабларини кўрсатади:

*Бир улким, чу сўздиндир инсон шариф,  
Чу ҳайвонга сўз йўқдур, улдур касиф...  
Мен ул менки, то турк бедодидур,  
Бу тил бирла то назм бунёдидур.  
Фалак кўрмади мен киби нодире,  
Низомий киби назм аро қодире...  
Етар тенгридин онча қувват манга,  
Ки бўлмас битирига фурсат манга.  
Бу майдонда Фирдавсий ул гурд эрур,  
Ки гар келса Рустам жавобин берур.  
Рақам қилди фарҳунда «Шаҳнома»е  
Ки, синди жавобида ҳар хомае.  
Ки ҳар неча нутқ ўлса коҳилсарой,  
Битигаймен ўттуз ўйлини ўттуз ой.*

*Не «Шаҳнома»ким, «Ҳамса»га урсам эл,  
Анинг панжаси сори еткурсам эл.  
Ўтуз йилки они Низомий демиши,  
Қошимда эрур икки-уч йиллик иши...*

Яъни, Навоий бу ўринда ватандан кетиш сабабларидан бири сифатида Ҳиротда ижод қилиш учун имконият йўқлигини келтириб ўтгапти. Назмда қобилият жиҳатидан Низомийга тент эканлиги, Фирдавсий ва Низомийлар 30 йил вақт сарфлаб ёзган «Шоҳнома»ю «Ҳамса»ни 30 ойда ёза олишга ўзида қувват сезаётганилиги, лекин бунинг учун шароит ва фурсат йўқлигини таъкидлаяпти.

*Яна бир буким, зоҳир ўлмиш манго,  
Ки, чиқмии Ҳурсон элидун вафо...  
Вафо ерида зоҳир ўлмиш нифоқ,  
Сахо ўрнида бухл тутмииши висоқ...  
Ҳам эл манзилин шаҳ катакдек бузуб,  
Товуғ ўрнига чўғд ўлтурғузуб.  
Элида кишиликдин осор йўқ,  
Шароратдин ўзга падидор йўқ...  
Не бир ҳужраким, ком топқай кўнгул,  
Даме анда ором топқай кўнгул.  
Не бир шўх васлиға ул моядаст,  
Ки, азмим аёғиға бергай шикаст.  
Не ёреки, ранжимни қилғай қабул,  
Не зореки, ҳажримдин ўлғай малул.*

Алишер Навоийнинг мамлакатни ташлаб кетишга мажбур бўлганининг яна бир сабаби юргдаги нотингчилеклар. Одамларда бир-бирига вафо йўқ. Вафонинг ўрнини нифоқ, саховатнинг ўрнини баҳиллик эгалаган. Мамлакат шоҳи ҳалқ уйини катакдек бузиб, товуқ ўрнига бойўғини ўтказиб қўйган. Одамларда кишиликдан нишона йўқ, ҳамма жойда ёмонлик ҳукмрон. Кўнгил ором топадиган бир ҳужра йўқ. Тасалли берувчи бирор киши, кетаман,

деса этагидан тутадиган умр йўлдоши, кетса айрилиқдан эзиладиган дўсти йўқ.

Самарқандга кетишининг яна бир сабаби илм эгаллашга бўлган эҳтиёждир. Зеро, Навоийнинг Фикрича, «ҳақ сиррининг маҳрами» қилиб яратилган инсон Оллоҳни маърифат орқали таниши керак:

Учинч үлки, чун холиқи зулжсалол,  
Ки, ҳам ламязал келди, ҳам лоязол.  
Чу лавҳи вужуд узра тортиб қалам,  
Ики кавн тарҳига уроди рақам...  
Эмас эрди мақсуд жуз одамий  
Ки, ҳақ сиррининг бўлғай ул маҳрами.  
Баридин гараз гарчи инсон эди,  
Анга даги мақсуд ирфон эди.

Тасаввуф таълимотига кўра, Оллоҳни таниш 2 йўл орқали амалга оширилади:

1. Ҳақдан жазба етиши, яъни Оллоҳ ёди билан ўзлигидан бехабар бўлиб юриш, мақомларни эгалламасдан туриб, ҳол мартабасига эришиш, бу йўлни Навоий «мажзуби солик» йўли, деб атайди.

2. Пирга қўл бериб, унинг иродаси билан риёзат чекиша ундан сўнггина жазба етиши, бунда аввал тариқатдаги мақомларни босиб ўтгандан кейингина ҳол мартабасига эришилади, бу йўлни Навоий «солики мажзуб» деб атайди. Навоий биринчи йўлга эришиш мусассар бўлмагач, пири комил топиб, ўзини унга топширишта қарор қиласди:

Бурун муршиди комил истай юруб,  
Ани топқач ўзин анга топшуруб...  
Чу аввалги иш бўлмади дастгир  
Икинчисидин хўб эмастур гузир.

Шу тариқа Алишер Навоий 1465-69 йилларда Самарқандда яшайди. Шоир Самарқандда дастлаб моддий

қийинчиликда ҳаёт кечиради. Кейинроқ, унга шаҳар ҳокими Аҳмад Ҳожибек ҳомийлик кўрсатади. Аҳмад Ҳожибек фозил ва шоиртаъб ҳукмдор бўлиб, «Вафой» тахаллуси билан шеърлар битган. Навоий «Мажолис уннафоис»нинг 6-мажлисини айнан шу ижодкор-ҳукмдор таърифидан бошлади: «Сурати хуш ва сийрати дилкаш, ахлоқи ҳамида ва автори писандида йигитдур. Хурсоңда тарбият топти. Ҳирот дор ус-салтанатида ўн йилға яқин ҳуқумат қилди. Самарқанд маҳфузасида ҳам муддате ҳоким эрди... Ва табыи бағоят хуб воқеъ бўлубтур ва назмға кўп илтифот қилур».

Алишер Навоий Самарқандда машҳур олим Ҳожа Фазуллоҳ Абуллайс ҳузурида фикҳ илмидан сабоқ олади. Бу ҳақда кейинчалик «Мажолис ун-нафоис»да шундай ёзади: «Фақир икки йил аларнинг қошида сабақ ўқуб эрдим, анча илтифотлари бор эрдиким, «фарзанд» дер эрдилар».

Алишер Навоий Самарқандда Мавлоно Улойи Шоший, Ҳожа Хурд, Мавлоно Мұхаммад Олим, Мавлоно Сойилий, Дарвеш Аҳмад Самарқандий, Мирзобек, Юсуфшоҳ Сафой каби олим ва шоирлар билан танишади. Шеърият ва алабиётшуносликка доир қўплаб асарларни ўқиб чиқади, салафлар ва замондошларининг байтларини ёд олади. «Мұхокамат ул-лугатайн»да бу ҳақда шундай маълумот берилади: «Йигитлигим замони ва шабоб айёми авонида қўпроқ шеърда сеҳрсоз ва назмда фусунпардоз шуаронинг ширинашъори ва рангин абётидин эллик мингдин ортуқ ёд тутубмен ва алар завқ ва хушхоллигидин ўзумни овутупмен».

Алишер Навоий шу йиллари шоир сифатида катта шухрат қозонади. 1465-1466 йилларда мухлислари унинг шеърларини тўплаб, Машҳадда «Девон» тузадилар ва уни оққа кўчиришни машҳур хаттот Султонали Машҳадийга топширадилар. Бу девон бугун фанда «Илк девон» номи билан машҳурdir.

Алишер Навоий шеърларининг довруги Шерозу Табризга ҳам ёйилади. «Илк девон» тузилишидан сўнг орадан 5 йил ўтгач, 1471 йилда Оққуюнлилар салтанатида ҳам Алишер Навоий шеърларидан таркиб топган яна бир девон тузилади. Мазкур девон Оққуюнлилар саройида фаолият юритган машхур хаттот ва шоир Абдураҳим ибн Абдураҳмон Хоразмий (такаллуси Анисий) томонидан кўчирилади. Демак, шоирнинг ўзи ҳали расмий девон тартиб беришга ултурмай, унинг шеърлари киритилган икки девон: бири Машҳадда, бири Шерозда кўчирилиб, Навоий ихлосмандларининг эҳтиёжини қондиришга хизмат қиласади.

1468 йил Хурросон ҳукмдори Абу Саъид Мирзо Эрон учун бўлган жангда ҳалок бўлади ва 1469 йилнинг бошида Ҳусайн Бойқаро таҳтни эгаллайди. У Самарқандга мактуб йўллаб, Навоийни ўз ёнига чакиради ва Навоий Ҳиротга қайтади. Шу йилнинг апрелида рамазон ҳайити кунларида шоир унга бағишлаб «Ҳилолия» қасидасини ёзди. У Ҳусайн Бойқаронинг таҳтта чиқишини янги ой — ҳилолга қиёс қиласади:

*Янги ойу ийд ики қуллугчинг ўлсун, айлаган  
Сен ҳилол анинг отин, байрам бу ернинг кунятин.*

Ҳусайн Бойқаро Навоийни давлат ишларига жалб қиласади. Шоир дастлаб 1469-1472 йилларда муҳрдор лавозимида, 1472-1476 йилларда эса амир (вазир) лавозимида хизмат қиласади. Тарихчи Мирхонд унинг бу даврдаги фаолияти ҳақида «Равзат ус-сафо» асарида шундай ёзди: «...амир бир неча вақт муҳрдорлик лавозимида қойим туриб, хизматкорлик поясини юқори осмондан ҳам ўтказди. Бир неча вақтдан кейин, бу мансабни тарк этиш бобида илтимос қилиб, бу лавозимга амир Аҳмад Сұҳайлийни тайин қилишни илтимос қилди. Хоқони Мансур унинг бу илтимосини қабул қилди, лекин ҳижрий 876 йили шаъбон ойида (1472 йил январь) банданавоз подшоҳ ул вожиб

ул-атоб амирни аморат мансаби билан сарафroz қилмоқчи бўлди. Хоқони Мансурнинг покиза кўнгли шу эдик, амир Алишер вожиб ул-изъон фармонга кўра бошқа амирлардан юқори муҳр босса, лекин ул жанобнинг кўлига маълум соатда муҳр боссин учун нишон берганларида, нафси синик бўлганидан ва бағоят улуғ тавозулилигидан, нишоннинг шундай жойига муҳр босдиким, ундан тубанроққа муҳр босишга жой қолмади...»

Алишер Навоий вазир лавозимида ишлаб юрган пайтларида ўзининг бутун куч-қувватини мамлакат ободончилиги, эл фаровонлиги учун сарф қиласди:

*Ким бор эди бошима кўп меҳнатим,  
Йўқ эди бош қошиғали фурсатим*

(«Ҳайрат ул-аброр»дан)

Мамлакатда зулм ва ҳақсизликка чек қўяди, илм ва санъат аҳлига раҳнамолик қиласди, бунёдкорлик ва ободончилик ишларига кенг эътибор қаратади. «Амири кабир» ва «амир ул-муқарраб» унвонларига сазовор бўлади.

Алишер Навоийнинг мамлакатдаги катта ҳукуқлари ва эл орасидаги юқсан эътибори сарой амалдорлари, айниқса, Мажидиддин ва унинг тарафдорларининг кескин норозилигига сабаб бўлади ва саройда фисқ-фасод кучая боради. 1476 йилда Навоий вазирлик лавозимидан истеъло беради ва бадиий ижод билан шугулланади.

Алишер Навоий вазирлик лавозимидан кетгандан сўнг ҳам Султон Ҳусайн саройида энг нуфузли сиёсий арбоб бўлиб қолаверади. Ҳусайн Бойқаро уни ўзига фоят яқин тутар, ҳар бир нарсада у билан маслаҳатлашар ва шоирнинг фикрини ниҳоятда қадрлар эди. Бу ҳолат улуғ шоир ва сарой амалдорлари орасидаги низонинг ошишига олиб келади. Ҳусайн Бойқаро Навоийни Астрободга ҳоким қилиб юбориш билан саройдаги низоларга чек қўймоқчи бўлади.

Алишер Навоий 1487-1488 йилларда Астрободда ҳокимлик қиласди. Мирхонднинг ёзишича, «Астробод

гулшани адолат хислатлик амирнинг келиши билан Эрам гулистанининг файратини келтирадиган бўлиб, Журжоннинг саййидлари, уламоси, эътиборли кишилари, фозиллари ул мақтовга муносиб сифатли амирнинг лутфу марҳаматлари билан фаҳр ва қувонч топдилар. Яна раъияти унинг адолату инсофининг баракоти билан зулму бедодлик зулматидан нажот топиб, тинчлик ва омонлик, фарогат ва осудаликка эришдилар».

1489 йилда Алишер Навоий Ҳиротга қайтгач, ўрнига Астробод ҳокими қилиб шаҳзода Бадиuzzамон тайинланган эди. Бу орада Балхда Дарвешали қўзғолони бошланади. Ҳусайн Бойқаро Навоийни олиб, Балхга жўнайди. Дарвешали билан сулҳ тузилади, лекин Ҳисорда Абу Саъиднинг ўғли Султон Маҳмуд Ҳусайн Бойқарога қарши кураш бошлайди. Шоҳ Навоийни Балхда қолдириб, ўғли Бадиuzzамонни олиб, Ҳисорга отланади. У билан ҳам муросага келишиб, орқага қайтади ва Балхни Бадиuzzамон тасарруфига беради. Бадиuzzамон ўн уч ёшли ўғли Мўмин Мирзони Астрободда қолдириб, Балхга келади. Ҳусайн Бойқаронинг суюкли аёли Хадичабегим билан Мажидиддиннинг ўрнига вазир қилиб тайинланган Низомулмулк Астрободга Музаффар Мирзони ҳоким қилиб тайинлашга эришдилар. Хадичабегим шоҳнинг мастилик чоғида Мўмин Мирзони ўлдириш ҳақидаги фармонга имзо қўйдириб, унинг зудлик билан ижро қилинишига эришади. Ҳусайн Бойқаро ҳушига келиб, янги фармон жўнатади. Лекин вақт ўтиб бўлган эди.

Бу ҳодиса Алишер Навоийга қаттиқ таъсир кўрсатади ва кўпдан бўён орзу қилгани — Ҳаж сафарига тайёргарлик кўра бошлайди. Шоҳдан ижозат олиб, йўлга отланади. 1499 йилда Марвда Ҳусайн Бойқаронинг яна бир ўғли Абулмуҳсин отасига қарши бош кўтаради. Шоҳ исённи бартараф қилиш учун қўшин билан Марвга отланади. Мирхонднинг хабар беришича, «Марв қамали уч-тўрт ойга чўзилиб, фатҳу зафар шоҳиди мурод кўзгусида

кўринмагани учун хоқони Мансур сулҳга майл қилди. Абулмуҳсин мирзо ҳам қалъадорликнинг чўзилиб кетганидан гам чекиб, отаси қошига чопар юборди ва амир Алишерни талаб қилдиким, то ул жанобнинг воситачилиги билан сулҳ иши воқе бўлсин». Шоҳ Машҳад остоналарига етиб қолган Алишер Навоийга тез чопар юборади. Алишер Навоий Машҳад улуғлари ва ҳамроҳлари билан маслаҳатлашади. Улар мамлакатнинг тинчлиги ҳар нарсадан устун эканлигини айтиб, ҳажга боришни кечикиришни маслаҳат берадилар. Алишер Навоий ортга қайтади ва ота-ӯғил орасида сулҳ имзоланади.

1500 йил декабрининг охирларида Ҳусайн Бойқаро Астробод юришидан қайтади. Анъанага кўра, саройнинг барча эътиборли кишилари шоҳни кутиб олишга йўлга чиқадилар. Улар орасида ҳазрат Навоий ҳам бор эди. Саломатлиги жуда ёмонлашганига қарамай, шоир сафардан қайтган сulton ҳузурига етиб келади ва ҳамроҳлари ёрдамида унинг кўксига бош қўйиб, хушидан кетади. Бу ҳолат «Макорим ул-ахлоқ»да шундай тасвирланади: «Бир фарсаҳга яқин юрганда соҳибқироннинг дабдабали ва кўркам муҳафаси кўринди. Шу вақт Худонинг инояти билан ул зотнинг муборак боши айланиб қолди. Олижаноб амир Ҳожа Шиҳобуддин Абдуллани ҳузурига чақириб: «Мени эҳтиёт қилишдан гофил бўлманг, аҳволим ўзгариб қолди», деди. Шу пайт аъло ҳазратнинг қўлини ўпишга етишмок учун отдан тушди. Тўсатдан етишган касалликнинг оғирлиги сўнгти ҳаддига бориб қолгани ва юришга мадори қолмаганидан, мазкур амир ва Мавлоно Жалолуддин Қосим унинг қўлтиқларига кириб, улут Амир бошини баланд мартабали подшоҳнинг қучоғига қўя олди. Аъло ҳазрат ул буюклиқ ва дабдаба доираси марказининг аҳволида ўзгариш кўриб, гоятда қайғуга бодди, ғамгийн бўлди». Шоирни оғир аҳволда уйга олиб келадилар. Уч кун ҳуҳсиз ётган Алишер Навоий 1501 йилнинг 3 январида сакта касаллиги туфайли вафот этади.

## Мундарижа

Ўткир Раҳматов.	«Буюкликнинг боқий овози» .....	6
Сўйима Фаниева.	«Ўз замонидан ҳозирга қадар маҳсус ва машҳуд» .....	10
Муҳаммад Али.	Эл комин раво айла .....	20
Муслиҳиддин Муҳиддинов.	Сўз фазилати .....	25
Иброҳим Ҳаққул.	«Мени мен истаган...» .....	34
Шуҳрат Сироғиддинов.	«Кимки инсондур, аниң маҳбуби ҳам инсон керак...» .....	39
Ҳасан Кудратуллаев.	«...Хизматим бўстони сидқ ва сафо саҳобидин сероб» .....	43
Нурбой Жабборов.	Боқий ҳикматлар қурдати .....	46
Олимжон Жўраев.	«Ажаб саодат эрур...» .....	49
Санобар Нишонова.	«Макорим ул-ахлоқ» сабоги .....	52
Поён Равшанов.	Садоқат тимсоли .....	57
Салима Мирзаева.	Истеъоддлар ҳомийси .....	59
Сайдбек Ҳасанов.	«Сабъай сайёр»да ранглар жилоси .....	62
Сулаймон Иноятов.	Бебаҳо хазина .....	67
Дилором Салоҳий.	Навоий ва Самарқанд .....	69
Акмал Саидов.	Адолат тушунчаси – Навоий талқинида .....	74
Нодира Афоқова.	«Жондин сени кўп севармен, эй, умри азиз» .....	80
Равшанбек Маҳмудов.	Устозлик рутбаси .....	84
Исхоқ Носиров.	Маъно ва ҳайрат .....	86

Юсуф Эшонқулов	Фозиллар мададкори .....	90
Акрамжон Деконов.	«Сади Искандарий» ибрати .....	94
Эргаш Очилов.	«Ҳайратлар олами» .....	99
Буробия Ражабова.	«Тузай назм мулкида шоҳона базм» .....	104
Тоҳир Хўжаев.	«Жаҳон чорбогики дилкашдурур» .....	108
Мақсада Сарибоева.	«Ким олим эса...» .....	110
Маърифат Ражабова.	Илм ўзликни англамакдир .....	113
Ботир Зарипов.	«Бир насиҳат қилгум» .....	115
Саломат Маткаримова.	«Ул одат ила касби саодат қилғай» .....	118
Зухра Мамадалиева.	Навоий ижодида инсонни улуғлаш .....	124
Отабек Исмоилов.	Эъзозга мушарраф .....	129
Омонулла Мадаев.	«Оlam маъмурлиги алардин» .....	131
Навбаҳор		
Нурмуҳаммедова.	Илм комилликка элтади .....	134
Назар Эшонқул.	Данте, Навоий, Шекспир .....	136
Олимжон Давлатов.	Фурсат фаниматдир .....	140
Ибодат Бозорова.	Одоб — маънавият чироги .....	143
Шаҳноза Норкулова.	Яхшилар ҳайрати .....	146
Умид Бекмуҳаммад.	Хотамтой шоир .....	151
<b>Навоий асарларидан намуналар</b>		
Дилнавоз Юсупова.	Фазаллар .....	154
	Рубоийлар .....	169
	Алишер Навоийнинг ҳасби ҳоли .....	177



*Ушбу китоб  
университет ва институтлар,  
касб-хунар колледжлари,  
академик лицейлар, умумтаълим  
мактаблари ҳамда меҳрибонлик  
уйлари кутубхоналарига  
бепул тарқатилади.*

БИБЛІОГРАФІЯ  
ІМРНД № 105-94 ІА

1901-йй имрннг 2105.10.01 идкннга тарху оливиоид  
28.01 итобат сизоди маторий мактабларни таъсирлаштириш сиз. Ундан соён тарху  
9614 юз итобат сизоди 00021 низамд 18.8 итобат барори  
идкннга таъсирлаштириш сиз.

Информатик мактабларни таъсирлаштириш  
сиздаги ишларни таъсирлаштириш сиз.



Юсуф Шарқилов  
Акрамжон Декхонов  
Этган Очилов.  
Бурбик Рахимова,  
Родир Ҳужаси

Фазилар мактабори  
«Сади Исказандари» нотати  
«Хизратлар олами»  
«Тузай тасми мулкини»  
**Адабий-бадиий нашр**

## **АБАДИЯТ ГУЛШАНИ**

Махсуда Саруббонга

**Иккинчи китоб**

Ботир Зарифа

**«Sharq» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
Бош таҳририяти  
Тошкент – 2016**

Муҳаррир *Рустам Бойтўра*

Рассом *Толиб Қаноатов*

Бадиий муҳаррир *Феруза Башарова*  
Техник муҳаррир *Раъно Бобохонова*  
Саҳифаловчи *Анвар Мусаҳӯжасев*  
Мусаҳдиҳ *Расулжон Нафасов*

**Нашр лицензияси AI № 201, 28.08.2011 йил.**

Босишига рухсат этилди 19.01.2016. Бичими 84x108<sup>1/32</sup>.  
Офсет босма. Таймс гарнитураси. Шартли босма табоги 10,08.  
Нашриёт ҳисоб табоги 8,91. Адади 15000 нусха. Буюртма № 4139.  
Баҳси келишилган нархда.

**«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси  
босмахонаси, 100000, Тошкент шаҳри, Буюк Турон, 41.**



ISBN 978-9943-26-444-1

9 789943 264441